

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005**

84(5ү)6-44 Бэдний əдəбиёт



*Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,  
Сўзлайман, юзимни тутуб Каъбага,  
Емира олмайди ўткинчи тақдир,  
Осуга ўтаги руҳим абадга.*

*Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур  
Асли Сиз офтобим, мен зиёсимиан.  
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,  
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.*



*Зулфия*

*Япон билан  
шом аро*

*Сайланма*


«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005

Нашрга тайёрловчи  
**Ҳулкар Олимжонова**  
**Омон Олимжонов**

31748  
W 291

**Зулфия**  
Тонг билан шом аро: Сайланма.—Т.: «Шарқ»,  
2005. — 224 б.

ББК.84(5У)6.



© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2005 йил

# *Халқимга айтағ сұзлағым*

Үзинг ташна этдинг, үзинг сув тутдинг,  
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!  
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,  
Дунё ичра толган дунёмсан, халқим!

Юрак чақмоқ теккан осмон юзидаі,  
Лекин эътиқодим, иймоним бутун,  
Умримда қылғаним озми-күпимдан,  
Мехрим дарёсидан серобман бу күн.

Менга Навоийдан айтинг алла деб,  
Лутфийдан онгимга зиё таратдинг,  
Кийналган оламга бўлгин далда деб  
Асли үзинг мени шоир яратдинг...

Ёш шуур, курашchan туйғулар билан  
Сенинг тақдирингга маҳкам туташдим,  
Не-не ғанимлар-ла курашганинг он  
Кўпнинг бири бўлиб малҳамга шошдим.

Сарғайған даштларга бердинг яшил қон,  
Тупроқ тепаларда шаҳар кўтардинг:  
Ҳар бир ғалабангни кўрган суюк он  
Дилдаги ўз ғамим куий чўкарди.

Йўл юрдим, соғиндим, тўқилди байтим  
Хорижнинг шомлари, саҳарларида,  
Эзгу истакларинг жаранглаб айтдим  
Осиё, Африка минбарларида.

Пахта хирмонининг ўси бўйлари,  
Таниди, тан одди яқину йироқ  
Ғурурдан денгиздай тўлиб куйладим,  
Толелар тиладим бундан ёрқинроқ.

Мактублар ёздинг сен, мактублар битдим,  
Гоҳ кўзга нам қалқиб, гоҳида хушбахт.  
Шеър билан, сўз билан қалбингга етдим,  
Ўша қалб мен учун энг шарафли таҳт.

Кўзим устидасан бу туғёнли дам,  
Сен билан тақдирдош кундузли бўлдим.  
Сени деб сийлади Умр, азиз Ватан  
Эъзозли бўлдим мен, юлдузли бўлдим.

Ҳали бор олдимда ўтмаган бурчим,  
Ўтайман кўзимда тирик турса нур.  
Умримдаги барча фасллар учун  
Ўзига бек ҳалқим, Сенга ташаккур.

1985





Бахтиёр  
севини  
куйларди созим

# *Мұхаббат тониң күтінде*

Оқшом эди, ойдин күприқда  
Барно қызу йигит турарди,  
Ойни күттан оқшомги күкда  
Бешик-бешик булат юради.

Булутларнинг ёриб қучорин,  
Ой күрсатди олмос юзини.  
Мағур ташлаб ерга нигоҳин,  
Тинглаб қолди йигит сўзини.

«Хоҳи инон, хоҳи инонма,  
Сенинг севгинг қилмоқда шайдо.  
Бундай ёниш бегона жонда  
Бир ўчмас ўт бўлибди пайдо!»

Ой сузади, ел сари майин,  
Икки қалбни ёқар бир оташ.  
Ёник дилнинг баҳтиёр наийин,  
Ютмоқ бўлур сукут жафокаш.

Йигит севги тонгини кутар,  
Қиз кўзидаид қуолади тун.  
Лекин узун киприклар ўта —  
Ярқираиди баҳтга тўла кун.

«У бир ўтки, сени кўрмасам  
Изтиробга солар жисмимни,  
Лол қоламан — ахтариб топсан,  
Унутаман ҳатто исмимни.

Хоҳ, инонгин, инонма хоҳи,  
Хаёлимда кезасан ёлғиз.  
Мени севгин!»  
Йигит нигоҳи  
Севги тилар — сукут қилар қиз.

Оппоқ паға булут устида  
Ҳайрон сузар кекса ойсулув.  
Юлдузларни қучиб күксіда,  
Анхор тұлиб жүшиб оқар сув.

Шу чоққача ишқин қиз фақат,  
Дилдан сүраб айттанғы дилга.  
Илк, мусаффо, катта мұхаббат  
Қиз дилидан келмасди тилга.

Хозир юрак бир нигоҳ бўлиб,  
Боққан эди йигит кўзига.  
Оқшом оғушита нур тўлиб,  
Тонг кулгандай бўлди юзига.

Елда қўшиқ, кўприқда шуғъла,  
Бахт-ла тепди икки ёш юрак...  
Ой сўзлади юлдузни тўплаб,  
Севги тонги ҳақида эртак.

1936

## *Сенині мафтунині*

Яхшики йигитда эр юраги бор,  
У севса ҳеч қачон ёнмас яширин.  
Севгинг тўрисида ўзинг очдинг сўз,  
Эй кўзи қоп-қора, сўzlари ширин!

Менинг севганимни ҳали билмасдинг,  
Танҳо ўртанишдан мен олдим лаззат.  
Дилимни кемирған мұхаббат сирин,  
Ўзим ардоқладим, ҳам қиldим иззат.

Қалбимга ёзилған мұхаббат сўзи,  
Ўйимни чулғади менинг ҳар минут,  
Лекин ишондимки, сен сўз очмасанг,  
Шу дардда ўлсам ҳам этаман сукут.

Хатто билмас эдим севармидинг сен,  
Балки севганингdir бир баҳтиёр қиз.  
Балки хаёлингдан мен беҳад йироқ,  
Аммо сен дилимда кеча-ю кундуз.

Фақат ўйладимки, уятдир қизга  
Йигитта севгисин айласа изҳор.  
Бу — доғ солар дедим қизнинг хуснига,  
Энди иложим йўқ бўлмайин иқрор.

Узоқ мен ахтардим, аммо ўзимда  
Бир куч тополмадим севгидан устун!  
Мен сени севаман, сеҳргар йигит,  
Бутун борлигим-ла мен сенга мафтун.

1942

## *Сой көбаси*

Тоғ ортидан кўтарилиди ой,  
Сўлим қирғоқ нур-ла ўпишди.  
Кўзгу бўлди жимжит оққан сой,  
Ойнинг акси сувларни қучди.

Сойми ёки шаббода олди  
Менинг кўзимдаги уйқуни?  
Ой ёримни ёдимга солди,  
Дилда тошди севги тўлқини.

1943

## *Фарзанд*

Нега севмай, эркалаб ўпмай,  
Нечун демай уни ҳаётим?  
Нега демай кўзимнинг нури,  
Сўзлаганда қандим, новвотим?

Ширин экан фарзанд, у билан  
Оилага кирап экан жон.  
Кўзи кўзга тушиши билан  
Мехри балқир экан бепоён.

Иқбол бўлиб кўзинг олдида,  
Кундан кунга топаркан камол,  
Не бахт, тоза ҳаёт борингда  
Ўсса тоза, бебаҳо ниҳол.

У бор ерда қайғу ва ҳасрат  
Ҳаётингга бегона экан.  
Қани айтинг, фарзанддан қиммат  
Бу дунёда нима бор экан?

О... фарзандим, кўзим нурисан,  
Менга сендей бўла олур ким?  
Сен ҳаётим, сени кўраркан,  
Дилда беҳад жўшади меҳрим.

Қора кўзларингта қарайман,  
Унда борлиқ бўлар намоён.  
Менинг баҳтим ёрқин, бегумон  
Жилваланиб кўринар аён.

Ширин сўзинг, чексиз меҳринг бор,  
Қилиғингда бир олам ором,  
Сен билан дил чиройли гулзор,  
Қўшиғимга туганмас илҳом.

Сен ўс — соғлом, бекайғу, эркам,  
Муҳаббатим бошингга соя,  
Мен баҳтиёр алла айтайнин,  
Қўшиқларим кўп, бениҳоя.

Кўз ёш нима, сен билма зинҳор,  
Сенга порлоқ тилайман иқбол,  
Бу дунёда на яхшики бор  
Сенга, кўзим, сенга бўлсин, ол!

1943

# *Олтин күз*

Севаман, олтин күз, севаман жондан,  
Атлас табиатли гүзәл чөгингни.  
Дарахтлар либоси ранго-ранг, гулгун,  
Күзни эркалаган чаман ботингни.

Севаман, ерларга рангдор япроқлар,  
Юмшоқ, ва ранг-баранг гилам түшаса,  
Гул тергандай териб барг қизалоқлар,  
Күшлардай гурпанглаб яйраб ўйнаса.

Далада пахталар кумуши порлаб,  
Момиқ юзларини қүёшга тутса,  
Теримчи чечанлар этаклаб, қоплаб  
Тоғдай хирмонларга келтириб тўкса —

Мен беҳад севаман! Енгим шимариб,  
Қизлар орқасидан юраман мен ҳам.  
Кенг водий қўйнида қўксим қабариб,  
Яйрайман, нашъага тўламан бу дам.

Симоб тўлқинлари тутиб осмонни,  
Муттасил ёмғирлар зериктиrsa ҳам,  
Кумуш булоқларнинг сувлари сокин,  
Күшлар инларига кириб олса ҳам.

Мен ғамгин боқмайман, кўнглимда баҳор,  
Олтин япроқларга қараб толмайман.  
Ясан келинчакдай ҳар бир дарахтни  
Севаман! Нигоҳим уза олмайман.

Булут чодирини йиртиб, мўралаб,  
Чиқса қуёш, кўкка бўламан мафтун,  
Севаман нурларда пати ялтираб,  
Оппоқ кабутарлар қилсалар ўйин.

Тўзони ювилган барглар шамолда,  
Рангини кўз-кўзлаб қилганда ҳузур,  
Хозир тинган ёмғир томчиларида,  
Олтин япроқларда ёниб тоза нур —

Гавҳар маржон каби ялтираб турса,  
Мени ҳам ўрайди шеърий ҳаяжон!  
Қуёшни қаршилаб чиқиб айвонга,  
Нурларга кўмилиб юраман шодон.

Севаман олтин куз, севаман жондан!  
Товусдай безанган дараҳт, боғларни!  
Ёмғирли оқшоминг, қуёшли тонгинг,  
Хаёлга чўмганим гўзал онларни!

1943

## Пун

Тоғ ортига ўтиб кетди кун,  
Секин чўқди тоза, салқин тун...

Мен дераза очганим чорбоғ,  
Сокин ухлар тун кўрпасида.  
Майин қўшиқ ёйилар ҳар ён,  
Эсиб ўттан ел шарпасида.

Сув оқади аллалаб тунни,  
Ҳамма ухлар, уйда мен уйроқ,  
Парча қоғоз, кичик бир қалам,  
Бошим узра порлайди чироқ.

Тунда қанча хаёл, қанча куй,  
Мен берилиб қулоқ соламан.  
Сўз тополмай ифодасига,  
Ранг ахтариб шошиб қоламан.

Соф ел эсар... Парвона учар,  
Чироқ атрофида ўтрилиб,  
Ўзин уриб парт бўлади-ю,  
Столимга тушади келиб.

Мен ёзаман, юлдузлар ўтар,  
Ҳар бириси сўйлар бир эртак.  
Мана, Ҳулкар қаршимда чақнар,  
Ёрқин тонгдан келтириб дарак.

Тун ўтади, яна чорбогдан  
Күтарилаар саңарги туман.  
Мен-чи, аста чироқ сүндириб,  
Отаётган тонгни кутаман.

Кўзларимда эриб кетди тун,  
Ёйилмоқда ёрқин жувон кун...

1944

\* \* \*

Дейдиларки, сени кўрганда  
Кўзларимда ёнар жонли ўт,  
Ўша ўтнинг ёлқинларида  
Сендан ўзга бор нарса унут.

Мудом дилга содиқ, кўзларим  
Ҳақиқатни кўмиши қийин.  
Кўзларимда, қонимда кезган  
Ўша севинч, ўша олов сен.

Майли, ўзинг мендан узоқда,  
Лекин дилнинг ўти бўлиб қол.  
Менинг куйим эмас тузоқда,  
Шеър керакми, жон керакми, ол!

1944

## *Кеңір, қолдим ғафлатда*

Сени бирдан жонсиз кўрдим,  
Жоним чиқди менинг-да.  
Эс-ҳушимдан ажраб турдим,  
Туйғум кетди сенинг-ла.

Кошки эди, мен бошингда  
Турган бўлсан ўша дам.  
Кирмасмидим мен қонингта,  
Бермасмидим жонни ҳам.

Ажал деган бешафқатта  
Кошки отсам ишқимни,  
Түлдирсам ҳам күкни додга,  
Сақласам мен баҳтимни.

Кошки эди, сүнг қўлингда  
Эркаланиб берсам жон.  
Сўнгти нигоҳ, сенда қолса,  
Мен кўз юмсан беармон...

Яшаш сенинг ҳаққинг дедим,  
Кечир, қолдим гафлатда.  
Йўқ эди-ку бўлмоқ маҳрум  
Бизнинг илк мунис аҳдда?

1944

## Биз тонгни севган-чун

Тинчгина тонг отар. Чиқади қуёш,  
Кўм-кўк майсаларда ялтирас шабнам.  
Осмон ҳам тип-тиник, еллар мусаффо,  
Эркин нафас олиб уйғонар эл ҳам.

Биз тонгни севамиз — алвон рангида  
Кураш қурбонларин яшайди хуни.  
Қон бериб, жон бериб бутун жаҳонда  
Дастлаб қаршилаган биз бўлдик уни.

Биз тонгни севган-чун, уни қаршилаб  
Ҳар кун зафар билан кўтарилар қад.  
Шу тонг тиниқлигин сақлар муқаддас  
Қудрат, севгимииздан яратилган сад.

Бу чексиз севгида, қудратимизда  
Шонли оталарнинг ҳиссаси улкан,  
Шунинг-чун тинч меҳнат шиори билан  
Балқиб юксалади жонажон ўлкам.

Биз тонгни севган-чун, соф кўкимизга  
Уфқдан ўтолмас зулмат дудлари,  
Шу эркин тебранган майсалар дамин  
Бўғолмас порохнинг заҳар ҳидлари.

Онадай ардоқлаб, боладай севиб  
Сақдаймиз тупроқни, шарафни, донгни,  
Ўткир кўзимизни уфқдан узмай  
Ҳар кун қаршилаймиз сафобахш тонгни.

1947





# Ҳизбон қунлағида

05  
6378

Alisher Navciy  
nomidagi  
O'zbekiston M.M.

\* \* \*

Бахтиёр севгини куйларди созим,  
Үлим ханжарига тегди-ю синди.  
Хижрон фарёдидаи совуқ овозим,  
Наҳот, лириканинг ёлқини тинди?

1944

## Юлдуз

Уйда бўғилдиму чиқдим эшикка,  
Ер устига чўккан оқшомги туман,  
Гўё кўзларимга боққандай тикка  
Яшнарди бир юлдуз худди сенсимон.

Худди сендай узоқ ва сендай ёрқин,  
Авжи чақнаганда сўнади у ҳам,  
Бир юпанч: севгимнинг осмонидан  
Ўчмасдан ёнасан, эй гўзал ҳамдам!

1944

## Баҳор келди сени суроклаб...

Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,  
Үрик гулларининг эдинг мафтуни.  
Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби  
Кўзларинга суртиб ўпардинг уни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,  
Сени излаб юрди, кезди сарсари.  
Қишининг ёқасидан тутиб сўради сени,  
Ул ҳам ёш тўқди-ю, чекинди нари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,  
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.  
Ёзиз кўрсатай деб ҳусн-кўркини,  
Яшил япроқларни қидириб чиқди.

Топмай, сабри тутаб бўрон бўлди-ю,  
Жарликларга олиб кетди бошини.  
Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,  
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.

Қирларга илк чиққан қўйичивонлардан  
Қайдо шоир, дея айлади сўроқ.  
Барида сукунат, маъюслик кўриб,  
Ҳориб-чарчаб келди, тоқатлари тоқ...

Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,  
Ҳулкар ва Омоннинг ўпди юзидан.  
Сингиб ёш қўйдирган заъфар ёноғимга  
Секин хабар берди менга ўзидан.

Лекин ётоғимда сени тополмай,  
Бир нуқтада қолди узоқ тикилиб.  
Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,  
Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб:

«Қани мен келганда кулиб қаршилаб,  
Қўшири мавжланиб бир дарё оқкан?  
«Бахтим борми дея, яккаш сўроқлаб»  
Мени шеърга ўраб суқланиб боққан?

Үрик гулларига тўнмайди нега,  
Елда ҳилпиратиб жингала сочин?  
Нега мен келтирган шўх нашидага  
Пешвуз чиқмайди у ёзиб қулочин?

Қандай ишқда тўлиб боқарди тонгта,  
Камол топтирарди кенг хаёлимни.  
Унинг рангдор, жозиб қўшиғида  
Мудом кўтар эдим ўз жамолимни.

Қани ўша кўйчи, хаёлчан йигит?  
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.  
Нечун қора либос, соchlарингда оқ,  
Нечун бу кўкламда сен паришонҳол?»

Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим.  
Баридан тутдим-у, келдим қошингга.  
У ҳам ғаминг билан кезди афтода,  
Боқиб туролмайин қабринг тошига.

Аламда тутоқиб дарахтта кўчди,  
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.  
Сенинг ёдинг билан елиб беқарор,  
Гуллар ғунчасини этди чок-чок.

Гулу райҳонларнинг тараади атри,  
Самони қоплади майин бир қўшиқ.  
Бу қўшиқ нақадар ошино, яқин,  
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлик.

Баҳорга бурканган сен севган элда,  
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам,  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

# *Не балога этдини мубтало*

Үтди ойлар ғам билан оқиб,  
Дил топмади зарра тасалло.  
Фироқингда қолдим тутоқиб,  
Не балога этдинг мубтало!

Күз очгани қўймайди алам,  
Бошим қўйсам куйдирар болиш.  
Юпатолмас китоб ва қалам,  
Мисраларим кўтарар нолиш.

Наҳот шунча маъсум, шундай пок  
Севишишмоқда алам бор шунча?  
Бардош бермас ирова, идрок,  
Тамоман лол ақл, тушунча.

Тоғдай бор деб билган юрагим  
Қуш бошича қолмади чоги?  
Ғамни енгарман деган сарим  
Яна ортар алами, доғи.

Эриб кетмагандим севгингдан,  
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо,  
Бирга қолиш учун сен билан  
Куяману, бўлмайман адo.

1945

## *Кўғланмидини кўзлағимда ёш?*

Софинганда излаб бир нишон,  
Қабринг томон олар эдим йўл.  
Келтирадинг менга бир замон,  
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

Келдим. Узоқ қолдим мен сокин,  
Сенинг азиз бошингда ёлғиз,  
Осмон тиник эди ва локин,  
Парча булат етиб келиб тез,

Кўқда менинг бошимда туриб  
Гўё юрагимдай қалқди у.  
Кўзимдаги ёшимни кўриб  
У ҳам тўқди ёшини дув-дув.

Биз йигладик тепангда шу кун,  
Келдингми, деб кўтартмадинг бош.  
Айт-чи, сен-ла баҳтиёр онлар,  
Кўрганмидинг кўзимда бир ёш?

1945

## *Сен қандасан, юрагим*

Қалб бўлганда йироқда  
Ирова экан ожиз.  
Дўстлар ҳам кўп атрофда,  
Аммо мен якка-ёлғиз...

Бирдан қалбим кексариб,  
Қон ҳам қочди юзимдан.  
Сен, сирдошни ахтариб,  
Хаёл кетар изингдан.

Қайга кетдинг юрагим,  
Битди бардош ва тоқат.  
Суҳбатингдир тилагим,  
Дилда ҳасратим қат-қат.

Кўпдир айтажак сўзим,  
Ўгитларингга зормен,  
Йиглайсан деб дўстларим  
Таъна қилас. Нетай мен?

Совуш бермайды менга,  
Ёқиб кеттанинг олов.  
Нетай, етмайман сенга,  
Үртага ташланган ров.

Ишқұа маскан юрагим,  
Топиб бер, деб қистайды.  
Нима қилай, бераҳм —  
Рұхим сени истайды.

1945

## *Хаёт жилюси*

Яна йилдай узун бўлди тун,  
Кўзларимга келмади уйқу.  
Турли хаёл чулағаб ўйимни,  
Ўтдай ёқди бошимни парқув.

Тўшагимда кучсиз ва ҳоргин  
Тўниб ётдим хаёлга ботиб,  
Девордаги гардиш палакка  
Шуъла туциди куюндай оқиб.

Сўйламади юпанчли сўзлар,  
Одатдаги дўстлар сингари.  
Аммо енгил тортиб нафасим,  
Назаримда ғам кетди нари.

Уйга кирган ҳаётбахш жило,  
Ташга бок, деб қилгандай хитоб.  
Кўтарилиб дарчадан бокдим,  
Оғушига олди офтоб.

Қарадиму, кўзимни ортиқ  
Узолмадим тирик ҳаётдан.  
Созим, қалбим, қўшиғим билан  
Мафтун бўлдим мен қайта, бошдан.

Ана, қүшлар қанотида нур,  
Нур-ла ўйнар баргдаги шабнам.  
Шу гиёхдай, эй азиз офтоб,  
Интиламан сен томон мен ҳам.

1946

## Үрик иштеганды

«Теразамнинг олдида бир туп  
Үрик оппоқ бўлиб гуллади...»  
Гулни кўриб ишқпарат қалбим,  
Минг айтилган дардан куйлади.

Сени қўмсаб оқшом чоғида  
Хижрон қўшар экан ҳарорат.  
Ўлгудайин муштоқ бўлибман —  
Висолингга, йўқ чоғи тоқат.

Сени қўмсаб оқшом чоғида  
Кириб келдим шу таниш уйга.  
Биз бир чоқлар яшаган уйда  
Тунаб қолдим хаёл-ла бирга.

Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам  
Ёшлик кечган торгина шу жой.  
Бунда яшар ажиб онлардан,  
Ишқ-ла ўтган туналардан чирой.

Ҳар бурчаги элитар ҳушим,  
Нақадарлик ошно, яқин.  
Худди тунда камолга етган  
Қўшифингда чақнаган чақин.

Бунда ҳаёт — илҳом онлари  
Қаламингдан тўкилган гавҳар.  
Гул бўйини олганда шамол  
Рашкка тўлиб тўнган у кўзлар.

Сен тутаттач чанқоқлик билан  
Ўқиб мафтун бўлганим ҳаёт.  
«Қалай деган» бўлиб термулган  
Кўзларингнинг оташи ҳаёт.

Ҳали ҳаёт, такрор ўқиркан  
Завққа тўлиб яйраган кўксим.  
Юзингдаги улуғвор, майин,  
Бир жаҳонга арзир табассум.

Бари ҳаёт, муҳаббат каби,  
Ҳамма ерда кўринар изинг.  
Паррандалар нағма куйида  
Жаранглайди товушинг, сўзинг.

Мени ўраб олди ҳаяжон,  
Яна ортди севгининг кучи.  
Шарқ қизариб, чиқмоқда қуёш,  
Олтинланди теракнинг учи.

Сен куйлаган ўрик шу кеча  
Бурканди оқ — оппоқ чечакка.  
Мен қадрдон хотира билан  
Жўнаб кетдим уйимга якка.

1947

## *Соғиниандা*

Қанча бўлди кўрмаганимга,  
Эй қалбимнинг дилбари шоир!  
Қанча бўлди бирга ўлтириб,  
Сўзлашмадик дилларга доир.

Дил-чи, дилим унутиб бўлмас  
Ишқ қўшиғи ёзилган китоб.  
Хаёл хиёл чертиб ўтдими —  
Топиб бер деб қиласди хитоб.

Иккимизга маълум бир қудрат  
Йиллар ўта сенга тортади.  
Унутайин дейману, фақат  
Дилда унинг ўти ортади.

Ҳам табиат, ҳам дўст, ҳам рақиб,  
Барчасини қолдириб доғда,  
Қўришсак-у, яна тирилса  
Ўша ўлган бўса дудоғда.

Юрагимнинг шоҳи деб сени,  
Майли, бу гал ўзим тиз чўксам.  
Хузурингда баҳтдан тебраниб,  
Ишқ ва соғинч ёшини тўксам.

1950

\* \* \*

Бу ҳаётнинг ҳамма тоза, чиройли дами,  
Азиз дўстим, мудом сени эсга солади.  
Кўзлар амри, юрак эрки, жўшқин ҳис билан  
Кечакундуз жанг қилмоқдан ақдим толади.

Фақат дилга ошно бўлган ажойиб дамлар,  
Туйғуларнинг зид хоҳиши берганда алам,  
Кўкракларни тўлдирганда ором ва озор  
Бахтсизмилик? Наҳот унуг бўлар ўша дам?

1954

## Ҳайкал

(Тошкент обл., Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон  
номли колхозда шоирга ҳайкал қўйилди)

Бу ерда шоирга қўйилди ҳайкал,  
Инсон заковати, ақли, меҳри бу!  
Кекса табиатга берилган сайқал,  
Шеърият қудрати, санъат сехри бу.

Боқ, деб, қүёш, юлдуз, төғ, далаларга,  
Үлим йиқитганин күттарди халқи.  
Энди мен ҳам фарзанд, невараларга  
Күрсата оламан төгдек тик қаддин.

Ана, юзда илхом, қўлида қофоз,  
Ҳозир водий кезиб қўшиқ биттудай,  
Сўзларига қайта берганга парвоз,  
Ҳаёт-чун таъзимни достон этгудай.

Ассалом! Айт, кимга бошимни эгай,  
Кимларнинг қўлинни суртай кўзимга,  
Чорак аср ўта келиб тириқдай,  
Боқиб турганинг-чун сўлғун юзимга.

Қанча бизга сени қўймасдан яқин,  
Ўртамизда ёттан ҳижрон тошини  
Олиб ташлаб: сени гўё бир чақин,  
Гўё нон, гўё сув, шеърдай, ёрқин  
Дурдай кўтардилар азиз бошингни.

Бир улкан қалбдайсан, мард, алл сиёқли  
Йиллар қаритмапти, ҳамон кўркам, ёш,  
Қанча кўрмаганинг тирик ҳаётни  
Ёзиб ҳар юракка солгудай қуёш.

Бу — кафтда кўтарган яшнаган тупроқ  
Сенинг номингдаги колхоз аталур.  
Бунда шеърдай меҳнат талаф ҳар чанок,  
Ҳар кун янги шодлик, баҳт яратилур.

Сен бунда меҳмонмас, азиз фарзандсан,  
Сафарбар суръатта тирик эмакдош,  
Қанча жилд ва қанча минглаб варагдан  
Чиқиб, тер тўқасан — дәхқонга йўлдош.

Сени бир кўрмаган, эшиитмаган ҳам  
Бунда сенсиз шонин этмайди баён,  
Шуҳратни ўйламай, тебранган қалам,  
Авлодга хизматдан қолмас ҳеч қачон.

Мағрур күтарилдинг бошоқдай ўсиб,  
Сен билан сағимиз яна зич, азим.  
Мангулик-чун тақдир, шеъримни тутиб  
Халқингга ва сенга қиласман таъзим.

1968

## *Сенсиз*

Мана бир умрни яшадим сенсиз,  
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб,  
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,  
Фарзандлар кўтарди қўлимдан тутиб.

Шундан бери тикман. Ҳар нега қалқон,  
Бахтта, баҳорга ҳам, қишига, қайргута,  
Бирор азасида йиглайман қон-қон,  
Тўйида яйрайман ўхшаб оҳуга.

Лекин қолганимда қалбим-ла танҳо,  
Туйгулар зорига солганда қулок,  
Ўзни заиф, чанқоқ сезганда тоҳо,  
Аламдан бераман жавобсиз сўроқ:  
Тирик экан нега ташлаб кетмадинг?

Мендан нафисроқнинг ҳуснига ошиқ,  
Мендан ёникроғи тортмади сани,  
Эди нигоҳингга бор жаннат очиқ,  
Сени мажнун этиб бир ер гўзали  
Нега мени ташлаб кетавермадинг?

Тирик айрилишнинг доги оғирмиш,  
Хўрлик кемирашиб умрни чайнаб!  
Бу — мудҳиш зевога берардим туриш,  
Кетсанг ҳам менга жон туйғунгдан айнаб.

Билардим, қайдадир оласан нафас,  
Мураккаб бу дунё сен-чун ҳам тирик.  
Сенга ёт — ношудлик, тунд руҳлик, қафас,  
Бугунги қадаминг кечадан йирик,  
Нега, нега мени ташлаб кетмадинг?

Биламан, рашк мени этарди ҳалок,  
Афзал күрганингни қарғаб ўтардим,  
Изингдан юрмасдим соядай ғамнок,  
Лекин ишқ ҳаққи-ла мағрур кутардим.

Ҳаётда мен учун қолардинг тирик,  
Қаламинг муждасин кутардим муштоқ...  
Маъюс тақдирингга яшаб мен шерик,  
Мушкул бўлаётир шодлик яратмоқ,  
Нега тирик экан ташлаб кетмадинг,  
Ташлаб кетмадинг-а, бошлаб кетмадинг?!

1970

## *Келин тушди*

Кўшнимиз уйига тушмақда келин,  
Ховлию кўчани забт эттан карнай.  
Пайвандлаб бир куйга икки ёш дилин,  
Қадим-қадимлардан келиб куйлар най.

Сурнай тоҳ наво-ю, тоҳ ҳинд наъмасин,  
Неки бор — янгратар қай куй бўлса урф...  
Бизнинг ҳовлида ҳам тўйнинг нафаси,  
Менинг дилимда ҳам баҳор урди қулф.

Келин-куёв қалбин тўлдирган шодлик  
Тўлқини тинмасин сурнай мисоли:  
Қафтда тутмас тўйдан тантанаворлик,  
Ҳаёт боғи тоҳ тинч,  
Гоҳи бўронлик.

Оғирлик елкада,  
Иқбол ўртада  
Боқый қолсин жуфт-ла севги висоли.

1974

## Лола

Лола,  
Лола,  
Бутун коинот лола,  
Күзим қамашади,  
Ақлым завқдан лол.  
Үнтирга түкілган қызил шалола,  
Пойимда бепоён ол гилем мисол —  
Боқаркан күз каби түлиқ зиё-ла  
Босиб,  
Йұлым давом этмагим маҳол.

Ёшлик экан:  
Босиб,  
Яңчиб ўттанман,  
Лолалар ёногин домига тушиб —  
Ёнига борибоқ, ёнлаб ўттанман,  
Үзгасин жилvasи дилимда жүшиб.  
Узганман,  
Юлганман илдиз-ла қүшиб,  
Қучогим түлдириб күзга сурттанман.  
Салқын күрпасига узала тушиб,  
Қуёшдан лоладай қүшиқ куттанман.

Түшде юлдуз чүлин кечганман тоғда,  
Булут силсиласин ўттанман яёв.  
Мен маслак йўлида умтилган чоғда  
Бўлмаган мен кесиб ўтолмаган ғов.  
Энди-чи? Лолани топтаса бирор,  
Ё яшноқ бир гулни бўлса узмоқдай,

Үйлайман:  
Лола чүл улкан ёноқдай,  
Күёшдан,  
Баҳордан ял ёниб лов-лов —  
Шу фусун,  
Гүзәллик она тупроқда  
Беҳадлик яшнасин,  
Мен бўлай яёв!  
Завқимни чодирдай ёзай ардоғда,  
Узмоққа ҳеч кимда дил бермасин дов!

1975

## *Излайман...*

Фикрлашдан бошгу  
Дил толганида,  
Ишли онлар ўтиб, эл олганда дам.  
Ўзим учун юлиб вақт олганимда,  
Худди юрагимдай мунис бир ҳамдам  
Ёнимда йўқ бўлса,  
Уни излайман.

Баҳорга шошқинсам жаннат қилган дуч,  
Сўйлашга таллинсам ўргаттан куйга.  
Жўшқин давраларга журъат берган куч  
Буюк,  
Боқийлиги ғарқ этиб ўйга,  
Қонимга сук солса,  
Уни излайман.

Бағримдан узганим — бағри-ла хурсанд,  
Қонимни берганим — бахти-ла гулгун.  
Ҳусни мендан кўхлик,  
Парвози баланд,  
Мехри бир жонимга солиб минг тўлқин —

Сигмайин жўш урса,  
Уни излайман.

Кунлар қанча шодлик,  
Қанча ношодлик,  
Қанча иш,  
Коҳишига этар рўбарў.  
Жаҳонга сигмаган севинчга нордек  
Келиб бир баҳамни қилганда орзу,  
Тақдир тўсиқ бўлса,  
Уни излайман.

Иzlайман!  
Биламан, топмайман уни.  
Зотан, ўзим уни қачон йўқотдим?

Фарзанд,  
Набиралар туғилган куни,  
Мен уни ҳар сафар Абадга топдим..

1975

## Ўриклаф иуллаф...

Шоир севган ўлка кўксида  
Хушбўй баҳор кезиб юради.  
Не бор! Ҳатто қоя устида  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Жуда ҳам кўп гуллади ўрик,  
Зеро, чўллар бор бўлиб кеттан.  
Ҳамма ерда очилган қўриқ,  
Юртин халқи гулистон эттан.

Дўйсту ёрлар жамулжам бу кун,  
Азиз номинг меҳр нурида.  
Минг бор узр,  
буғун сен учун  
Мен ўлтиридим тўйинг тўрида.

Бугун сенга тўлмиш етмиш ёш,  
Ярми биздан қайларда кечди?  
Ўттиз беш бор гул очиб қийғоч,  
Ўттиз беш бор ўриклар пишди.

Орамизда сени мўйсафид  
Кўрганларнинг билмам номини.  
Куйлаб ишқни, тонгни муттасил  
Менга қўйдинг умр шомини.

Мен шомлардан саҳарлар ясаб,  
Ўттиз ёшли бўлиб юраман.  
Ҳар баҳорга чиққанда қўмсаб,  
Қайноқ қўлларингдан тутаман.

Ва юраман ёнингда ўқтам,  
Эл омонлик этар сени шод.  
Сени кўрган ва кўрмаган ҳам  
Бу муборак номинг қиласр ёд.

Ва биласан кексармас умринг,  
Дондай ёйиқ йиллар қатига.  
Куйлай бериб ёшлик қўшигин  
Мангуд қолдинг ёшлик фаслида.

Не-не гўзал ёшликлар келар,  
Умри боқий ҳаёт йўлида.  
Ўшаңда ҳам ўриклар гуллар,  
Сен бўласан диллар тўрида.

1979



# Пұртпилкілар

\* \* \*

Мен ишқ әдим,  
Ишқдан маstdим беармон,  
Үттизга етмай бир зарбдан уйғондим.  
Кейин олтингуттурт оловисимон,  
Күрінмай ҳижроннинг дөгіда ёндим...

\* \* \*

О, мұхаббат, күрсат қиёфанд,  
Бисотингда ханжарми, ё май?  
Гоҳ қалбларни ярратиб чексиз,  
Гоҳ жароҳат соласан қиймай...

\* \* \*

Кимки аёл дилига ҳоким,  
Идрокидан сезади устун.  
У олмаган чүккү йўқ,  
неки,  
Аёл ўзи чўққидир бу кун.

\* \* \*

Фақат меҳру вафо қилғанмиз ато,  
Покиза ҳисларга фарзанд бу ўғил,  
Келиним! Энг гўзал, мунис, мусаффо  
Туйгулар ҳаммасин сенга берсин ул.

\* \* \*

Боланинг ҳар дарди — танинг оғриғи,  
Унга тикан кирса оғриғи санда.  
Оҳ, онам! Айтинг-чи, она борлиғи  
Худди шундаймиди яралган ондан?

\* \* \*

Ўлғач, ёнгинанғда қолсам бир умр:  
Үттиз ёш, соч ёйиқ, күзларим гирён...  
Жуфт кўрса зурриёт, булут, шеърхон, нур,  
Қадам еттанича кетсак икковлон...



*Сени  
куйлайман,  
хаёт*

## *Шинла, булбул*

Булбул сайрар, ирмоқ куйлар, ўйнар ел,  
Хамма ёққа нур тұлғанга ўхшайды.  
Ширин куйга тұлиб кетди маъсум дил,  
Севги унга ёр бўлганга ўхшайды.

— Тўхта, булбул, мен куйлайин, жон булбул,  
Сен тинглагин қалбимдаги торимни.  
Баҳор десам, рашк қилмасин чаман гул,  
Юрагимга кириб олган ёримни.

Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни,  
Эрка дилнинг тўлқинига қулоқ сол.  
Сен бийронсан, лекин менинг куйимни  
Кўрки бўлган садоқатдан сабоқ ол...

1951

## *Ҳалим, сифа ўши*

Тўлишарми ўлкада баҳор,  
Қуёш кезар осмон кўксида.  
Қалдирючлар қанотми қоқар,  
Ундан соя лаби устида.

Мана, ўғлим лаби устида  
Қалдирючнинг майин қаноти.  
Ўспириним тоза кўксида,  
Кунда ошар янти ҳис тоти.

Бўйи ошиб кетди бўйимдан,  
Боса олар кўксига бошим.  
Севгим кўриб берган уйимда,  
Ўуди менинг катта йўлдошим.

Юрак тўла шодлик, меҳр, баҳт,  
Унинг кўзларига боқаман.  
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин  
Орзу тўлқинида оқаман.

Орзулари қалбимга зийнат,  
Ҳаётидир кўзим қораси.  
Ўқинаман, баъзида фақат,  
Ёнида йўқ унинг отаси.

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,  
Ҳамон битмас сен соглан алам.  
Сен туфайли кўп хонадонда  
Ота номли буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак баҳтини,  
Жуда мурвак гўдакларимдан,  
Яхши ҳам бор шундай Ватани,  
Далда бўлди юракларимга.

Ота бўлиб солдим мен йўлга,  
Она бўлиб меҳримга олдим.  
Мана, юртта ўғил ўстирган  
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.

Қанча ишонч, умид баҳш этар,  
Ҳам Ватангга, ҳам менга бу дил,  
Қоя каби ёнимдан чиқиб,  
Суян, — дейди, — кифтимга дадил.

Мен онаман, менинг юрагим  
Фарзандларим қувончига кон.  
Дил орзиқар, баъсан тилагим  
Ваҳималар ўраган замон.

Йўқ, урушнинг номи ҳам ўчсин,  
Менинг ўғлим керак ҳаётга.  
Истамайман, унинг дудлари  
Кўнсин лаби узра қанотга.

Бас, бас, зэгу оналар қалби,  
Яшай олсин бехавф, бахт билан.  
Меңнатимиз, ғазаб, севгимиз  
Тингчлик, дейди бутун халқ билан.

Күкрак сути ва меңнат билан  
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,  
Она қалби оёққа турса,  
Үғлим, сира бўлмайди уруш!

1954

## *Саҳар мен билан....*

Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим,  
Наҳот ҳаёт шомин яқинлиги бу?  
Салқин оромида йўқолар тинчим,  
Демак, шафақ мен-чун ёлқинлиги бу!

Наҳот умримдаги саҳарги завқлар  
Тарқ этиб излайман саҳардан наҳот?  
Бирдай эмасмиди йил, фасл, вақтлар,  
Недир ўтиб, недир келмайди, наҳот?

Саҳар бу — ёшлиқдай борлиғи орзу,  
Саҳар ўқилмаган гаройиб китоб.  
Наҳот умр олиб қўлга тарозу  
Мендан кутар ҳалол, аниқ сарҳисоб?

Тўхта!  
Нечун йиллар палласи вазмин,  
Умрим эмасмиди ҳаётдан тухфа?  
Сарҳисоб чорда ҳам ўзимда изин,  
Посангисин ростлаш пайтимас, тўхта!

Кун фақат саҳармас, кундуз, шоми бор,  
Кеч пишар мевалар озми тупроқда?  
Тўхта!

Тарозуга құярдек күй бор,  
Хали саңар сиёқ яшноқ дил-богда.

Мен ахир саңар чөр таваллуд топдим.  
Онам құксі, азиз юртим ҳам саңар.  
Шеърга дил дафтарин саңарлар очдим,  
Эслайман:  
Топғанды севги қўйнидан  
Мени тоғдан оғир ҳижрон ҳам саңар.

Бутун шом устидан ял-ял қулажак  
То умр борича саңар мен билан.  
Ҳар кун менга саңар туҳфа этажак  
Халқим юрагига сафар мен билан.

1968

\* \* \*

Накадар ер жамоли ажиб,  
Ҳар сония суврати ўзга.  
Кезмоқ мумкин овозда оқиб,  
Тутмоқ мумкин ҳавони кўзга.

Сўзсиз, куйсиз маҳлиёликни  
Аташ мумкин жарангли достон.  
Ҳаёт номли рўшноликни  
Мўйқалам-ла чизмоқдир осон.

Лекин мени отар бир ўйга,  
Ҳар бир ранги олади кўзим.  
Гиёҳлари маст этиб бўйга  
Қайта мафтун сезаман ўзим.

Ва мингбора айттан қўшиқни,  
Такрорлашдан ҳеч қилмайман ор.  
Такрор изҳор этиб қуллуқни  
Ўлгунимча куйлайман такрор...

1968

# *Сени күйлайман, ҳаёт!*

Яшаш азиз җисси танда кезганда,  
Умр кўпи кечиб, армон дилни эзганда.  
Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда,  
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда  
Сени күйлайман, ҳаёт!

Ҳар саҳфанг ўқилгич янги бир китоб,  
Ўтмишми, эртами туғилар ҳар боб —  
Яшаш ва ёзишга қилганда хитоб,  
Сукут хижолатин енгмоқ азмида  
Сени күйлайман, ҳаёт!

Ҳар фасл бир ажиб тароват тўкса,  
Тўкин куз ҳосили шохларни букса,  
Янги ризқ-ёмғир, қор тоғларга чўкса,  
Баҳор гулин кўзга суртмоқ азмида  
Сени күйлайман, ҳаёт!

Сен ўзинг кун сари ўстган фарзандим,  
Гоҳ, чақноқ шоддигим, гоҳ, аччиқ зардим.  
Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,  
Дўстдан меҳр — мактуб кутмоқ азмида  
Сени күйламайман, ҳаёт!

Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ тухфа,  
Ҳар умр баҳт шонин йўғураг супра,  
Йўғурмоқ минг тахлит ва минг бир турфа;  
Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида  
Сени күйлайман, ҳаёт!

Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул,  
Мен сенман, сен менинг борлигим буткул.  
Елкамга юқ ортиб, қўлимдан туттил,  
Бу баҳтни назмга тўкмоқ азмида  
Сени күйлайман, ҳаёт!

\* \* \*

Қоғоздан ёқилган гулханлар тар күркам  
Бир дамда кўк ўпар минг тилли олов.  
Бир дам алақишсанг сўнади шу дам,  
Ўтни тилга солиб бўлмайди дарров.

Буларнинг севгиси — гулхан ёниши,  
Ўзни ҳам, атрофни этди нурафшон.  
Бу оний ёниши, офтоб ботиши —  
Симон ҳароратдан қолмади нишон.

Икки қирюқ ора оққан меҳрмас,  
Икки дилдаги дард — муз куйдириши,  
Бир севги иккига ёрилдими — бас,  
У — чироқ сўниши, туннинг кириши.

Афсус, сўнган гулхан қайта олмас чўғ,  
Дарз кетган кўнгиллар бўлмайди бутун.  
Гулханни сўндирган бўрон, муз тўлиқ,  
Дилу кўзларини кўр қилди тутун...

1974

## *Офтоб, сен борлигин!*

*Бир шифохонанага дарсли тан билан  
Тинмоқчи юрак-ла ётаман танҳо...*

Кувон, яна ёрқин тонгта етишдинг,  
Тундан омон чиққан жонинг сийлар нур.  
Кувон, деразангдан салом эшилдинг,  
Жуфт кабутар сайрап илк баҳорга жўр.

Яна кўзларингда сен билмаган кун,  
Ҳамма кунларингдан гўзалдай гўё,  
Рангиз қўл, юзингдан ўйнап офтоб,  
Кўрганмидинг шундай ҳаётбахш рўё.

Сенға етгунимча жунжиқди таним,  
Томиримда қонлар қолди ғилдираб.  
Офтоб — менинг ёрқин, содиқ ватаним,  
Күзларимдан севинч ёши милдираб —

Боқаман. Ўпкамни яиратар ҳаво,  
Қуёшим, мен сендан оламан шодлик.  
Күзни қамаштиргич нуринг дардимга даво,  
Ҳаёт яна гўзал мисли озодлик.

Мана, оппоқ хонам шуълага макон,  
Бинафша бўйидай яиратди таним.  
Офтоб! Сен борлигим тирик тутган жон,  
Сен ёлғиз мангута ташлаб кетарим...

1974





Иллар  
ва  
үйлар

# *Rашк*

Үлтирибман дарё бўйида,  
Юрагимда рашк билан ҳавас.  
Дарё оқиб борар... қўйнида  
Қуёш нури, баҳорги нафас.

Йўқ, рашкимни қўзғаттан бумас!

Чунки, мен ҳам ҳалқ денгизида  
Баҳор нафасин ҳам сезаман.  
Дарё оқиб ётар изида,  
Мен истасам жаҳон кезаман.

Лим-лим сувдан узолмайман кўз,  
Тўлқинларда тирик ҳаяжон.  
Қуёш миллион ва миллион юлдуз  
Бўлиб унга сочилган маржон...

Тепасида учар гала қуш,  
Аргимчогин дарёга солиб.  
Тоғ еллари уриб ўтар тўш,  
Салқинидан шаҳарга олиб.

Йўқ, рашкимни қўзғаттан бумас!

Ишқ ва ҳижрон оловларидан  
Омон чиққан қайнок дилим бор.  
Мен қуёшли эл фарзандиман,  
Бахтиманки, ёниқ нафас ёр.

Йўқ, рашкимни қўзғаттан бумас!

Нигоҳ кетар тўлқинлар билан,  
Соҳилларга сук билан қараб.  
Кўлда кетмон, бир чол дарёдан  
Богига сув очади яйраб.

Кумуш сочдай ёйилар сув ҳам,  
Қуйлади тупрок қўйнига.  
Менинг қалбим рашк бўлиб шу дам  
Осилади сувнинг бўйига.

Ховуч-ховуч ичади қизча,  
Сероб бўлиб кетар ташна лаб.  
Шеърим ўқиб бир ҳовуч сувча  
Баҳра олармикан бирон қалб? —

Шу рашк мени қийнар бу нафас!..

1958

## *Ўқувчи имта*

Юрак ниҳол олов қўйнида  
Ёнар, кулар, яшинарди шайдо.  
Орзу, ҳиснинг соғ үйинида,  
Илк шеърларим бўларди пайдо.

Шеъринг мурғақ, лекин дилинг соз,  
Нафасингда, дедингиз, ўт бор.  
Ёниб куйлаш шоирликка хос,  
Ўсгин, совиш билмагин зинҳор.

Бу оташни бағримдан олиб,  
Водийларга, гулларга бердим.  
Тўқувчини қўшиққа солиб,  
Қўриқ ерлар бағрига кирдим.

Ишқ, ҳақиқатан қудрати гўё  
Менинг билан тебратди қалам.  
Қўшиқларим билмай ғаш, риё,  
Ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам.

Дили шоир хассос бир элга,  
Фарзандларим нақл этар бурчим.  
Халқ қалбидаёт бир гўзал шеърга  
Етармикан ҳеч қачон кучим...

1959

\* \* \*

Тинмай оғрийди бошим,  
Күз очишга мадор йўқ,  
Ботди умр қуёшим,  
Дарднинг булути қуюқ.  
Чоғи...

Унмайди ишим,  
Ўқинчдан оғрир юрак.  
Бу яшаш, бу бир турмуш,  
Унга тоб бермоқ керак.

1960

## Мен ғизолмаган сурат

Мен йўлдаман, тинмагур юрак,  
Янги шодлик, қўшиқقا чанқоқ.  
Ҳамма ерни кўрмогим керак,  
Гўё менга ҳамма ер муцтоқ.

Қишлоқларни кездим борлиғим  
Жарангли дам сеҳрига мафтун,  
Ватандош, сен баҳтиёrlигим,  
Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун.

Қаҳрамонни чақирдим, ёндан  
Товуш берди колхозчи аёл.  
Еллар ювган юзида илҳом —  
Мен ёзажак куйдан баркамол.

Офтоб олган дурра, чанг этик,  
Дала, қуёш саховати бу!  
Кўзи ўта боқдан қалб етук  
Замон ўзи! Ташвиш ҳам сулув!

Нурланади дағал бармоқлар,  
Кўзларидан жон олар қўшиқ.  
Қонидаги янги ирмоқлар  
Замзамасин чизишга ранг йўқ!

Жасоратнинг баёни қай ранг,  
Доноликнинг белгиси қай сўз,  
Сұхбатида шеър ўқигандай  
Юксаламан мен ҳам изма-из.

Ўз бахтидай вазмин бу зотда  
Парпировчи қанот кўраман.  
Ҳаёт ўзи, ўзи ҳаётда,  
Мен ҳаётни чизмак бўламан.

Мен чизаман... нон, севги, меҳнат,  
Дўстдай азиз аёл суратин.  
Шу камтарин, шу улур санъат —  
Менинг юртим, менинг шуҳратим.

1961

## *Кимни кутасан*

Кўзинг мунча йўлда интизор,  
Эй, баҳордан баркамол ҳусн.  
Изтиробинг дилимга озор —  
Ишқ ҳижронин билганим учун.

Сен кутасан кимни, қаердан,  
Келаман деб, қилдими ваъда?  
Сен кутасан, гулнинг баргидан  
Нозик дилинг мустаҳкам аҳдда.

Ишқли қалбнинг қонидай лабинг,  
Ловиллайди маъсум оташда.  
Учкун сочар оҳу кўзларинг  
Яширмоқчи бўлганинг ғашда.

Эй, қалбига риё бегона,  
Табиатнинг бокира қизи.  
Гўзал оташда ёна-ёна,  
Айт, кутганинг нонкўр ким ўзи?

Сўрамайман, узр эй малак,  
Бебурд номни олма сен тилга...  
Баҳор кўкин безаб камалак,  
Бирдан шундай соврилар ерга.

Дилга ором ёрқин юлдузинг  
Қаердадир чақнаб турибди,  
Севги, вафо ахтариб изинг  
Чин баҳт ўзи сен деб юрибди.

1961

## *Okeanida*

Океан, кема, қардош, дўст,  
Хурмоларда маймунлар.  
Кун денгизда минг-минг кўз,  
Нурдай равшан кўнгиллар.

Табиат эттан сеҳр,  
Кутулмоққа йўқ дармон.  
Даврада қўшиқ, меҳр,  
Бир сўздан сачрас гумон.

Илҳом, куй бошда ялов,  
Тўлқинларда табассум.  
Сен, Ватан ўғли дарров,  
Недан чўчиб қолдинг жим?

Кулгу қочди юзингдан,  
Гумонга бўлдингми қул?  
Гумон менинг изимдан  
Қолмас бўлибманки тул.

Бил, у уйинг, болангдан  
Олиб менга бермайди.  
Бу муҳаббат йўлимас,  
Дил у куйга кирмайди.

Сен, гумон дентиздай күч,  
Тұлқин бўлиб от мени.  
Танамда қирғоқдек күч,  
Енгиб чиқаман сени.

Борлигимча қоламан,  
Марқумим сақлаб омон,  
Диллардан жой оламан,  
Ўзин кемирсингумон!

1961

## *Катфа*

Күздан, сўздан, қўллардан узоқ  
Букун сенга тўлар эллик ёш.  
Гёй майса эллик ёшлик нақ —  
Эллик ўшдай боқади қуёш.  
Қалам, қофоз ёзув ҳам гўё  
Эллик ўшли етук ва яқин.  
Ҳамма реал, хаёл ва рўё,  
Ҳижрон, севги, ёғин ва чақин.  
(О, араблар! Тасанно сизга,  
Ҳикматингиз келди менга қўл.  
Дебсиз. «Энг чўнг, узоқ масофа  
Дил билан дил аро ётган йўл».  
Шу чўнг, узоқ йўл бошидан ман,  
Интиламан қалб билан қалбга.  
Мен шеърдан кўпrik ташлайман  
Узр айтиб доно арабга).  
Понамисол ёриб тақдиринг  
Мен кирмайман уйингга зинҳор,  
Зеро, ҳеч он бахтинг ва меҳринг,  
Фикринг чулғаб бермадим озор.  
Лекин букун дўсту рақиб жам,  
Хо, дўст деб сев, хо рақиб деб қув,  
Эртакларда бўлгандай мен ҳам  
Келдим, бўлиб дилингга ғулув.

Даркор эмас на пойгак, на түр,  
Қатрага барг ҳам, коса ҳам жой...  
Энди сени азоб ва ҳузур  
Гирдобига олар ҳойнақой.  
Бўш қадаҳни қўясан секин,  
Шуҳрат-ҳурмат ва шаробдан маст.  
Недур сенга етмайин лекин.  
Бир нуқтага боқасан лоқайд,  
Гёё ҳамма ғойиб бўлгандаи  
Бирдан ўзинг сезасан ёлиз.  
Қўл чўзасан сипқормак-чун май,  
Май тутади ўтсиз, оловсиз.  
Тутамоги этар бетоқат  
Ва кайфингдан қолмайдир асар.  
Чунки қадаҳ тубида томчи  
Бир булбулнинг кўз ёши қадар —  
Шаффофф, қуруқ, оташга тўлиқ  
Алангасиз туради ёниб,  
Унда шодлик, кайфу сафо йўқ.  
Ичолмайсан бу майнин қониб.  
Ким билар, у не? Жигар қони,  
Йигламаган кўзинг ёшими?  
Ё бўсадан ёт лаб фифонин  
Ўт жисмига яширган намми?  
Ё кўрқоқ ишқ заиф журъатнинг  
Икки бошга солган қамчиси.  
Ё аёлнинг қалби ҳовурининг  
Музга тегиб синган томчиси.  
Нима бўлсин, шу етим қатра,  
Менман, менман, мен ўзим фақат,  
Сен бу тутов оловдан сақлан,  
Ичма, бу май на кайф, на-да баҳт!

1962

# *Қозоғистон ұланлары*

Юрак ором истаб қолган ҳар дамни  
Күммоқ мумкин қайси choғнинг қаърига?  
Ойлаб сукут қилган бу хит қаламни  
Ёндирайин қайси ғазаб қаҳрига.

Нечун шамол каби тезмас қадамим,  
Күзу қулоқ бўлиб кезмайман тинмай?  
Нечун саҳро сўзин, тошлиар нафасин,  
Дўстлар ўтоқларин яшайман билмай?

Умрда ғафлатга қолган нафас йўқ,  
Роҳат истагини йўлларга сочгум.  
Ана, Олатовдан тўкилар қўшиқ,  
Мен, қўшиқ гадоси, қалбимни очгум...

1962

## *Қўкчатор*

Кўкчатор тавсифин қозоқдан сўранг,  
Менинг қалбим кўчиб, қамашди кўзим.  
Нур макри, сув акси, ишқдай мовий ранг —  
Табиат қулига айландим шу зум.

Бу ҳам кам, юракка чанг солиб ошкор,  
Бу ер гўзалигин чиқди шоири.  
«Кўзгу керак бўлса Ойнакўлни ол.  
Бунда сен кўрмаган ҳуснинг бор», — деди.

Шу Ойнакўлингнинг тоши бўлай мен,  
«Раққоса Қайин»лар ичра йўқолай.  
Этакдан, киприқдан, сочдан торт, кейин  
Мен ўтли сеҳрингни қўшиқقا солай!

Бу ернинг тогидан замонга боққан  
Менинг икки кўзим нақ бир жуфт жайрон, —  
Мехрим қайноқ елдай ёйилиб кеттан —  
Уфқни сиғдирсам, сиз бўлманг ҳайрон.

Ҳар сўқмоқ чорлайди қўшиқ йўлидай,  
Энди қалб кўлдай тинч, қилмас замзама,  
Арчаларнинг нурга чўзиқ қўлидай,  
Ташна дил ҳар баргдан қилиб куй тама —

Саҳро қуёшидай ёнади лов-лов,  
Сўзлар алангада қолар пишгали.  
Мен боқиб тураман тийрак, беаёв  
Ўтдан омон чиқиб дилга тушгали.

Бунда ҳар дил боқар бургут сиёкли,  
Тоғдай арслонтўшу булоқдай тиник.  
Сукути вулқондай олов қаҳқаҳди.  
Куий тубсиз ором, илк ишқдай ёниқ.

Хўплам қимизингнинг жаннатдай кайфи  
Минг битта баҳорни ёдимга солди.  
Қай қиёқ, лолангнинг силади кафти,  
Манглайдан умримнинг изи йўқолди.

Оппоқ Қиз ўтовинг дилгинамга хуш,  
Дўумбиранг онамдай ширин аллалар.  
Танти дўст, машинанг бир кун кетсин бўш,  
Ё у қўлга ташла — юрсин парилар.

Олиб кетма, яшил жаннат қўйнидан,  
Олий дастурхонга минг қатла узур.  
Сахийлик шоҳисан, бу бокира ер,  
Мунис нафасидан олайлик ҳузур.

Мезбон оқинимиз тоғдай турар тик,  
Қийиқ кўзларида майин қатъият,  
— Мушоира кутар овулда! — кетдик,  
Шеъриятта шеърхон ҳокимдир фақат.

Дил ташлаб, дил олиб мен түшдим йўлга,  
Бургут сиёқлида тиниқ ашк қолди.  
Қалбим нигоҳлари етмаган қўйга,  
Юрагимни тирнаб ажиг рашк қолди...

1962

## Булут ғийини

Мен булутни севмаганман,  
Қолмаганман тўрида.  
Ҳеч ажабмас озсам диндан  
Қозоқ Эшик кўлида.

Паға булут изларини  
Ушлаб кўрмагандим ҳеч.  
Бунда қолсам юзларимни  
Ювар эмиш тонг ва кеч.

Ҳарир рўмол бўлиб майин,  
Ўралармиш бўйнимга.  
Тутқазармиш само найин,  
Ел қанотин қуйимга.

Қуёш нурин ҳовучида,  
Ичиармиш чанқасам.  
Кийги зармиш камалақдан  
Камзул тикиб беқасам...

Мен боқаман ёрқин, кибор.  
Булут кезар сарсарак.  
У гоҳ туён қилган хаёл,  
Гоҳ ел чуваттан ипак.

Кўз олдимда, атрофимда  
Кезар тўсиб ер ҳуснин,  
Лабларимда, пешонамда  
Сезаман муз нафасин.

Күлдә сузар қайиқсимон,  
Күрғоқ узра пиёда.  
Ер сиғдирмас, қувар осмон,  
Қарор топмас қиёда.

Күк етими, паға булут,  
Үйинингда санъат йўқ,  
Сехринг агар бўлса унут,  
Кўк беғубор, тупроқ тўқ.

Қуёш, юлдуз рухсорини  
Тўсмайсан қўзимиздан.  
Сен тарқ этсанг сехринг борин,  
Деконсан ўзимизда.

Мен қолмайман қучорингда,  
Сен изимдан тушасан.  
Менинг Она тупроғимда  
Дон, сув бўлиб жўшасан.

Бу тупроқда йўқ ятима,  
Сарсари йўқ!  
Ёғиб туш!  
Мен қайтаман ерга — элга,  
Келгунингча хайр, хўш!..

1962

## Ҳилар жигали

Тўкиларми тошлардан томчи,  
Ё чашмада ўйнар балиқлар.  
Сайрарми боз Қулаш эгачи,  
Ё шоирда шеър етилар?

Куйдаш оқиб пардама-парда,  
Қизлар келар экан биз томон.  
Фурур ва ноз оҳу назарда,  
Келбатида ёш Қозогистон.

Сочлардаги чилпи шидирар,  
Сулув бошлар укпар жигали  
Чүлпи сири сеҳрга солган  
Устоз күйчи Аvezов қани?

Күш этаклар сирғилар аста,  
Тошу тупроқ гул очар гүё.  
Ним табассум, бодомқовоқдан  
Дилга оқар ёқимтой зиё.

Оқ бүйинли етти оққушдай  
Ёндан ўтишади солланиб.  
Бир ёш дўстим оташ ташвишда, —  
Қолса қайиқчига ёлланиб.

— Кимлар бу соф дала гуллари  
Сўз дағалдай, кўз берар савол.  
Колхозчилар, қўноққа чори,  
Ё хилватда интизор висол!..

Ёш дўст беҳол... Етти мўъжиза,  
Етти ёққа кетар жилгадай.  
Менда қолар шу ҳол, шу сурат,  
Майин, кўркам укпар жигадай.

Кўзда сурат, дилимда ёрқин,  
Ажиб ўйлар аллалар мени.  
Қандай кўркам қизлар авлодин  
Ҳассос диди ва шоир дили!

Бу либосни зинҳор тарк этманг,  
Шу кийимда тушсангиз пойтахт  
Олмаота сулувларининг  
Маликаси бўласиз албат!

Эс-эсимда, гўдак чоримда  
Дўппи кияр эдим жигали.  
Дўст удумин бошда тутмакни  
Мерос берган Онамга балли!

# *Балхаш оқшоми*

Меҳмон кутиб ҳорган куни тиниб ишчи Балхашнинг,  
Қўнмоқчи ерга оқшом.

Юрагимга навбатини бериб ёниш-балқишининг,  
Уфққа ётди офтоб.

Қуёш, биздан гўзаликни, ўйладингки, яширдинг,  
Кечир, бу ўй бехуда.

Куни бўйи бу ерлилар берган қўшиқ меҳрнинг  
Кучи дилда биюда.

Гўдак рақиб, тоғ ухласин, ким ухлар шоир элда,  
Юрса бунда илҳоми.

Сахий кундуз тортиғиман, балиқчингдай соҳилда,  
Тувғон Балхаш оқшоми!

Сувинг эрик сарифмойдай ё Темиртов пўлати,  
Ўркач-ўркач тўлқинлар.

Ҳар балиқчи ёқсан гулхан оқин ўтови каби  
Мену балиқни чорлар.

Шеър туғилиш они мисол ҳуркмасин дея қармок,  
Ардоғли чўкаман тиз.

«Балиқ ҳали кўлда сузар, буни ичатур қўноқ!»  
Балиқчи тутар қимиз.

«Бу гал тўрга тушган сенга, баҳтингдан кўр, бойбека!»  
Мен шодман мисли гўдак.

Ойли тўлқин гўё балиқ, ортидан дил энтикар,  
Баҳт қаңдай бизга керак!

Балиқчи, мен — икки жуфт кўз кўлдан узмаймиз нигоҳ,  
Ой сувда нурли сўқмоқ.

«Баҳтинг адим экан», — дейди қармоқни тортиб  
қозоқ —

«Ўлжанг улкан, ол қўноқ!»

Ия, қардош, баҳтим гўзал, ўзбек элатим сиёқ,  
Ўлкам ҳарсага бой.

Бойвуччангни бошлаб бориб, бизларга ҳам бўл кўнок,  
Ҳадя қилай сенга той...

Икки қўллаб берар балиқ — нақ уч ойли қўзидаӣ,  
Мунгли боқар жонталаб.  
Тўлғанади, тангаларда ой сочиған юлдуздай,  
Шўр ел эсар тик қараб.

Ижозат бер! Яшаб юрсин ҳаёт кўлига ташлай,  
Кўшиқ севар озодлик.  
Ишқли қизнинг табассуми йигит қалбга сингтандай,  
Тўлқинга шўниғир балиқ.

Балиқ қолсин, тангасидай ярқираган толени  
Кетаман юртга олиб,  
Нур сўқмоқда кўрсанг бехос юлдуз танли балиқни  
Тутма сен қармоқ солиб.  
«Жақси, ташла, бизнинг юртдан ҳар тун сенга  
айтсин куй.

Ой-мактубдан ўқиб юр!»  
Мехнат, ҳаёт, дўстлик мадҳин ўқимоқ-чун оқшом, тун,  
Бедор ўтай бир умр...

1962

## Йўлда

Йўл, қишлоқ, шаҳарлар, денгизлар орти,  
Гоҳ ерда, гоҳ кўқда, гоҳ сувда йўлим.  
Қуроқдай турли ер, инсон ҳаёти,  
Турлича ўй, кураш, турлича қўним.

Ҳамроҳим: интилиш, қўшиқ ва меҳр,  
Куёш ё ерсимон йўлдаман ҳар дам.  
Ҳатто, тун уйқута этганда асир  
Эртага элтади тўшак-кемам ҳам.

Вақтни кишанлашга ҳамон мен ожиз,  
Тупротим ва умрим узра элтар йўл.  
Не ёсса туб-тубдан ҳаётга доир.  
Инсоний қалбимнинг тебраниши ул.

1963

## *Daraht*

Бир дараҳт турарди йўл чеккасида,  
Шамол урар эди уни муттасил.  
Аввал кўк, сўнг заъфар-хазон тузида,  
Кўркини йўқотди... ҳамон урар ел.

Қурғади, буқчайди курашда танҳо,  
Зилол қонларидан қолмади зарра.  
Шамол, шамол саваб қўймади аммо  
Илдиз-ла йиқилди охир бир зарбдан.

Энди ел бўшлиқда кезар дарбадар,  
Танҳо қурбонининг қақшашин излаб...  
Биламан, дараҳтдай қуласам агар  
Менинг ҳаёт борим қолмас ҳувиллаб.

1963

\* \* \*

Умр ўтмақда... Ўқинчдан йўқ из,  
Қалб меҳнатта, қаламга чанқоқ.  
Гоҳ, баҳтсизлик ютар баҳтимиз,  
Лекин ҳаёт дилбардир ҳар чоқ.

Яйраттганда яйрадим хушбахт,  
Синганим йўқ чалса-да бўрон.  
Гарчанд мен бир кам ҳосил дараҳт  
Неъматимда тириқдир ҳис, жон.

Етса дея куйим дүст, элга  
Ёнар излаш ўтида қалам.  
Заҳматкашни олганда тилга,  
Эсласангиз зора мени ҳам!

1963

## Боғбон

Боғбон гулзорида,  
бор дунё унут,  
Қўлида гулқайчи,  
теша белбоғда.  
Дараҳт бор,  
бултурги хас,  
бу иилги ўт,  
Капалак, ел, қуёш,  
курт ҳам бор боғда.

Бири озук гулга,  
бириси ҳусн.  
Бири атири берар,  
бошқа бири — ранг,  
Бири кемиради ҳаёт томирин.  
Боғбон биридан шод,  
биридан тажанг.  
Теша билан патак илдиэни қирқди.

Курт, чиқитдан фориғ этди тупроқни.  
Ҳайкалтарош диди,  
Чўнг ота меҳри  
Билан оралади қайта гулбоғни.

Оралади...  
Кейин очилган гулдан  
Танлаб-танлаб қирқди серзавқ,  
серәёв.  
Узоқ-яқин тутиб қилди томоша.  
Гул ёқут, нуқра, дур — ёнар нақ олов...

Боғбон супа узра қийигин ёзиб,  
Бир оғуш чаманни таратди аста.  
Күрди.

Танламадан ноёбин олиб,  
Келинга туттудай қилди гулдаста.

Чоги, кекса ҳассос мөхнатидан шод.  
Боғдан чиқди.  
Юриш — рақс тушган мисол.  
Мөхнат меҳри, санъат ва гулзорининг  
Тұхфаси туттанга келмагай малол.

\* \* \*

Шундай, шоир:  
Бутун үзи ва қайноқ  
Хаётдан қалбида экар үз бөгін.  
Ёт үт, хасни янчар.

Терар гул.

Қачон

Топдим, — дер гавқардай ёнган ноёбин?..

1965

## Жылар...

Илларим бу — шошиб, шоширган.  
Улкан улуш орқада қолмиш.  
Е бой берган баҳтим яширган,  
Йұллар мени шу күйга солмиш?

Е мен күчиб етмаган ҳаёт  
Она каби эслатар бурчим.  
Сероб қилмай биттан бир булоқ  
Каби битди ё қалбда кучим?

Игна билан мен қазиб қудук,  
Үша чашма күзин очаман,  
Кор қымаса қалбимдаги ўт,  
Сочим ёқиб учқун сочаман.

• Отам боши мисол оқ тоғдан,  
Отқын сувдан юламан құдрат.  
Бу күн каналга зор тупроқдан,  
Ташналиктин оламан пудрат.

• Зангор күкни бирдан сипқариб,  
Ерни кунга тутаман кафтда.  
Ойга фазо илмин сиғдириб,  
Неварамдек оламан кифтга.

Халқ тақдирин бир жилгасидай  
Хар инсондан тилайман баҳра.  
Сув унугтан қум заррасидай,  
Умрим сочиб, ўқинмай қатра —

Хаво кесиб, чарчаган қүшдай,  
Қўниб, күчиб кезгум Ватаним  
Ва меҳнатдан нақ ипакқуртдай,  
Тўхтамасман, тинмаса қалбим...

1965

## Эмиш...

Эмиш: шуҳрат ўраб кемтиқ қисматим,  
Кўзлардан узокда сирқираб оқар.  
Қалба қўрғошиндай ётиб ҳасратим,  
Кўзларим жаҳонга баҳтиёр боқар.

Эмиш: ҳаёт менга аёл баҳтидан  
Тўлиқ косасини кўрмапти лойик.  
Лекин қалбим тўккан шеър шуҳратидан  
Баҳти аёл дермиш мени халойик...

Таңда құрғошин-ла юрганлар озми?

У жангчи танида, аәл дилида  
Қарийб чорак аср зангламай ётар.  
Бахтнинг минг жилосин берган элида,  
Хар бир жон жаҳонга толе ёр боқар.

Лиммо-лим қисматта бўлмаганлар ёр,  
Кемтиклик ҳасратин биларми дардин!  
Қалбни безаб кеттан ишқда зўр баҳт бор,  
Юрак унутарми олтин дамларин?

Аәл баҳти!

Мендай аәл баҳтига  
Тақдир маликани қўрганми лойиқ?  
Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,  
Баҳтли аәл деса ҳақли халойиқ...

1965

## Ўзимга

Нега жимиб қолдинг, хаста мунғайиб,  
Ўзингни урасан яккаш тўшакка.  
Нега, келиб-келиб энди, нақ ғарип,  
Курашда енгмоқчи бўласан якка?

Қани зукко хислат — ирода, турур.  
Дўл, бўрон, ҳижронлар ўта қулган куч.  
Қани ўт булоғи, қўзингдаги нур,  
Зиқлик, хафақонлик қайдан келди дуч?

Йиллар ўтган бўлса, ундан нарига,  
Кимда муқим қолмиш ўн саккиз ёши.  
Катта тақдирингда ўтган кунларга  
Бетакрор зеб берган ҳаёт нақдоши.

Узоқ йўлда ким ҳам қолмайди толиб,  
Бир дам дўст қатида ҳордиқ чиқаргин.  
Мехрингта чўзилган дил бўлса олиб,  
Энг ёрқин йўлларга солиб юборгин.

Кел, куйсиз юракка қўшиқ баришлаб,  
Кулгисиз лабларга ўргат табассум.  
Бахтинг соч, дард бўлса тишингта тишлаб,  
Енга олсанг енгу бўлма ҳеч таслим.

Фақат сени тошдай тортган кунжақдан,  
Қаламингта мухтоҷ дунёга отил,  
Э ҳаким! Даво топ тошдан, чечакдан,  
Худоми, табиат барин эт ҳижил.

Бор вужуди ҳаёт, илтижо бу жон  
Сендан ишларига тилайди умр.  
Атомми, жонворми ё бўмбўш осмон  
Чангалидан унга бир шифо ундири...

Сен ўзинг жим ётма, бу кенг дунёда  
Ҳали кўрар шодлик, қиласар ишинг кўп.  
Қитъадан қитъага кездинг пиёда,  
Хотиранг қудугин қазиш керак хўп.

Демак яашаш керак, ланжликни унут,  
Дарё каби уйғоқ ҳаётта отил.  
Энг нодир қўшиғинг зар баридан тут,  
У менда! — деб чорлар олдда қанча йил.

1968



# Үйирламанг қаламим бир кун

«Үйирлайман қаламинг бир кун!»  
Хазилингиз күчирди жоним.  
Нақ яроқсиз қолардай бугун,  
Сиркіради толе, имоним.

Үйирламанг қаламим бир кун,  
Мени этманг соқов ва чүлөк.  
Тақінчоғим, анжомим түқин,  
Бари құлга, күзга яқынроқ  
Ётар, олманг қаламим бир кун.

Мен Ҳофиздай улашмайман юрт!  
Истеъдодим, қалбим сизларга.  
Яхши номим, баҳт-севинчим бут  
Барчасини берай қизларга.

Юрагимдан узайин парча  
Ва келтириб шам деб тутайин.  
Хоқиши, коқиши, измингиз барча,  
Барчасини күзга суртайин —  
Үйирламанг қаламим бир кун.

Гар пахтадан түлмаса режа  
Сочларимни берайин күшиб,  
Сизга ором бермаса кечә,  
Олинг мендан! Мен бедор жүшиб

Бахтингизни олай қаламга,  
Очиб берай сизга қалбингиз.  
Шұхратини ёйя оламга  
Меңнатингиз, севги, кашфингиз.  
Үйирламанг қаламим бир кун!

Қалам-ла мен түқийман қүшик,  
У — инсонга, элга хизматим.

Бурчин бекам адо этган йўқ,  
Қарзим узар икки фарзандим.

Фарзанд меҳри ва қаламимни  
Худо ҳаққи, қўйинг ўзимга.

Усиз қолсам, ўлди деб мани  
Секин парда тортинг юзимга...

Ўғирламанг қаламим бир кун...

1968

\* \* \*

Учиб кетди полопон қуши,  
Уя бўм-бўш қолди қорайиб.  
Пар остида сирқирар тўши,  
Кўз олдида дунё торайиб.

Мунг-ла сўроқ ташлар ҳар тараф,  
Мағрур боши ботди бўйнига.  
Чағалари жуфт қанот боғлаб,  
Шўнгиди кенг ҳаёт қўйнига.

Ютмоқ бўлиб уя ҳувиллар,  
Чағалари ўрнин силар тўшлари,  
Еллар чағ-чуғидай туйилар,  
Қувонч бериб сийлар тушлари.

1968

## Сотиниб

Шу кунларда баҳорга зорман,  
Навжувонлик ўти танда йўқ.  
Куз сингари заъфар рухсорман,  
Мевалар ҳам шохлардан узук.

Шу күнларда баҳорга зорман,  
Тан-хасталик эзади рұхим.  
Танҳо әмас, қаторда борман,  
Яна нени излайди сүким?

Шу күнларда баҳорга зорман,  
Шаффоғ, ёрқин күй тилар күңгүл.  
Яхшиямки, қаламга ёрман,  
Сүзлаб турар бор дилимни ул.

Шу күнларда баҳорга зорман,  
Үз баҳорим каби бемисол,  
Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман  
Ё нұноқ құл бутаган ниҳол.

Шу күнларда баҳорга зорман...

1968

\* \* \*

«Тұрга ташриф!»... дейсиз, жой не тап,  
Юрак, фикр, меҳр олдида.  
Биласиз-ку, диллар дил талаб,  
Юртлар ошар дийдор дардида.

Дүст нигоҳда күрсам үзимни,  
Маликадай түрдә сезаман.  
Бир офтоб силаб күзимни,  
Бахтлар водийсида кезаман.

Илтифотли диллар тафтидан  
Илхом қайнар мисоли булоқ.  
Шеъриятнинг ёрқин тахтида  
Күринищдан баҳт борми зұрроқ?

1968

\* \* \*

Гоҳ-гоҳ бир дақиқа тарк этмас хаёл,  
Эски бозордаги сурондай ўйлар.  
Бирининг баридан тутдими хиёл,  
Ўзгаси шағалдай оғир қуйилар.

Охирин кутишдан қурийди тинкам  
Ва дилгинам узра тушади харсанг...  
Шукур, дунё ичра яшамадим кам,  
Ва ҳеч дард, ҳеч жумбоқ этолмади танг...

1968

## *Оғзуга айб нұқ...*

Шу күнларда қалб қўшиққа тор,  
Кунда битта ёзаман шеър.  
Маъюси ҳам, ёрқини ҳам бор  
Тупрок, ҳаёт, юрак бу ахир!

Ёзганда-ку, унутман кўр-кар,  
Фақат дилга соламан қулоқ.  
Бузиб, ясаб, мисоли заргар,  
Борин тўқиб... нуқта қўйибоқ

Бир тингловчи қоламан излаб  
Ва орқага тортар юрагим.  
Уйғотибми, чорлабми, бўзлаб,  
Топиб, фикринг келар сўрагим...

1968

# *Cyk*

Үтган кунларимга келар сүк, ҳавасим,  
У — менинг қүёшдай ёшлигим.

Үтган тунларимга келар сүк, ҳавасим,  
У — ойдин шодлик, бебошлигим.

Думбуллик, жамол ҳам, бокира хаёл ҳам,  
Үктамлик, эркалик, жасорат.  
Севгидан мастилик ҳам ҳижрондан бекол дам,  
Faфлатдан вайронлик, қаноат.

Долғали түйғулар оловли түлқини,  
Хилватлаб етаклаб юрганда,  
Қонингнинг, қалбингнинг баҳтиёр шовқини  
Ақлингни кишанлаб турганда.

Офтобни хиралаб, қүёшдай кулган он,  
Үйлаган эдикми, жаҳонни?  
Энди-чи, ўй, ишинг, шодлигинг бор жаҳон,  
Баҳордай не ёқар бу қонни?

1968

## *Шалола*

Меҳнат берган олтин шодликдай,  
Отилиб тошади шалола.  
Шовқини илҳомдан ёрлиқдай,  
Юракда күтарар тарона.

Қайнайди ўзлигин йўқотиб,  
Тўзитар осмонга кумуш чанг.  
Қирғоқча түлқиндан тош отиб,  
Гўё у эрк учун қилас жанг.

Борлиқни тутади гулдурос,  
Хаммани чулғайди эзгүлик.  
Қищдан муз олғандаій ўч, қасос  
Хаётбахш күч бўлиб кезгудек.

Бу кучга танг қолиб офтоб,  
Ташлайди камалак ёйини.  
Құлайди шалола сершиитоб,  
Ахтариб каналу сойини.

Ютурап яшиндай, чақмоқдай,  
Ахтарар канал, сой, наҳрни.  
Бахтиёр ёйилар қаймоқдай,  
Топганда ташналаб бағрини.

Нақ шундай:  
Умрни этиб боғ,  
Оқасан күй-нақрим, күкрақдан,  
Фарзандим, шеъргинам, бор тезрок,  
Макон қур, энг тоза юракда...

1968

## Ұтли томчи

Ұтли томчи, шўр томчи, сени  
Нега инсон күз ёши атар?  
Қалб ўртангач қўрғошин сели  
Эмасмикан оқдан шашқатор?

Ұтли томчи, шўр томчи сели,  
Сен юзлардан ирмоқ очасан.  
Ўзимдан ҳам яширин сирни  
Рақибимга елдай сочасан.

Пешонамга ёзиқ тақдирни  
Чиқарасан кўзимдан сиқиб.  
Чўнг иродам қурган қасрни  
Жаҳонгирдай бераҳм йиқиб.

Гүё шамгин, гүё яланғоч,  
Шон-шуҳратим ешиб ташлайсан.  
Йўқ душманим бир дам этиб шод,  
Дўстларимнинг дилин ғашлайсан.

Чик, сўнг томчи, юздан сидириб  
Мен орқангдан отай қора тош.  
Ўз ҳаққим-ла кўксимни кериб,  
Кўз ёшга ҳам боқайнин беёш...

1968

## Марсия

Еру осмон, тутинг мотам, яна бир меҳрибон кетди,  
Ҳаётта, офтобга, гулга ошиқ, жонажон кетди.  
Дили кенг, хулқи пок, ирфонга кон фозил жаҳон  
кетди.

Садоқат-ла этиб меҳнат, тошиб ҳурмат ва шон кетди,  
Ажиб бир дўст, ажиб дилсўз, ажиб ширин забон  
кетди.

Яшар токай киши умрига бундоғ айрилиқ йўлдош,  
Ажаб нодир ҳаёт кўзгусига отди ажал минг тош,  
Фироқнинг ханжаридан дил жароҳатда тўкар кўз ёш,  
Фалакнинг бу жафосига қаёндан олгумиз бардош,  
Тилак, орзу, умид боғи камолида хазон кетди.

Кетар ер бағрига, афсус, бу дўстга алвидо денглар,  
Чироғинг ўчмагай ҳаргиз, яшайсан биз аро денглар,  
Тирикмиз дилда достонинг сира бўлмас адо денглар,  
Кўзинг оч, дўсту ёронлар, бугун мотамсаро денглар,  
Яшаб тўймай, неча орзу, умид, армон ниҳон кетди,  
Юракларни солиб фарёдга, дўсту меҳрибон кетди.

1968

# *Қалбим қолған әди бу ерда*

Қалбим қолған әди, бир чөф бу ерда,  
Сизнинг дилингиз-ла жүнаб кеттандим.  
Аждодим, авлодим қибласи — элда  
Қалбимни соғиниб шеърлар биттандим,  
Қани бунда ташлаб кетган у қалбим?

Кезиб, сою қоя күрмаган жондек,  
Тоққа тармашгандим толиб тизларим,  
Сочилғанди шодлик ёқут маржондек,  
Лекин тун сел ювгач кунлик изларим  
Сирқираб чикқанди толған тизларим.

Аммо яна тонгда тушгандим йўлга  
Соя кўтарилемас чўққига дадил.  
Қонларга тушганда олгандим қўлга  
Юракни кончининг фонуси шакл  
Шуъладай қолғанди у ерда ҳам дил.

Эсимда, чорлашди юлдузларсимон  
Чақмоқ ва бижилдоқ бир давра гўдак.  
Мен бўлсам айланиб гўдакка шу он  
Ҳар бири кўзидан гўё бойчечак,  
Гилосдай боққанди мен берган юрак.

Не яқин-йироққа йўлдош бўлмадим,  
Бу қутлуғ умримнинг измида эркин.  
Ҳеч ерда ҳеч кимнинг баҳтин юлмадим,  
Туйғумни изларга отмадим, лекин  
Писанд ҳам қилмадим рашклилар кекин.

Ҳар ерда денгизга тушган томчидаӣ,  
Қалбим зарраларга кетди бўлинниб.  
Аммо дилга кирган ҳар дўст севинчдай,  
Илҳом, куч, ҳаётдай жонимга иниб,  
Яшадим, дарёдай тўлиб, тўлиниб.

Қолған дил изидан яна келдиму,  
Мингларча нигоҳлар сөхрида қолдим.  
Ҳар салом, ҳар иссиқ табассум, кулгу,  
Мавжида у қолған дилим күрөлдим.

Удумдай, меросдай қон-ла ўтдими,  
Бу беҳад күзларда мавж урган меҳр?  
Зарра-зарра қолған қалбим ўтими,  
Бизни яқин қилган муazzзам сехр?

Мен олган диллар ҳам ҳамон қалбимда  
Ҳаётим безаги, шеърим жарангি.  
Ичган сувларимнинг нами лабимда,  
Сочларимда ҳатто йўлларнинг чанги.

Ўша ўт ёшликка мен содик қолиб,  
Бутун ҳалқа дилим бериб кетаман.  
Сўнг бу гул диёрни қўймасб, соғиниб,  
Қуёшдай дўстликни куйлаб ўтаман.

1968

## Ҳарорат

Ҳарорат не ўзи?  
Ҳарорат, ҳарорат,  
Бир жаҳон оғутида сезасан ўзингни.  
Тупроғинг кўксини тутади ажиг куй, малоҳат,  
Минг баҳор жамоли тиндирап кўзингни!  
Ҳарорат не ўзи?

Ҳарорат ҳарорат!

Ё меҳр масти эттан кўзларнинг боқиши?  
Кўксингни тоғ эттан самимий мулоқот,  
Минг дилда бир тонгнинг нурларин оқиши?  
Ҳарорат! Минг йиллар тах-тажни тўлдириб,  
Безавол ётган ҳис эмасми ҳарорат?  
Асрлар бўрони илдиз-ла сугуриб  
Ололмай танг қолған кучмасми ҳарорат?  
Ҳарорат, ҳарорат!

Сен қүёш умрига тентмисан,  
Жисмингда минг авлод қалбининг чўғи бор.  
Бир осмон юлдузни қамраган океандай  
кенгмисан,  
Ҳар эзгу инсонга порлаган зарранг бор?  
Ҳарорат, ҳарорат!  
Мен сени сезаман қонимда  
Кўрганда фарзанд, дўст, қардошнинг юзини,  
Сезаман ўқиган ва уққан онимда  
Нур йўлдай дилпарамт шеърлардан шоирнинг кўзини.  
Уйдами, куйдами, ўрмонми ё сакро,  
Қўнолғам кун кафти, ё музнинг чангали.  
Ураган ҳар одам,  
янграган ҳар садо  
Чорлайди ҳаётнинг баҳрига қонгали,  
Ҳарорат, бу сенми?  
Танҳолик туйғусин,  
Заифлик, худбиналик иллатин сеҳр этган?  
Элни ёв босса ҳам, гўдаклар уйқусин  
Ардоқлаб, тонгтacha ўқ ясаб, шеър биттан —  
Зарбдор куч сенмасми, ҳарорат, ҳарорат?  
Кўраман:  
тупроғим кўксидаги қон томир сингари  
Саҳрого жон бериб оқади каналлар.  
Нимадир қалбимни уйғотиб, баҳордан илгари  
Кўзғатар вулқондай севинчбахш илҳомлар.  
Хаёлдай ним шаффоф, фусункор ним оқшом,  
Атрофда ўрмонми ё анжир, олма боғ,  
Раққоса — руҳларни, завқларни этган ром,  
Сеторми, қўбизми, цембалми ё рубоб —  
Сўзлайди дилларга ҳалқ дилин узатиб,  
Маст этар оҳанглар сеҳри-ю камоли.  
Тилни ҳам билмайсан,  
Қўшиғи қонингни тезлатиб,  
Борлиғинг иситар онанинг алласи мисоли.  
Сен ўзинг сезасан қудратта, кучга ёр.  
Дўст уйи — ўз уйинг,  
қўшиғи — ўз куйинг.  
Қайғуси қиймалаб чекасан дард, озор.  
Шодлиги нурларга тўлдирап дил уйинг.  
Ҳарорат, бу сенми, муқаддас, ноёб ўт, ҳарорат?

Овозлар, оҳанглар, меҳмонлар, мезбонлар...  
Ким солган бу эзгу одатлар чўгини дилларга?  
Йўгириб бир ўтдан, ким қайси замонлар,  
Сўнг, ширин яшант, деб йўллаган элларга.  
Ҳарорат!

Бутун ҳам висолдан яшнаймиз, яйраймиз,  
Юраклар,

Кўзларда,

Қонларда сен олов,  
Оловки, қўёшнинг умрига баробар!  
Шу сабаб, эй дўстлар!

Кўзу қош сингари сизу биз,  
Абадий елкадош,

Тақдирдош, биродар,  
Бош узра дўстлик деб аталган ҳарорат нур ялов.

1969

## *Менини меҳрибон онагинам*

Онам, менинг мушфик, меҳрибон онам,  
Қалбимда овозинг, ўзинг қаерда!  
Қуёш оғушига солганми олам,  
Шуъладай одиминг қайси асрда?

Қайси минтақада нафасинг ҳаёт,  
Қайдা ким йўлига кўзинг мунтазир!  
Қайси сайёрада эй, сен Одамзод,  
Фарзандинг бўшлиқни этмоқда асир.

Қай қабила, қай чўл, қай чўққи, қай бор,  
Сенинг илк шодлигинг шоҳиди макон?  
Олам туғилиши эди сен илк бор,  
Фарзанд-ла сукутни уйғоттан замон.

Қачон эди ўша, эзгу дақиқа?  
Юзимда сезаман ўша ҳовурни.  
Онам, сен кашф эттан буюк ақида  
Йиллардай кексартиб асп, даврни,

Ўша қаҳрамонлик, ўша ҳуснда  
Коинотда, менда яшайди ҳаёт,  
Ажал-ла юзма-юз турган йўсина  
Она лавозимин этаман бунёд.

Ва қонда югурап садоқат ҳисси,  
Кўксинг иссиқлиги элитар ҳушим.  
Оловга ташлайди басир бу жисмим  
Ҳануз ўталмаган фарзандлик бурчим.

Онам, менинг мушфик, меҳрибон онам,  
Кўзимда илоҳий эзгу суратинг.  
Яна ҳаёт тўлиқ, булутдай кўркам  
Қайда жон бағишлар метин қудратинг?

Хабар бер, таваллуд дардини олай,  
Нурда чўмилтирай сени, болангни.  
Тарозу — юлдузга беланчак осай,  
Сол, ҳаёт бермоқдан толмас танангни.

Туганмас аллангдай айтай ўзингга,  
Меҳр бешигида сен ҳам ол ором.  
Оҳ, нега келмади уйқу кўзингга  
Эй менинг бир умр бедор зўр Дунём!

Бир чоқ ухладингми, мириқиб қониб,  
Бир нафас бўлганми бурчларинг унут?  
Биламан, мизғисанг ҳаёт бўш қолиб,  
Коинотта қайта чўқади сукут.

Ҳеч бўлмаса, ўлтири, узатиб оёғ,  
Мангулик йўл босган товоң олсин дам.  
Тизларингда ёттан қўлларинг чарчоғ,  
Ҳордиқ олармикан қалб-ла силасам.

Оппоқ соchlарингта қора кўзимнинг  
Миннатдор нурини қилолсам тароқ.  
Чуқур ажинингта боқиб, умримнинг  
Бебош тантилигин кўрдим ёрқинроқ.

Онам, эркалашинг, ўгит танбеҳинг,  
Бари сутинг каби жонимга озиқ.  
Оҳ, буни мен англаб еттунимча минг —  
Минг бир аламларни қилмадим тортиқ.

Барисига уэр, пойингта чўкиб,  
Қўлинг қадоғига эгаман бошим.  
Қалбинг инжитмайман кўз ёшими тўкиб,  
Эй менинг саховат, шодлик қуёшим.

Оҳ, дарҳол кечирдинг, нигоҳинг таскин,  
Ўтинг рутубатим, ҳасратим олди.  
Сенга еттунимча бўлган бор дардим.  
Илларим сингари учиб йўқолди.

Ўзимни гўдақдай сезиб тизингда,  
Булутдай, қулундай яйрайди таним.  
Умринг ифтихорим, ҳатто изингдан  
Кўтарилган чанг ҳам, сендей Ватаним!

Сен тупроқ,  
осмоним,  
қоям,  
ўт,  
нахрим,  
Сен сўнгти нидомсан жон берар палла.  
Эй, мусаффо кўкси дахлсиз маҳрим,  
Мен — она қизингта айт, жонбахш алла.

Ҳар сўзинг бир китоб, сеҳрига кириб,  
Сен — Момо Ҳавонинг йўлига тушай.  
Бир нуқтасин тўксам, киприк-ла териб,  
Ичга согланингни дилимдан қўшай.

Негаки, хоксор, улкан юрагинг,  
Узок, йўл дардини тубга солар жим.  
Бир умрлик йўлда кечиб, кўрганинг,  
Зарраси мадҳига етарми кучим!

Сўз тилаб койитмам.

Мехроб тўрида  
Ўлтири, қалбинг уриб турса кифоя.  
Дилим каби содиқ қалам қўлимда,  
Сен ўз юрагингдан бошла ҳикоя.

1969

## *Менини тонгим*

Она тупроқ оромда ётар  
Олиб тунги рисқи-кудратни.  
Менинг тонгим қалбимда отар,  
Ўйдан, кўздан ҳайдаб зулматни.

Тундан тонгни узиб оламан,  
Катта бўлсин деб ишли куним.  
Қоғоз узра сахар ёйман,  
Баришлайман умрига қўним:

Ой қолдирган момиқ изларни,  
Кўчираман шеър сатрига.  
Иситмовчи шўх юлдузларни  
Пайвандлайман ернинг таптига.

Олов чехра қизлар қатида  
Бахт тўқишига бераман фармон.  
Токи яшаб инсон вақтида,  
Қуёшга тик боқсин бизсимон.

Менинг тонгим бошланар тундан.  
Кузатаман гунча кулишин.

Тоғ ортида бошланар кундан  
Япроқларда шабнам сўнишин.

Сийнадай оқ тонг уйғониши  
Хуснига йўқ кундузда қиёс.  
Саҳар бедор қушнинг хониши  
Ажиб шодлик, ёниқ эҳтирос.

Қай уйдадир йиглади гўдак,  
— Бер онаси, хушбўй кўкракни!  
Унга темир қанотлар керак,  
Тарк этмак-чун бу тор йўргакни!

Узоқ-яқин деразаларда  
Бирин-кетин ёнади чироқ,  
Шошқин қадам, куй, пардаларда  
Янги тонгта киради тупроқ.

Тундан юлган тонгим:  
Гоҳ бир шеър,  
Гоҳ ўқилган бир китоб бўлур,  
Гоҳ умрнинг ўттан беҳосил  
Саҳфасига бўм-бўш боб бўлур...

1970

## *Шафак*

Шафак нури гўзал, дейдилар,  
Мен шафақда келдим юзма-юз.  
Жилваларим зарҳал, дейдилар...  
Тонг мисоли тиндирмайди кўз.

Шафак нури олис, дейдилар,  
Кўл узатсан тутар қўлимдан...  
Ҳароратдан холис, дейдилар,  
Оташ ўсар менинг йўлимдан.

Шафақ умри қисқа, дейдилар,  
Чүккан жондай ботар уфқقا,  
Қолдиргани ғусса, дейдилар...  
Менинг жоним тұла қүшикқа.

Юрак заиф, идрок ҳукмдор  
Үттан йўлга боқаман лоқайд;  
Қанча тошлок, жар, тепа, гулзор  
Үтилганин билмабман кўп пайт.

Фақат битта ўқинч: қаламга  
Үттан кунлар ўтказар ҳукм.  
Чап бергандай кўп лаззат менга,  
Үттан қолиб, иқболга юргум...

1972

## *Яна буғун баҳорға Зорман*

Яна буғун баҳорга зорман,  
Үз баҳорим каби шошқалоқ.  
Яна буғун баҳорга зорман,  
Кутавериб дил бўлди қадоқ.

Кел, тупроқни муз қобигига  
Олган қишини бир гўрга ҳайд!  
Кутмоқ, етди интиҳосига,  
Куй ниш урар қалб номли найда.

Куйми, ғамми, оромми, азоб,  
Не бўлса ҳам тўлоғи оғир.  
Қалбдан,  
Тандан юлиб боб-боб,  
Ким бўлса ҳам туғади охир.

Баҳор — қўшиқ, таваллуд фасли,  
Бунда сенга чунон ҳам зор бор.

Энг беозор түйфулар насли —  
Шеърларимга бир доя даркор.

Кел, дилдиrok қалбимни тушаб,  
Бўғин, бўғинимга олайин.  
Фақат ўтинч:  
Нур,  
Шодлик қўшиб,  
Йўргаклаб ол, мунг бўлса найим.

1972

## *Мен туғилган кун*

Бугун менинг туғилган куним,  
Мени тукқан онам, Сиз қайдা?  
Бедор ўтиб бормоқда туним,  
Бир оғриқ бир қон, жонда, пайдা.

Туғилганман қайси соатда.  
Қанча муддат сиз егансиз дард?  
Қиз туғилиш дарди одатда  
Бўлган экан Сизда бешафқат.

Бугун менинг туғилган куним,  
Тўлғоқдаги ҳолингиз кўзда:  
Курси қучиб қурашасиз жим,  
Қотма жусса гоҳ ўт, гоҳ музда.

Қора терда танҳо бошингиз,  
Лабингиз — дашт жўягидаи қоқ,  
Оғзингизга тиқиб сочингиз,  
Танангизга соларлар тўлғоқ.

Беш болангиз дарча ортида  
Жонингизни кўриб ўтирган,

Менинг отам қўшни отида  
Ким қайлардан доя қидирган?

Бор суякни чок-чоқдан сўкиб  
Ичингизга сифмай кетган мен,  
Танангизнинг тубида чўкиб,  
Чеҳрангизга энтикан-да мен;

Гоҳ дард тутиб, гоҳи у қочиб  
Кўзингиздан сачратган олов.  
Фақат азоб эшигин очиб,  
Чекинишга қўйган бўлсам ғов;

Томирингиз бўйлаб эзганим,  
Тўққиз ою тўққиз кун уйғоқ.  
Беш ўғилнинг изиданлигим,  
Сизлар интиқ қизча туғилмоқ;

Юзингизни кўришга шошган,  
Кўзингизга кирмоқ бўлганим!  
Кўксингизга ташна лаб чопган,  
Сўзингизга муштоқ бўлганим;

Балки тандан қону ёшликни  
Сўрмоқлиқдан ҳижолатлигим?  
Юрагингиз бир қуёшликни  
Сезиб, жоним роҳатдалигим;

Гўзал қалбнинг тагида ётиб,  
Эзгу ҳиссингизда жўшганим.  
Ноёб идрок сеҳрига ботиб,  
Ухлоқ шеърга шогирд тушганим!

Ҳа, қонингиз, жонингиздаги  
Бир жаҳонни уқиб олганим,  
Барчасидан узилиш дарди  
Яқинлиқдан қўрқиб қолганим —

Бари учун, — жаҳаннамий дард  
Тўлғорига отдим не муддат? —

Мен билмайман!  
Самовий бир мард,  
Жон тұғувчи илохий қудрат —  
Бұлғанингиз онларга таъзим!  
Азоб учун умримдай узр...

Барин такрор этдім мен ўзим,  
Она бўлмоқ — азобли ҳузур...

1972

## *Қуёш узиб бер*

— Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Юрагимдан узган сингари.  
Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Ёлғон бўлсин ўтнинг тингани.

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Борлиғингга югурсин олов.  
Кўзларингда маҳв этгувчи у ёлқин чақнаб,  
Юзинг ёнсин гул каби лов-лов.

Кул, товушсиз қах-қаҳантдан дурдай тишларинг  
Оқ чақнаши қамаштирсин кўз.  
Энг ярашиқ либосларда юрт кезишларинг  
Эди қандай ўқтам ва дилсўз!

Ёнар тоғдай ҳис, тоқатни ниҳол бир танда  
Олиб юрган мунисул онга қайт!  
Ёниқ эди севинч, ишқ ҳам дард-хижрон санда,  
Тоқ мисрали бўлганми ҳеч байт?!

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Севинч, ёниш тори толмасин,  
Сен тотмаган шодик, лаззат дунёда қанча,  
Сени билмай доғда қолмасин!..

## — Йүк!!!

Бир парча қүёшингга түлмайди күнгил,  
Сахий эсанг, борини тутқиз!  
Бир бор номим ярим бўлган, кемтиклик мушкул,  
Доғи қолган, дилда чандиқ из.

Менга қуёш қанот учун, парвоз-чун зарур,  
Ахир кураш, баҳтга лиқ жаҳон!  
Қўлдан тутиб қитъаларга етказсин ҳар нур,  
Тўқис, ёрқин куйга тўлсин жон!

Шеърларимда инсон баҳти, океанлар кучи,  
Тоғлар матонати урсин барқ.  
Бўлса менинг куйимга ҳам чанқоқ ўкувчи  
Бўлсин қуёш шодлигига фарқ.

1972



# Азиз түйүнләр

## Баҳор

Инсон күзларида жон олар баҳор,  
Барча томирида унинг түлқини.  
Үтмишнинг беҳуда они каби қор,  
Беиз, бедард эриб кетар учқуни.

Инсон күзларида жон олар баҳор,  
Ўйинқароқ, гўдак сингари булат.  
Кўк қовоги ўюқ,  
ёрқин бир виқор  
Кишилар қалбидан боқар бўлиб ўт.

Баҳорнинг сеҳргар боқий чиройи  
Ёшу кекса кўнглин овлайди бирдак,  
Кўзгуни синдириб ташлар.  
Киройи  
Ҳар кишининг ёши бу фасл дилдак.

Ҳар нурга,  
ҳар қушга,  
ҳар куртакка шод  
Бениҳоя яқин бўлади йироқ,  
Гўё сенсиз ҳосил бўлади барбод.  
Ҳар тикилган чигит кўксинг этар тор.

Баҳор бўлмасайди, одамзод албат  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай баҳт...

## Невара

Улугбекка

Неварам қуюндай отилиб кириб,  
Қаламим тагидан қоғозни юлар.  
Дамда варрак ясад кўкка учириб,  
Изидан қоп-қора кўзлари юрар.

Варрак тортар шекил, мурғакни күч-ла,  
Оёқ тираб силтар дакани кибор.  
Айрилиб қоғоздан, шеърдан ва хушдан  
Боқаман варракбоз жонга баҳтиёр.

Нақ бобоси сиёқ зеҳндей тийрак,  
Кўкиш алангада ёнар сочу қош.  
Борлиғи эзгу бир ўт бўлса керак,  
Томирларда қонмас, кезади қуёш.

Дака варрак тиниқ зангори фазо  
Тубига интилар, шўнғир нақ хаёл.  
Талпинган кўксингда, болакай, не бор,  
Сен иқболга, сенга не тутар иқбол?

Невара бўлмаса, одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф эттандай баҳт.

### Мажнунтол

Яланюоч дарахтлар ора мажнунтол,  
Шоир хаёлидай латиф, серҳашам.  
Бутун новдалару танлари зилол,  
Шу ерда таваллуд топмиш илк кўклам.

Зилол бу ёмғирнинг тагида бир чол  
Умр ва қиш юкларидан гўё олар дам.  
Юз-кўзида яйрап баҳорий хутиҳол,  
Кифтга зилол толдан тўн ёпмиш кўклам.

Мажнунтол йиглоқи, боши ҳам дерлар,  
Қўлларин чўзган-чун тупроқ тафтига.  
Ҳаёт-чун, ҳусн-чун, ризқ-чун таъзим-ла  
Лабларин қўймоқчи сахий кафтига.

Дарахт ҳам инсоний ердан олар жон,  
Инсон қачон ердан кетган узилиб?  
Мажнунтолда зилол шодлик бир жаҳон:  
Яшайди тупроққа садоқат бўлиб.

Садоқат бўлмаса, одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф эттандай баҳт.

## **Наздимда**

Наздимда асаблар бўлмиш увада  
Худа-бехудага бўламан фиғон.  
Фитна, дағалликми фикрим чувалаб  
Шодлик оқимиға ташлайди тўғон.

Шўнгийман нокерак икир-чикирга,  
Шунчалар яшнар кўзда қалқиб қолар ёш.  
Лекин онг, қалбдами дард билан бирга,  
Балқир отам изми, онамдаги дош.

Отам пўлат букиб, омоч қўйгандай,  
Қоғоз узрамен ҳам юритаман омоч.  
Қўриқ қатламида бўстон туйгандай  
Дил ундар: «Заррама-зарра ҳамки, оч!..»

Борлиғимни йигит құдрати қучар,  
Рұхимга ойдаги бокиралик ёр.  
Ишлайман, қатламлар кўчкидай кўчар,  
Мен туйган бўстонлар чорлар сервиқор.

Меҳнат бўлмасайди одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай баҳт.

## **Боғлар қийғос гулда**

Боғлар қийғос гулда — яхлит бир чаман,  
Ҳар дараҳт анвои бир тароватда.  
Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,  
Ўзга кўрк,  
ўзга ранг ҳар бир дараҳтда.

Ҳар навда бир гулда, ҳар гулда бир рўй,  
Ҳар дараҳт барги бир дунё ҳикоя.  
Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,  
Бири бири учун қудрат, ҳимоя.

Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,  
Билмам, қайдা толе серзавқ, сержило?  
Ялпи тўлишади бедаҳл юртимиз,  
Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё.

Бир қардош тинчисиз — ўзга беором,  
Бириңнинг нонисиз — ўзга эмас тўқ...  
Бу — қадим дунёда янги бир олам,  
Бунда орқа тогсиз бир тирик жон йўқ.

Таянч бўлмасайди одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай баҳт.

### Орзу

Орзу, иш кучимдан кўринар зиёд,  
Чала қолишидан ёнаман рашқда.  
Сехргардай тортар бағрига ҳаёт,  
Бошим, қалбим, қалам қолар талаща.

Ҳаводай, эркалаб,  
вақтдай шошириб  
Гўзаллик,  
мушкуллик,  
дард,  
лаззат қучар.  
Денгизни қимиздай обдон шопириб,  
Тўймай, дил фазога кемадай учар.

Гоҳ Чорвоқ ГЭСдаман,  
гоҳ Таллимаржон  
Офтобида куйиб ташийман тупроқ.  
Мен қучоқлаб сочган чигит бир майдон  
Пахта бўлиб тошар, кўз оқимдан оқ.

Бу орзу,  
бу умид,  
бу эзгу уфқ,  
Менинг қад, қиёфам, қалбим кенглиги,  
Хотима йўлига ташланган тўсик,  
Яшаш ишқин мангаликка тенглиги.

Орзу бўлмасайди одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай баҳт.

## Бағрингдан қўйма

Майли, заифлигим, кўз ёшим суйма,  
Ялқовлигим, нуқсим экан бедаво.  
Мен торттан дардларнинг заҳрини туйма,  
Туйганда инжитиб бердингми сазо?

Бахтдан, бахтсизликдан қолсам довдираб,  
Сенга қўшиқ айтиб, сенга дейман дод.  
Ёнсам сув сепасан, сўнсам ёндириб,  
Бошингта кўтардинг онадан зиёд.

Ииллар қанча олиб кетса — шунча яқинман,  
Борган сари ортар тотли насибам.  
Қайга бормай қайтгум, сенга иниқман,  
Менинг оҳанграбом, менинг нашидам.

Қонимдаги ёниш, бебош ҳисларим,  
Қониқмас таъбимни зиқликка йўйма!  
Қайноқ севгим, куйим, совуқ жасадим,  
Она Ватан, ўтинч, бағрингдан қўйма.

Ватан бўлмасайди одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай баҳт.

1972

## *Камалак*

Баҳор қўйнидаман,  
Йўл бўйидаман.  
Чексиз кенгликларнинг кўксида лола —  
Нақ анор доналар сочиқ яшнайди.  
Лола сайримизни бузиш ўйида  
Қуийиб берди жала,  
Тошди шалола,  
Табиат шу дам нақ ўқтам, шум бола,  
Уфқдан-уфқقا кўприк ташлайди.

Мен-чи?

Менга күпприк ҳар недан керак:

Лолаларни күзга,

Дүстлар танбекин

Баҳор нафаси-ла нондай оламан.

Не бахт!

Янги йўлга чорлар камалак:

Йўл — қўшиқ!

Инсонлар қалбига тағин

Янги қаҳрамонлик,

Мўъжиза тафтинг

Забт этмак азмида жўнаб қоламан.

Камалак!

Нақ бизнинг буюк эртадай

Энг суйкум,

Энг лузум,

Азиз зикрдай

Жозиб!

Мен йўл бўйлаб ташлайман қадам:

Оҳиста олинган кинолентадай,

Яйраб, севги каби силжийман хуш дам,

Шошмайман;

Тўрт атроф гўзаллигини

Илк чирой тарк эттан жуссамга олиб,

Унинг етти иқлим кўрмаган рангин:

Рұксорим,

Лабларим,

Кўзимга солиб,

Диллар аро ювни бузиб,

Вайронлаб,

Энг эзгу сезгидаи ярақлаб, сузиб

Кирган дилларимни ҳайрат, ҳайронлаб,

Қаҳ-қаҳлаб,

Ярақлаб,

Чақнаб бахт дардин

Қонларимга қуийб оламан ёшлик!

Юраман!

Ўтган ийларимни ўтмишга ташлаб:

Гарчанд на сотқинлик,

На бағритошлиқ,

На риё доғидан зарра бир нишона!

Бир қадар оғирлик,  
Хордиққа мойиллик түйгүси ғашлаб,  
Умрим кемирса ҳам  
Ҳаёт неъматидан тұқисман, шодон.  
Юраман!  
Йўлларим ёзги қуёшдек!  
Йўлим — элим йўли,  
Элим — қуёш йўлин йўл деб билган халқ,  
Ҳар йил бир донами,  
Юз дона, майли,  
Ўлмаслик қасриға гишт қўйган ҳар вақт.  
Унинг камолоти,  
Яратишининг,  
Меҳнату ижод, шон таратишининг  
Қайновлари ичра пишмақдан сербахт —  
Ҳамоҳанг.  
Ҳамсалмоқ қўшиқлар битсам!  
Балки узоқ бундай мен ҳавасманд таҳт,  
Лекин мен интилган юраклар қат-қат —  
Бирига бўлмаса — бирига кирсам!

Шукр, қалам ҳордик қилмайди талаб,  
Демак, менга ҳордик кексалиқдай ёт.  
Ана,  
Минг бир жилва билан чорлар камалак  
Ваъда қилиб қалбга тинчи йўқ ҳаёт!  
Ана етти рангда  
Етмиш хил жило,  
Бири чорлар, аранг бир сирин очсам.  
Сирлар билан жангда  
Бир орзум сочсам,  
Мингти билан бойиб довонлар ошсам,  
Дилдаги бўшлиқнинг барчаси ғойиб!

Қўшиққа айлангич гўзаллик кезар,  
Уни ёлқин, жўшқин туйғулар безар.  
Эҳтирос,  
Истакни тутамлаб дилга  
Отсам  
Ундан янграб сачраб чиқар шеър!  
Юрак-ла

Құшиқ-ла интилсам злага,  
Менга зәнг мунис дүст бахш этар ҳар ер.  
Кимнингдир бир оғиз танти иқори,  
Кимнидир титратиб оғуслаган нур,  
Кимнингдир бир умр ўчмас дийдори —  
Эмасми биз жон деб авайлаган қўр!

Бизнинг кўзимиизда,  
Томирда,  
Қонда  
Шу жоду кезмаса недан ҳарорат?  
Билай:  
Қайдан чўлда олтин ундирган,  
Дарёлар жиловин,  
Фазо яйловин,  
Забт этиб, мулк эттан инсон яйровин —  
Янги оламдаги улкан матонат?  
Олдда ярқираиди менинг бош йўлим:  
Етти иқдим томон, етти йўл бўлиб.  
Еттига парчалаб биргина дилим  
Чақнаб чақмоқсимон,  
Жозиб ва сўлим,  
Чорлаб чақиради ажиб камалак!  
Етмиш жилвасида шошқиниб юриб,  
Етти жилғасида тошқиниб, тўлиб  
Бир талай қўшиқлар термоғим керак!

1973

## *Офада саҳифа қолибди бўм-бўш*

Ёзардим.  
Асабу фикрим савалаб,  
Варақлабман нафис дафтарим дағал.  
Бўш саҳифа қолмиш,  
Қалб тубин кавлаб,  
Тимдалайди энди ахтариб ғазал.

Үртада сақиға қолибди бўм-бўш,  
Нақ ёшлиқ — кексалик уфқлари ора.  
Оро йўл — гўёки жароҳатли тўш,  
Гоҳ битиб, очилиб тургучи яра.

Оро йўл... Мен ўтган ҳаётнинг мўли,  
Ўчли меҳнатларнинг ёрқин довруғи,  
Энг жонли куйларнинг тўқилган йўли,  
Етим муҳаббатнинг ўчмаган чўғи.

Оро йўл...  
Бир жоннинг минг бир тоифа  
Тўқислик,  
Ўксулик,  
Кибрига шоҳид.  
Кўз ёш чақнаса ҳам, шеъри тожида  
Толе шотисида чопмоққа хоҳиши.

Оро йўл...  
Қалбимдан юлинган бир баҳт,  
Вайрон бўшлиғида ўчмаган олов.  
Қайта бир ҳокимга буюраман таҳт,  
Арzon ҳаваслару,  
хирсу ирсга ёв,

Ўзгалар баҳтидан севинчи тоғиган,  
Инсонлар қалбида кўтарган кўкка,  
Шаъни сарҳадлардан ошкора оштан  
Бутун борлиғи-ла баҳшида юртга...

Табиатда бўшлиқ бўлмаганидай,  
Умримда бир бенаф йўқдир оро йўл,  
Қудук ҳеч жаҳонда тўлмаганидай,  
Асло тугамасин менга оро йўл...

1973

# Бўрон қулоғида

Бўрон қучоғида қолдим бир оқшом,  
Табиат ва қалбим ичра тўполон.  
Нақ илк бор май тўла сипқаргандај жом,  
Бир қанотим ором,  
Биттаси турён.

Тўлқинга ташланган кемадай қалқиб,  
Кудратли, меҳрли қирюқ излайман.  
Бўронни қўзғоттан боисни олқиб,  
Борлигим юлқиган қўлни сизлайман:

Олинг, оёқларим ерга тегизмай,  
Қаёқча учсангиз, шу ёққа учай.  
Қалбим, хаёлимдан қулоchlар ясаб,  
Ҳеч ким қучолмаган чақмоқни қучай.

Унинг парчаловчи муджиш ўтидан  
Хаёлдан ҳам эзгу яратай қўшиқ.  
Яшин дараҳтининг олов ҳуснидан  
Ернинг лабларига сочилсин учик...

Қани, авжга кўтар бор жазавангни,  
Юз томондан силта изирик қамчинг.  
Танам бўйлаб ҳайда ўт аравангни,  
Дўл бўлиб ёғилсин ҳаётбахш томчинг.

Юлқи ва тортқила!  
Бош бошларимдан,  
Билай яна етар неларга кучим.  
Бахт ёнлаб ўтган у гул ёшларимдан  
Қолдимикан ҳеч не, азиз ўқувчим?

Ўлтирибман бўрон ичра сервиқор,  
Мен суянган токнинг сирқирап занги.  
Иккимизда бир хил пўлат чидам бор:  
Итироб меваси,  
Шодликнинг ранги!

Бўронсиз юрак-ла ўлардим караҳт,  
Бўронсиз табиат кўки яшинсиз.  
Насиб бўлмаганда шеъриятдай баҳт,  
Қашшоқ ўтар эдим йироқ, яқинсиз.

1973

## *Мен ўтган умрга*

Ҳаёт китобимни бехос ва рақлаб,  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.  
Табассум ўрнида кулдим ча рақлаб,  
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

Кийганим ипакми,  
читми ё кимхоб,  
Юрак бойлигидан қилмабсан парво.  
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,  
Янги қўшиқ талаб бунда ҳар сабоҳ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:  
Суйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Куйдим,  
Иzzат нима билдим,  
Шу-да бир яшаш!

1973

# *Келажак...*

Келажак!

Бир умр кўзимда турасан,  
Мен сенинг барингни туттандар,  
Тонг каби яшариб, орзуни қучганда,  
Эртага чорлайсан чароғон  
Кўрсатиб хаёлнинг оқ чақноқ силсила тоғлирин!

Эрталар!

Эрталар саногин сўнги йўқ,  
Эрталар.  
Эрталар ҳар бири шоҳ қўшиқ,  
Энтикиб довонлар ошмоққа юраман,  
Чиқаман,  
Тушаман,  
Бораман бир ечмай истакнинг чорибин.

Келажак!

Сен эса замину қуёшдай йўлдасан бетўхтов!  
Келаринг — борлиги сир, орзу,  
Табиат ўзи ҳам,  
Дониш ҳам,  
Жоҳил ҳам қўёлмас унга ғов.

Билмаймиз:

Қўйнингу қўнжингда  
На сиёқ тухфалар бўлажак,  
Ким умрин энг синчков мезони — тарозу  
Палласин қай бири не сиёқ тўлажак.  
Сен жамол очасан:  
Ҳар кун бир сабоҳдай.  
Юртимнинг,  
Халқимнинг энг мумтоз иқболи сингари.

Кечмишим ёлғиз бир алифбо — сабоқдай,  
Сен эсанг мен тинмай уқиб ҳам ўқигум,  
Куч етса атласдай қўшиклар тўқигум,  
Кўп гулшан,

Күп улкан,  
Күп жозиб бир дунё, —  
Бундайин акс эттан на Фарҳод кўзгуси!  
У — бизнинг бугунги кунимиз.  
Эрта-чи?  
Эртамиз на хаёл, на рўё.  
Бугундан кўркам у,  
Қон-қардош элларнинг дўстлиги қургуси!

Келажак!  
Сен оҳу сингари имлашдан,  
Инсонлар орзусин онадай тинглашдан  
Тинмаган сийнадай оқ майдон.  
Биз — бутун кишиси!

Келажак — эртамиз,  
Кўкка илк йўл соглан авлодли ердамиз.  
Замон-чи?  
Яратиш дарди-ю шавқи ҳам,  
Дил каби парвозли, ардоғли шан замон.

Келажак,  
Сен томон юрганим,  
Қаламни сурганим,  
Кўрганим сари сен кетасан югуриб  
Ва сўнгсиз йўлингдан мен териб олажак  
Меванинг сараси қолади тўкилиб:  
Енгларинг қатида,  
Рўмолинг учида,  
Қанотинг патида,  
Жаҳондай бекиёс дастурхон ичида  
Кетади ҳеч битмас тилаклар тутилиб.

Чақмоқдай чўрт кесиб йўлингни тўстанлар,  
Шиддату меҳнатдан муждалар югуриб,  
Яшиндай ярқираб олдинга ўтганлар,  
Кўлингдан тушиб.  
Довоналар ўтишиб  
Фазога учганлар авлоди бўлсан ҳам,  
Ўқинчим битмайди,  
Энг учқур илҳомлар қаноти — хаёlda учсан ҳам

Күчоққа олишга.  
Қўшиққа солишига дамларим етмайди!

Келажак!  
Қўлларим етмаса-етмасин,  
Куйларим битмаса ҳеч қачон битмасин!  
Келарлар қўли-ла битилур!

Мен чиққан чўққидан парвозга чиққанлар  
Сендан ҳам суръатли,  
Биздан ҳам журъатли  
Силсиланг ошганлар етажак,  
Ҳеч аср битмаган энг ёрқин,  
Энг яқин қўшиқлар битажак!

Мен эсам шу куйни нақ ўзим битгандай,  
Келажак минг йиллар ўркачин ўткандай  
Қувонарман!  
Қайтадан дилимда,  
Чеҳрамда ёшликнинг,  
Замонга эшликнинг, шодлиги барқ уриб кетажак!

1974

## *Меҳмонлар келди*

Очинг деразани!  
Очинг, меҳмонлар келди.  
Тасвиридан ожиз,  
Мен ном топмаган,  
Латиф,  
Куйдор,  
Нурдор  
Шамоллар елди.

Баҳор ҳали кўкда,  
Бениш куртакда,  
Фунчада, бинафша баргида бўрттар.

Очинг деразани, унинг ортида,  
Кўпчиган кўкрак-ла,  
Нурга қорилиб  
Лутфан гу-гулайди бир жуфт кабутар.

Очинг деразани! Кирсин хонамга,  
Мен унинг қувончин кўрмогим даркор!  
Ким билсин, қущдаги гўзал оламга  
Суқулмоқда катта, қўпол гуноҳ бор?  
Ана сайрашади нурга қорилиб,  
Мендан оддин баҳор сезган кабутар.  
Балки қуш қалбидан куй бўлиб ёниб,  
Баҳор менинг таним, дилимга ўтар?

Ошиқ дил ҳам ҳуркак,  
Ҳам беҳад жасур,  
Иккисидан ўсар битта муҳаббат.  
Очинг деразани, гу-гулашсин ҳур,  
Қуш шодлигин англаш ўзи ҳам бир баҳт...

1974

## Пушкина

Мен — шарқлик  
Шарқликлар үдуми шундай:  
Азиз кишимизни Сиз деб атаймиз.  
Россия тунидан турилган кундай  
Дилимиз ёритиб яшар даҳонгиз...  
Шарқ — шоир макони,  
Шеър — юрак қони,  
Биласиз, шеър демак — дилдираган жон,  
Қул қўли кишандা,  
Тул ғамга бандা,  
Зулмдан ҳориса шеър битган хон.  
Хонлар ўтди қуллик аравасида,  
Қўл эмас дилдан ҳам кишанлар тушган.  
Сизнинг Россия-ла

Бизнинг эллар ҳам  
Бир бутун юрақдай бедаҳл гулшан.  
Яхлит гулшан элда йиллар заргари,  
Халқ ўлмас зарларни терди саралаб.  
Шеърият боғида,  
Минг хил либосда  
Рус қалбин бетакрор сўнмас бир созда  
Сиз куйлаб юрасиз диллар оралаб.  
Ёнингизда Шарқнинг мўйсафидлари —  
Навоий, Фузулий, Ҳофиз асрлар  
Ўта келиб сиз-ла қуради сухбат.  
Бир орзу, бир дард-да чақнар сатрлар,  
Ёритар чекрангиз худудсиз шухрат,  
Шеър тожи ўлмаслик аталмиш қисмат!  
Александр Сергеевич! Қисман не жумбок,  
Гоҳ у төр чўққиси, гоҳ бу тубсиз чоҳ!  
Ишқдан, эзгулиқдан,  
Дард, ҳақиқатдан  
Йўғрилган мисралар дилларга ҳамроҳ,  
Йиллар Сизга келиб ўтади бойиб,  
Диллар ўз меҳри-ла шаънингиз ёйиб,  
Замон ўтган сари чақноқроқ ҳар сўз.  
Ўқ тешган танингиз она-Ер қучиб.  
Дилингиз ҳар сўздан боқар нақ юлдуз.

Мана, мен ҳам ўз-ла қолган ҷоғимда,  
Дил ё хит, дил ё шод истаб сухбатдош,  
Навоий ё Сизни қўлга оламан.  
Менинг аёл қалбга Лайли, гоҳида  
Татьяна бўларкан энг мунис йўлдош,  
Аёл буюклигин куйлаб қоламан.  
Ва нақ Сиз бошимда зукко муаллим  
Турасиз, мен сўзга бераман пардоз.  
Буюкликка шогирд, заиф қаламим  
Ўлмас музангиздан олади парвоз.  
Навоий демишки:  
«Шеър — дил ҳамроҳи».  
Бугун юлдуздан кўп Сиз ҳамроҳ диллар.  
Қани эшитсангиз, қай жаранг, оҳанг  
Ўқир ўз тилида Сизни не эллар!

Янги тонг отмоқда, кекса асрда  
Гўдакка кўкрагин тутади она.  
Ким билсин, қай уйда ва қайси тилда  
Янграр сиз тинглаган ё битган алла...  
Она қалби Сизнинг шеърдай сертўлқин  
Келажак қўлига бермақда бутун.

1974

## Экрандаги юрак

Йўқ, доктор, бу юрак меники эмас,  
Бир зайл урувчи соат милидай.  
Тинчлик истасам-да, измимга кирмас,  
Бу битта лоқайднинг содик тилидай.

Ўттан йиллар шоҳид; менинг юрагим  
Нақ, кўқда потирлаб ўйнар кабутар.  
Долғали денгизда кема сузмас жим,  
Тоғдай тўлқинларни қоқ кесиб ўтар.

Балки, бу қаддимни тик тутиб турган  
Ҳаётим риштаси — тириклигимдир?  
Мудом жўшқин умрим ҳукмида юрган,  
Қадрига етмаган пинҳон шеъримдир?

Билмайман  
Ва лекин менинг юрагим  
Экранга сиғмовчи бир олам сиёқ,  
Бир зайл урмайди. Мисли тилагим  
Куну тун тинмовчи синчков бир сайёх.

Ҳар инсон қалбидан  
Излаб қўнала,  
Истайди ястанса майсалар бўлиб.  
Кўп чоғ кўксим ташлаб кетади олға  
Ва қўшиқлар топса қолар жўр бўлиб.

Бу кўксим — паноҳи,  
учиб ҳоргаңда  
Кўниб бир зайлда уриб турар жой.  
Сиз қалбим экранга аксин согланда,  
У бир зум оларди ҳордик, ҳойнаҳой.

1974

## Юлдузлар алласи...

Юлдуз на иситар, на ёритармиш,  
Табиатда бундай мантиқсизлик кўп.  
Боқсанг кўз гавҳаринг оғритар эмиш,  
О, бундай ҳақиқат менга таниш хўп.

Мендан сўранг унинг шивир-шивирин,  
Дилни не лаҳжада кириттан тилга.  
Ҳар чақнаши ағдар-тўнтараб фикринг,  
Ширин маст эттанин ўт солиб дилга.

Дилни соғинч дарди ёқса ногаҳон,  
Ёмғирдай бир йўла юлдуз ёғилур.  
Кириб томирингта сендан ҳам пинҳон,  
Ёз офтобисимон шодлик ёқилур.

Фақат у юлдузнинг билсанг борлигин,  
Юлдузим деб билса кимдир сени ҳам,  
Дард, андуҳ, масофа йўқолиб секин,  
Юлдузлар алласин биласан малҳам...

1975

# *Мен бўлмасам*

«Не қилайлик?», «Қандай бўлса?»,  
«Нечук бўлур?» —  
Сўрасангиз, наздингизда кўнглим тўлур.  
Болажонлар, бир кун шамдай бу жон сўнур,  
У чоқ кимдан сўроқлайсиз, мен бўлмасам?

Гул эмасман, кўзингизда турсам яшнаб,  
Чинормасман, турсам йўлга кўлка ташлаб.  
Гўдакмассиз, юрсам сизни йўлга бошлаб,  
Не бўлади уйингизда мен бўлмасам?

На илож бор, бир насиба бўлади кам,  
Бу заҳматкаш, тинмас қалам олади дам,  
Бир неча вақт дилингизга тўлади ғам,  
Бир кун келиб уйингизда мен бўлмасам.

Бу қадрдон ишхонамда ўчар чироқ,  
Аста-секин дўсту шогирд кетар йироқ.  
Уйдан-уйга бўзлаб юрар етим фироқ,  
Бир кун келиб уйингизда мен бўлмасам.

Гоҳ, чеҳрамни тунд эттанда ер ташвиши,  
Фусса бўлиб босса куннинг қолган иши,  
Бири у деб, бири бу деб юрган киши,  
Не дард экан бир кун келиб мен бўлмасам?

Жон бағримдан узиб сизга берган ҳаёт,  
Гоҳ, кўрганда чеҳрангизни шодликка ёт,  
Ёстиқ қучиб унсиз, пинҳон соганим дод  
Билармисиз уйингизда мен бўлмасам?

Ҳар қаричи кўз ёшимдан шўраланган,  
Ҳар ниҳолдан азиз боғбон сўроланган,  
Шу боғбондан жуда эрта мерос қолган  
Бу даргоҳда не кайф кезар, мен бўлмасам?

Ҳар ғишида баҳоримнинг бир япроғи,  
Ҳа бурчида ҳароратим дил ардоғи,  
Сизга асқаб толе тўла ҳовлим бори  
Кулгингиздан батанг келсин мен бўлмасам.

1975

## *Тун тўла қўшиққа*

Наздимда тун тўла қўшиққа,  
Лекин уни тинглаб, тингламаган бор!  
Кундузлар бахш этган шодликка  
Маст бўлиб тунларни кутар зор.  
Тун менга содик дўст сингари  
Ёп-ёрқин бағрини очади.  
Зуғмимдан бир нафас тингани,  
Қовжироқ кўзимдан уйқулар қочади.  
Қочавер,  
Кетавер,  
Куттандар сени кўп!  
Оз эмас тун кўксин тешғанлар мен сиёқ,  
Кундузнинг қуралаш ишлари элаб хўп  
Ўткизгач, дилларни тинглайман яхшироқ,  
Заводлар юраги тинмайин яқину йироқда  
Эл учун,  
Мен учун ишлайди.  
Шаҳримга сочилган саноқсиз чироқлар  
Ҳамшаҳарим рўзгори,  
Бахтидай яшнайди.  
Кимлардир елади биз томон;  
Тунлардан юқори,  
Юлдуздан пастларда.  
Минг сомон йўллар-ла кесилган бир осмон,  
Мезбонлар манзилин картаси дўстларда,  
Келишар,  
Кетишар  
Ва лекин юракда  
Уловга тобемас муқаддас йўл ҳам бор.

Меҳрдан поёндоз түшашга,  
Элчилар юбориб энг учқур санъатдан  
Жаҳонни чорлашга бир ўқтам ҳаққим бор.  
Кундузлар етмаслик ишим кўп,  
Ҳар юртта ақалли бир мактуб,  
Ҳар дўстнинг қўлига парчалаб бир қалбни  
Тутқазгим келади бу замон.  
Муқаддам юртимда кезувчи нур жаҳон  
Ҳақида бир ўтдай шеър ёздим мен қачон?!  
Ҳар бири — бир дунё, инсонни кўтариб қўлда даст  
Меҳнати қиласи намойиш.  
Мен шундай қудратли,  
Бир танти,  
Бир саҳий одамлар сафига суюк, эш:  
Чотқолнинг кўксидаги туғилган булоқдай  
Қайновчи дилимда туғилар энг тиник минг фикр.  
Кўзимга солинган энг сурбет қуроғдай  
Уйқуга чап бериб,  
Барини шеър билан этаман мен зикр:  
Уззукун ишлаган дәжондан мен бурчли,  
Тунда ҳам тинмаган ишчидан мен хижил.  
Шу сабаб тунларим кундуздан ҳам ишли,  
Энг ёрқин,  
Энг тиник қўшиқлар тинглар дил.  
Тинглар дил  
Ҳар аёл достонин,  
Тонг саҳар паллада айтилган алласин.  
Сув ости ўлкасин  
Ва ойнинг кўлкасин,  
Фунчалар лаб очган фусункор палласин —  
Кўшиқда солмоқ-чун  
Наҳот мен кўрганман?  
Уйқуга тўймасам, тўймайин,  
Айтинг-чи, қай замон мен нега тўйганман?!

1975

# *Болакай*

Күзларингда чуқур ўй,  
Хайронликми, изтироб?  
Кундан-кунга чўзиб бўй  
Нега излайсан жавоб?

Мурғак фикринг етолмас  
Бу дунё ўйинига.  
Севиб, отдилар паққос,  
Сени тақдир қўйнига.

Ҳаётинг икки ора  
Талашлигин билмайсан.  
Софингдан дилинг пора,  
Лекин ошкор қилмайсан.

Гўдаклиқдан чиқмасдан  
Улғайтдилар умрингни.  
Жонларига сукмасдан  
Сўндиридилар кулгингни.

Толхивичдай жуссангда  
Қаердан тоғдай тоқат?  
Айт-чи, пинҳон ғуссангдан  
Олиб бўларми фақат?

Ўйласам кўздан жовдир  
Оқади ёшим сели.  
Бу — сен тўқмасга қодир  
Софинг хисси шекилли...

Борлиғим бўлиб юрак  
Бошгинангни силайман.  
Ҳеч дарз кетмас, бўлинмас,  
Яхлит тақдир тилайман...

1975

# *Дүстларим...*

Нақадарлик оғрийди бағрим,  
Үзни танқо сезаман буқун,  
Дүстларимнинг соғинчи, баҳри.  
Юрагимда күтариб тұлқин —

Гирдобига олди борлигим,  
Барчасини чорласам ёңга.  
Сұхбатларга ташна, зорлигим  
Сигмаяпти ёруғ жақонга.

Қаламимнинг юриши хитроқ  
Бўлса, сизга интиқлик сезгум.  
Фикрим парвозлардан йирокроқ  
Қолса сизни ахтариб кезгум.

Ва топганда қайноқ баҳсларда  
Майли, заиф сезсам үзни тоҳ.  
Дил ўт олар, бу оташларда  
Пўлат ўтдан чўғ олган сиёқ.

Чақнаш билмай сояда изи,  
Яшагандан чақмоқдик афзал.  
Сокинликни севмайман ўзи,  
Ўлсам ўлай, дўстлар жам маҳал.

1975

# *Оташларастлар*

Жануб туни дengиздай бетуб,  
Юлдузлар чақнайди сернур.  
Гүё жақон зулматин ютиб,  
Юксаклиқда шалола ёнур.

Бу бир уфқ — шафақдай гулхан,  
Табиатта инсондан түхфа.  
Сувни ўтта этишиб пайванд,  
Буюрмишлар: «Курашдан тўйма!»

Курашади  
Этак, соч олов,  
Нақ қасоскор лўли қиз рақсда.  
Инсон ақлин атаб беаёв,  
Оташ ва сув туганмас баҳсада.

Биз чиқамиз зинама-зина  
Нақ меҳробга юрган сингари.  
Полапондай жонланар сийна,  
Оташ томон парвоз қилгани.

Икки аёл кўлинни тутиб  
Ўртамиизда борар дўстимиз.  
Аёлликни бўлмас унутиб,  
Эрқакларсиз ёнмас ўтимиз.

Деймиз унга:  
Олов на даркор,  
Бор қиёғанг тоғнинг вулқони.  
Прометей ўтга қолса зор,  
Сенга келар совигач қони.

У оташга бизни эргаштири,  
Ўт олайлик кафтишимиз тутиб.  
Сўнг тонггача машқ этайлик шеър,  
Оташ кучин тараниум этиб...

Олиб чиқди.  
Сеҳрлангандай  
Юзларимиз бўлди оташранг.  
Олов тиллар асирилагандай,  
Илк бор бизга шодлик берди жанг.

# *Құшиқ*

Рассом Чингиз Ахмаровга

Гүзәллик ҳақида шеър ёзиш мушкүл,  
Буюқлик фикрингни қилганида лол.  
Иккиси олдида рост келсанг буткул,  
Ташбөхтә мазмунни жуфтлаш ҳам маҳол.

Гүзәллик олдида лол қолганим күп,  
Бүйеклардан ҳайрон, туйгулардан маст.  
Иккиси бир йўла сехрида тутиб,  
Энтиқтирган дамда шеър ёзиб бўлмас.

Неча жазм эттаниман назм тизгали  
Ҳайрат бўронлари савалаган дам,  
Қўймади ёзмоққа журъат қилгали  
Сиздаги маҳофат, ёниқ мўйқалам!..

Бугун ҳам қўшиққа сололмай ҳалакман,  
Афтидан жодули сиз қайдা, мен қайдা?  
Заковат сехридан бир маству аластман,  
Туйғусиз тош дил ҳам кайф топар бу майдан.

Табиат сабогин баҳш эттан чоғ сизга  
Билдими, сўнг ўзи ёнишин бир рашида?  
Лоқайдлик, дағаллик суқулса гоҳ бизга,  
Маҳв этар сиз чизган бир жайрон қарашда.

Сиздаги қалб кўзи, мўйқалам тиғ учи,  
Асрлар тубига киради журъатли.  
Тафаккур, тасаввур аталмиш чўғ кучи,  
Тирилтар тангри ҳам унуган сувратни!

Қарайман:

Мардум, шоҳ сиймосин рамзига;  
Шоҳ, хоқон ҳар замон, маконда бир тоиф.  
Диллардан эзгулик, кўзлардан интиқом боққанда,  
Сойларга қулаган тошсимон у ғойиб!

Аждод-ла висолдан күкларга етар бош,  
Бу — меъмор, бу шоир, бу фаллох,  
Үлмаслик қасрига тирноқ-ла  
Гул ўиб сўнг унут бу — нақдош!

Бу — на баҳт, на имдод тамаъда чўзмаган қўлини.  
Беш аср йўл ўттан жинсимга қарайман:  
Шафтоли ёноқда қотган ёш дўлини  
Қайноқ бир сукутда меҳрли киприк-ла тарайман.

Тақдирга тик боққан нигоҳдан ногаҳон оқар мунг,  
Мунг эмас, топталган туйғулар қасоскор қўшиғи!  
Қарангки, танозил асрлар уйқуда ётган сўнг  
Куйдирар иболи кўзларнинг қоп-қора ўт чўғи!

Бу гулрў — на бека, малика!  
Бир эрксиз канизак,  
Гарчанд зар ва нурдан тўқилган пешонабор бошда,  
Бир туналик хирсият қурбони!  
Тақдирдан нафрат-ла кулгандек  
Ярқирап бокира бир поклик чимрилган ҳар қошда.

Хижилман сўз топмай маҳорат, бу санъат нақлига,  
Куйлолмай муносиб ва жозиб жарангли бир найда.  
Бу ранглар, бундай зид туйғулар жангини ақла  
Сигдириб, баёнга солмоқлик қайдо биз қайда?

Ҳар ерда қалбингиз ранг бўлиб сочилимиш:  
Мұҳаббат ва ғурбат, садоқат, адован достони  
бўлиб гоҳ,  
Саройлар девори, пештоқдан,  
Зарварақ, сувратдан  
Гоҳи тонг, гоҳ шафақ, сингари боқади ярқираб.

Ўзбекнинг ўтмиши,  
Бугунги инсоннинг шухрати жаҳонни тутмиши,  
Сиздаги заковат кучидан  
Ёмғирдан сўнг чиқдан офтобдай очилмиш,  
Кўшиққа айланмиш сеҳргар мўйқалам ном найда.

Сиз эса яшайсиз, бу камёб шуҳратта бериб чап,  
Меҳнатга бахшида умрнинг ҳар дамин —

Ижод-ла эркалаб,  
Заҳматдан баҳтиёр!  
Қаноат, мағрурлик қайдаю  
Санъатта фидолик,  
фарзандлик қайда?  
Санъатнинг қиммати ўлчанмас олтину дур билан,  
У мангу — диллардан жой олса баҳш этган байрам-ла!  
Тасанно, маҳлиё, ташаккур сўзларин ёзишга нур  
билан  
О, суюк мусаввир —  
Биздайин камина мухлисда куч қайда,  
Сиз қайда?!

1976

## Яни ерлар

Янги ерлар кутар янги қўлларни,  
Жон тилар ҳаётта кириб келгали.  
Янги ерлар кутар янги йўлларни,  
Баҳордай минг турфа либос кийгали.

Янги ерлар кутар қадим ерлардай  
Инсондан севинчу, заҳмату, неъмат.  
Қаддин кўтармак-чун жасур эрлардай  
Илтижо қиласи:  
«Биз ҳам beminnat.

Сизнинг замон ажиб, инсон-сехргар,  
Режантиз ер қолиб, ўрлайди қўкка.  
Бизнинг ёқда дил-ла ташлангиз назар,  
Сизнинг орзуларга биз шай кўмакка.

Тупроқмиз, унутмиз нақ нокерақдай,  
Симобранг сув кирсин жон-қонимизга,  
Туғилмайин нобуд бўлган гўдақдай  
Қолмайлик, қон бўлинг томиримизга.

Қачонгача ўтар наридан баҳор,  
Қачонгача қуёш шуғласи бенаф?  
На ёмғир ва на қор келади бакор,  
Одамлар, бу дөғни биздан этинг дағ!

Тақир кўксимиизни ағдаринг чок-чок,  
Ҳосил уругини сочинг бағрига.  
Чўл аталган бизда ишқдай жонли, пок  
Дон, пахта қулф урсин тўлиб сеҳрга.

Юксак минбарлардан айбланг ва мақтанд,  
Ҳосилми, ҳуснми, бўлайлик бир баҳс.  
Бизнинг қўйнимиз ҳам меҳрга маҳтал,  
Очилемоқ, сочилемоқ, яйрамоқ ҳавас.

Қанча бойлик мудроқ бизнинг бағрида,  
Ҳали ишқ билмаган қиздай бир бокирамиз.  
Киринг жонимизга, не борки бизда  
Аёлдай боримиз ҳадя этамиз».

Янги ерлар кутар кучли қўлларни,  
Бизнинг дехқон қўлда обод бўлгали.  
Янги ерлар кутар равон йўлларни,  
Ҳосил карвонлари тинмай юргали.

1976

## *Билим келади...*

Қаршимда,  
Ёнимда,  
Атрофда одам,  
Бирини ўзгага ўхшатолмайман.  
Ҳар бири, биламан, бутун бир олам,  
Бу оламга нурдай йўл тополмайман.

Бир умр уриндим қалбга кирмоққа,  
Орзу-ҳавасидан олмоқ-чун шодлик.

Лаб қўйиб ичгандай тиник ирмоққа  
Сингисам ҳаётта сувдек, ҳаводек.

Қони заррасида, томирида юриб,  
Юрагин уришин тўлқинин билсам.  
Дилин ҳар зарбидан шеър йўғириб,  
Ўзини ўзига намойиш қилсам.

Орзу миқёсини,  
Дил ҳароратин.  
Айтмоққа тортинган сўзини топсам,  
Ўргатсам изҳорга ишқ-муҳаббатин,  
Жароҳати узра малҳамдай ётсам.

Билгим келади,  
Ҳа, билгим келади...  
Ким интиқ, ким истар мендан фидолик,  
Бир жон-ку, минг бўлса — аясам ўлай,  
Ахир шулар билан умрим сафолик,  
Қандай жонмас, жудо сафодан бўлай.

Мен билгим келади эркак юрагин  
Аёл бир қараши этарми чил-чил?  
Тоғдай кўттарарми севги кўкрагин,  
Ҳижрон оловидан қанча ёнар дил?

Аёл қалби эса гўё кафтимда:  
Бир хамирдан ясар устамиз — ҳаёт.  
Тақдирини бутун ниҳол кифтимда  
Олиб чиққанимдан қариб қолдим бот...

1976

# *Үмрим қарвони*

(Янги йил шеъри)

Яна бир бекатта умрим қарвони  
Келмоқда яқин.

Бутун борлиғимга дил ҳаяжони  
Хокимдир тағин.

Бу кечә умримдан ёп-ёруғ нурдек  
Бир йил ўтмақда.  
Сертоле бир уйни эттан каби тарк  
Дил уринмақда.

Бу ёшда осонмас йилни узгуси,  
Ҳар йил энди ганж.  
Не мужда акс этар келар күзгуси,  
Не шодлик, не ранж?

Бугун йил бир сахий яхлит қўл бўлиб  
Кўтарди баланд.  
Мен қайноқ эркалаш, ғууррга тўлиб  
Ёшардим бир чанд.

Меҳнатимдан ортиқ сочди бошдан зар,  
Мен эса хижил.  
Келар йилларимга ташлайман назар,  
Бурчларим шигил.

Бариси ниш уриб чиқмоқ шарт уруғ,  
Менинг қаламда.  
Ёш ҳам навқиронмас, анчайин улуг,  
Куч ҳам танамда.

Майли, заиф қолсам эл дарёсига  
Ўзимни оттум.  
Фарқ бўлиб жавоҳир куй дунёсига  
Баҳралар топгум.

Түфөндек бўлмаса, сойдек осойиш  
Ёзарман шеърлар.  
Йиллар ўтиб ишқдан қолса оройиш,  
Садоқат дерлар.

Садоқат ва тоқат, фароғат, меҳнат, —  
Барин этиб жам,  
Шу ўқтам ўлкамнинг баҳтига ҳамбаҳт  
Ташларман қадам.

Умрга бегона боши берк кўча,  
Бир эмас бекат.  
Бақамти сўйлашдик кунинг биттунча,  
Рози кет фақат!

Мен пойандоз этиб орзу армонни,  
Янги йил кутай.  
Янги бекатларга умрим карвонин  
Етаклаб кетай.

1976

## *На иўзал дамлағ бу!*

Баҳор келяпти, уйғонмоқда дил  
Гуллардан ҳам тез!  
Қанот топ, нигоҳ топ, кўпчимакда ер,  
Елдан илдам тез!

Ана, бош қўтарди мунис бинафша  
Сўлу соғингда.  
Борлиқни тўлдирган баҳорги нашъя  
Сою торингда.

Шамолнинг бир қўли тортар далага,  
«Мен саховат» дер,  
Осмон гавҳарларин ортмиш жалага  
Ховуч-ховуч тер!

Тупроқ баҳрини түй, ол нур рўмолни,  
Уч булат томон.  
Сенинг ҳароратинг кессин шамолни,  
Гулласин бодом.

Паға булатларнинг момик қўйнидан  
Симиргин ёшлиқ,  
Қўёшнинг ҳар нурин қучиб бўйнидан  
Жон олсин тошлиқ.

Чигитлар сочилаған тупроқ қатига  
Ҳар йилгидан мўл.  
Тошлар ҳам жўр бу йил инсон аҳдига,  
Гул очмоқчи чўл.

Тошдан ҳам, ердан ҳам, уруғлардан ҳам  
Баҳорга чанқоқ  
Инсон бор!  
У борки, сен ҳам бой, кўркам,  
Кела қол тезроқ!

1976

## Ёмғир

Ёмғир, сен табиат сахий фарзанди,  
Менга кўрсат йўл.  
Санъатинг ювади еру кўк гардин,  
Эзгулигинг мўл.

Бир йўла, бир азим чўлу саҳрода  
Осмон қўяр лаб.  
Ҳали ишқ билмаган Одам Ҳавога  
Бахш эттандай қалб.

Қўриқлар кўксига яқинлаб кўклам  
Уйғонар тупроқ.  
Илиқ нафасингдан баҳра олган дам  
Эрийди музлок.

Сенинг санъатингта бир шогирд тушиб,  
Томчи бўлай мен.  
Дилимни парчалаб томчингга қўшиб,  
Чўл қамчилай мен.

Буғдойми, чигитми, не бор уруға  
Багишлай ривож:  
Деҳқонлар кўрсаттган доно йўриғ-ла  
Ҳис этай қувонч...

Бир олам табиат қўйнида томчи  
Бўлмоқ ҳам толе.  
Қалб, мени шу ёмғир йўлига сол-чи,  
Яшай сафоли.

Оҳ, ёмғир, ҳар салқин ҳаётбахш томчинг  
Қўзғайди ҳавас,  
Севгимдай бешафқат бўлса гар қамчинг,  
Итқит, бўл шаррос.

Кувончлар тагида қолган дард қумин  
Ювиб кет бирдан!  
Узлатта бегона кўксим тўлқини  
Куйласин нурдан...

1976

## *Keńif, ёшлиқ...*

Чақмоқ чақиб ўттачгина ўйлаймиз,  
Чақногини излаб топмайин.  
Ёшлиқда тушни ҳам ўнгта йўямиз,  
Кунлар этагидан тортмайин.

Ўтди ёшлиқ мендан бир шавқ кўрмайин,  
Дўллар урган бинафшасифат.  
Қизғангандан ризқин қистаб сўрмайин,  
Атаб кетди мени бешафқат.

Кечир, ёшлик, ўзинг эдинг буюокроқ,  
Нозик қўлим тута олмади.  
Ёниқ вулқон эдинг, нури қуюокроқ,  
Оқ кўксимга сифа қолмади.

Тортқилаб олганда силтovдан зарба  
Жароҳати ҳамон бедаво.  
Ҳамон вужудимда заррама-зарра  
Ётар чекиб товушсиз наво.

Кечир мени, ёшлик! Сенга муносиб,  
Чақнаб ва чақнатиб юрмадим.  
Туйғу тўғонларин идрок-ла босиб,  
Портлашга бир замон қўймадим.

Сўнгра, сўнгра сўнган вулқондай сокин  
Қўйдим сени бевақт кексартиб.  
Ўттич ҳавасларга мук тушиб локин  
Таҳқирларда бўлмас қизартиб.

Лекин билсанг ўтдим ўзим сенга зор,  
Фунча қолдинг бир бор кўрк очиб,  
Баҳоримга ёғғач ҳеч эrimас қор,  
Гулдай шеър ёзмадим атиrlар сочиб...

1976

## *Чини қўзгатдилаф...*

Фасли қишига яқин бир туп дарахтни  
Ниш урган ўрнидан қўзғаб қўйишиди.  
Наздимда, умрини безаган баҳтни  
Бу кекса дарахта камроқ туйишиди.

Икки жуфт қўл эккан бир ниҳол эди,  
Ҳамма набототдай ўси ди панада!  
Қуёшдан шимириди,  
Тупроқда эмди,

Бўй чўзди,  
Илдизи эса янада.

Теран кираверди ернинг қатига.  
Новдаларни безар зилол япроқлар,  
Бўйдор-куйдор дараҳатларнинг сафига  
Кираётганини сезди нигоҳлар...

Ва бир гўзал баҳор кўрсатди ғунча,  
Ва бир тўкин кузда берди нишона.  
Илк мевага умид боғлашиб қанча  
Кўз-кўз қилишдилар нақ бахтли она.

Онадай, отадай меҳрга ўраб,  
Сахий боғбон этди уни парвариш.  
Ниҳол ўсоверди яшиаб, гуркираб,  
Ҳар йил янги кўркин қилиб намойиш.

Лекин ҳамма ёз ҳам  
ва ҳамма куз ҳам  
Сийлаб бўлиқ мева этмади ҳадя,  
Гоҳ сел ювди,  
бўрон бошин этди ҳам,  
У тик турди ҳамон мен ҳаёт дея.

Лекин мева эса ширали, этли,  
Оз бўлса ҳам бўлди туттудай кафтда.  
Зеро, тупроқ сахий,  
еллари қутли.  
Қуёш етиштириди ҳаётбахш тафтда...

Бир дараҳтдан баланд,  
ўзгасидан паст,  
Ўз умридан рози киради кузга,  
Умр хотимасин биларди, албат,  
Биларди ниҳоллик қайтмайди ўзга.

Кунгай ва назаргоҳ ерга кўчирмоқ ният,  
Қўзгатиб кўрдилар унинг илдизин.  
Теран томирига етса ҳамки лат,  
Шунда кутмоқ бўлди чоғи ўз кузин.

Чуқур экан илдиз,  
Чайир томирлар,  
Ернинг чор ёғига кеттанди сингиб.  
Бўронлардан сақлаб қолган омиллар  
Омон олиб қолди дардини енгиб.

Кунгайдан ҳаётбахш экан ер баҳри,  
Ўз ўрнида яна кўкарди дараҳт.  
Қуюқ шоҳларидан тиник куз нахри  
Янги ҳосилларни бермоқда хушвақт...

1976

\* \* \*

Онам! Сенинг иссиқ, азиз жонингни,  
Заррадек чоримдан бошлиб биламан,  
Ўзим ҳам зарра-ю, лекин қонингни  
Янгилаб жисмингдан ўзни узганман.

Сен гул жувон ҳали мендан бекабар,  
Булутдай гўдаклар тортди ҳавасинг,  
Энди мен сен десам қайноқ, муаттар  
Ховрин ҳис қиласман илиқ нафасинг...

1976

## Мұхфа

Кимдандир бир даста гул келди сенга,  
Уйингда, дилингда тўй шавқи бу кун.  
Ўзни саросима сездинг сен нега?  
Кўп эди-ку гуллар бундан ҳам гулгун?

Ажабландинг!  
Гёё босиб узоқ йўл,

Чарчаган одамдек гул барглар лоҳас.  
Ким, қанча андиша төрин кесиб ул  
Келмиш, бўлмоқ учун сен-ла ҳамнафас.

Ким ўзи, тўй кунинг йўллаб гул салом,  
Кутлашга жазм этган сенинг баҳтингни?  
Эркалаш истамиш беном, бекалом,  
Ўздан хабар бермай, сенинг қалбингни.

Ким билсин, қай дилда, кўэлардан пинҳон  
Ниш уриб, очилмай қолган ишқдир ул,  
Қуёш ойнинг юзин ёриттансимон,  
Сендан баҳра олиб, сир қолган кўнгил.

Лекин дилда балқиб, ташаккур, меҳр,  
Билмасанг қай, кимга учсанг қанотда...  
Ҳар дил сақдай олса бир гулча сехр,  
Сарғайиш билмасди умр ҳаётда...

1976

## *Ўн саккиз ёшлик...*

Боғлари бўларди мевали, гулли,  
Бодом бор, анор бор, олма, шафтоли.  
Нозик таъб, шеърга ўч Она, гул қўлли  
Яшнаттан гулзор бор, эрам ружсорли.

Паранг этакларин илиб тиканлар,  
Ўсади танҳо қиз капалаксимон.  
Қўшни қизлар ичра бўйи етганлар  
Қизда қўзғатарди гоҳ rashk, goҳ gумон.

Ўйларди:  
Тўлмайди ўн саккиз ёшга,  
Шоирлар шеърида ўтар куйланмай.  
Юзин ўхшатмайди ҳеч ким қуёшга,  
Севги оловида қуймайин, ёнмай...

Бирдан юрагида чақнади чақмок,  
Унда пинҳон ёниб,  
ошкор яшнади.  
Илк севги қалбига солган бу чақноқ,  
Бир йўла оташ-у музга ташлади.

Иккисин талошин ёнди ўтидан,  
Жизгиниб ўртанди, музида қотди,  
Ўн саккиз ёшини алам кучидан  
Билмас, қачон топиб қачон йўқотди?

Ўйламасди!  
Бир жуфт сайёрасимон  
Тун юлдуз эдилар,  
кундузи қүёш...  
Уруш ямлаб кетди  
бириң нақ тўфон,  
Икки жон-чун яшар  
бир Ун саккиз ёш...

1977

\* \* \*

Мен ўзимни ёмон кўраман  
Заифлигим келганда ҳоким.  
Мен ўзимни ёмон кўраман  
Тўкар бўлса шу ҳис кўз ёшим.

Мен ўзимдан қиласман нафрат  
Майда ҳислар измида қолсам.  
Кувончларим кемириб ҳасрат,  
Пушаймонлар измида толсам.

Мен ўзимни ёмон кўраман,  
Кундан-кунга хуружда бу дард.  
Хафа ётиб, хаста тураман,  
Иродамга етди чоғи панд!

Наҳот, гоҳ-гоҳ етган ситамлар  
Экиб кетди дағаллик манда.  
Ҳис тизгинин бой берар дамлар  
Наҳот эди ўзига банда.

Кун ўтади,  
тунга кирганды  
Рұқим, қалбим әзади пушмон.  
Үттан ишга заиф қолганды  
Саловат ҳам күттарса фиғон —

Чирпинмақдан бўламан адо,  
Кексаликка ёғдириб лаънат.  
Кундан-кунга бу дард бедаво,  
Кундан ортар ўзимга нафрат,

О, ўзимни ёмон кўраман...

1977

\* \* \*

*Сауда Зуннунова хотирасига*

Ҳаётдан шоира, ҳайҳот, юмди кўз,  
Қолаверди фарзанд ва қалам етим.  
Наздимда, кўксидаги қолган барча сўз  
Ҳаммамиздан аччиқ ёш тўкарди жим...

Ҳаммага топилар сабр ва юпанч,  
Қайғу ҳаёт билан туғилмиш эгиз.  
Айтилмаган қўшиқ беун, беуввос  
Совуқ исканжага берилди, эсиз...

1977

# Гүлзөр

Тонг қаршилаб ҳовлига чиқдим,  
Умримдаги куз бўлди ғойиб...  
Борлиғимда бир кўчки сездим,  
Кета қолди ланжлик ҳам тойиб.

Сийрак сочиқ гуллар нақ барқут,  
Баҳордаги гул водий гўё.  
Қизиллари мисли тунги ўт,  
Кун тутилган чоғдаги зиё —

Симон тарам-тарам пуштиси,  
Бор тароват билан очилмиш.  
Гўдак нафасидай ёқимли иси  
Юзим, кўзим, дилга сочилимиш.

Ёқтирмасдим мен гул узишни,  
Хийла худбин тортибди таъбим —  
Чоғи, ҳислар қилди бу ишни:  
Гул қўлимда, баргида лабим...

Бу ғашликми, яшашга ўчлик,  
Вақт туйғуси бир онда унут.  
Ёмғирли кун бўлди гул ислик,  
Булбул бўлиб сайради сукут...

Сўлим гулзор, сўлгандай умрим,  
Яшнаганча, яшнаттанча қол.  
Балки гулга ёш тўкиб юм-юм,  
Ўзни яшноқ сезмоқ ҳам иқбол?!

1977

# *Күнгил...*

Күнгил, нега бугун беморсан ва мўрт,  
 Күнгил, нега бунча тарангликда тор?  
 Күнгил, эркалигинг, ўқтамлигинг ют,  
 Тан ол, охир энди баҳорингда қор.

Кўнгил,  
 бўлма шиша сингари синик,  
 Беҳуда, бир сўз ё нигоҳдан чил-чил?  
 Борлиқни сиғдирган булоқ бўл, тиник,  
 Ўзни ўзинг босма оғир юк шекил.

Парокандаликни от, фурурингта бок,  
 Бўлса зарра ўксик орт елкасига.  
 Фуруринг — бардошли вужудинг сиёқ,  
 Ярайди, эл иши, ташвишларига.

Элда юмушлар кўп: экмоқ, ундиримоқ,  
 Бутун ер юзида ҳаёт сочсин гул.  
 Ёвузликни олов олмай сўндиримоқ,  
 Токи, инсон яшай олсин хушкўнгил!

1977

\* \* \*

Бахтим бор:  
 ажойиб кишилар аро  
 Туғилиб, гуркираб...  
 кексаяр умрим,  
 Ўшалар шеъримга бахш эттан садо  
 Ҳаётим йўлинни ёриттан нурим.

Бири юзларимга бахш этар кулгу,  
 Бири қонларимга солар ҳаяжон.  
 Бири олға чорлар бўлиб оқ орзу,  
 Бири дер: ҳаётсан, юр орзу томон.

Ҳали қалбинг жувон юрагидай ёш,  
Асаблар күттарар төрни ортсанг ҳам.  
Кўзингга,  
    қонингта олавер қуёш,  
Ҳали кўп тебранар қўлингда қалам...

1978

\* \* \*

Менга хасис келди табиат,  
Шодлигимга алам қоришиқ:  
Кутиб олдим баҳорни бетоб,  
Танимдаги дард-ла олишиб.

Ҳамма ёқда шаббода ва гул,  
Қум ҳам, тош ҳам таратар жаранг.  
Мен-чун яшаш шундай ҳам мушкул,  
Жуссамни тик тутаман аранг.

Хасис келди табиат менга...  
Баҳорни ҳам кўрмакда зое.  
Қаердадир ўхшаб нақ тонгта,  
Ял-ял ёниб туради толе.

Толе ҳаёт номли жозиба,  
Умр бўйи сен унга мафтун.  
Бўлмас сендан ноchor, ожиза  
Умидалардан қўл силтаган кун...

1978

\* \* \*

Тонгда сўз қудутин тубига чўкиб  
Ахтарардим дур,  
Тонгдай соф туйгулар қалбимда жўшиб  
Қаламинг ол дер.  
Шу жўшқин туйғудан азиз, чақнорин  
Бўлардим олмоқ.

Қалам қодир энди, лойиқ салмоги  
Олиб нақ чақмоқ  
Чақнатишга, унга қўшиб юракни,  
Керак бўлса жон...  
Ажиб бўйга кўмиб ён-теваракни  
Тутдилар райхон...  
Мен энди ифори бу тухфадан маст,  
Унутдим тонгни.  
Бу меҳр йўлига биргина  
Соҷдим илҳомни...

1978



# Шоир уйида

Самаг Вурғун хотирасига

## Учрашув

Тонгдан хаёлимни ажиб рух безар,  
Ясан-тусандаман бир ҳаяжонда.  
Хазар түлкүнимас, бир түфон кезар  
Ҳам шодлик, ҳам афсун қамраган жонда.

Бутун бутун ўлка Вурғунга меҳмон,  
Мен ҳам.  
Қалб түфөнин босмоққа йўқ куч.  
Мен бу зиналардан юрмогим маҳол,  
О, юрак!  
Ҳаётда бир бўлса ҳам уч!

Уч!  
Мармар зиналар совуқ кўксида  
Ловуллаб чақнайди у тирик излар.  
Наҳот юрмоқдамиз излар устида  
Соринган, гуноҳкор дўстлари — бизлар?

Уч, менинг юрагим, жисмим олиб уч,  
Пиллапояларга босмайин қадам.  
Юксак бу аршдаги мангуликни қуч,  
Садоқатинг кўрсат бу муқаддас дам!

О, мармар зиналар,  
Тилсиз шоҳидлар!  
Шоир юрагида кўчкилар кўчиб,  
Илҳом қанотида бургутдай учеби  
Гоҳ ҳоргин, гоҳ чақин бўлиб ўтгандир?  
Мафтунлар,  
Мухлислар,  
Интиқ шогирдлар,  
Шаъни, куйи тенгдош не-не шоирлар  
Бу пок остоңада мендек кутгандир?

Ҳеч кимни куттирмай чорлаган шоир,  
Бутун Озарбайжон тупроғи бўлиб.  
Кир, юрак, гар эсанг учишга қодир,  
Мезбон кутиб қолди, меҳрга тўлиб...  
Ё раб!

Ҳамма, ҳар не бунда эгасига зор!  
Рафиқа, фарзандлар, қалами, сози...  
Бизнинг қулоқларда ёниқ, фусункор  
Тирик нафаси-ю, ўчмас овози...

Қалб!

Азиз изларнинг устидан эмас,  
Эргашиб кирища менга бердинг куч,  
Энди висол дамин севинчидан уч.

### Бир дона папирос...

Мен папиросни севган, чеккан эмасман,  
Илк бор папиросни билдим муқаддас.  
Маҳбубга оташин бера билмасдан  
Қолган юрак каби бежон-у бесас,  
Кўзларга кўринмай, тутаб тутамай,  
Сени кутиб, ёниб ётиби гўё.  
Агар бўлса ичилмайин қолган май  
Куриб йўқоларди мисоли рўё.

Бор вужудни жаннат ўтида ёқсан  
Ижоднинг муқаддас, муnis макони —  
Столинг устида ятим, заъфарон  
Бир папирос қолмиш!  
Эй, Шеър хоқони,  
Сен қанча юракни забт этдинг бежанг,  
Қай куч сени этди хумордан маҳрум?  
Сендай алп қудратнинг ҳолин этиб танг  
Кекса ҳасадига этдими маҳкум?  
Бир дона папирос қолмиш чекилмай,  
Сенинг лабларингнинг оромига зор.  
О, қанча қўшиқлар қолди битилмай,  
Бизнинг дилда янги очолмай гулзор.

Бир дона папирос қолди чекилмай,  
Қанча чекилганин билмасдинг ўзинг.  
Бир тасалли:  
Мангу сарғайиш билмай  
Ҳар дилда минг баҳор очиб ҳар сўзинг,  
Жисмида она-юрт қўшигин олиб,  
Сен кезмаган жаҳон кезиб юрибди.  
Бир дона папирос ёнолмай қолиб,  
Номинг қуёш янглиғ порлаб турибди...

1979

## *Тунни севмай қўйдим...*

Тунни севмай қўйдим,  
Бир сирни туйдим.  
Ҳар тун узиб кетар умримдан бир кун.  
Томчи тома-тома кўл бўлгандек лим,  
Олиб кетиши рост умримни бутун.

Севмай қўйдим тунни,  
Севмайман тунни.  
Бутун вужуд бўлиб кунни кутаман.  
Нафис шафтolinинг гулидай нурли —  
Шаффофф нафасига юзим тутаман.

Бу нафас — гўдакдай уйғонган майса,  
Бу — кузда маст-аласт чайқалган буғдой.  
Бу — қуёш, уфқда хиёл жилмайса,  
Олтин замзамада жилваланган сой.

Бу — орзу сингари чексиз водийга  
Ҳокими мутлақдай чиқдан ҳар дехқон.  
Ҳосил фалсафасин етиб домига  
Тупроқни олtingга айлантиргич жон.

Мен тонгни севаман,  
Тонгдаги ўйлар

Мени одамларга кетади бошлаб.  
Яратишга тўла мен тушар йўллар,  
Дала, қирни қучсам, қулочим ташлаб,  
Кўксим яйраб кетар кўлнинг сатҳидай,  
Ундан қўшиқ учар оқ, кабутардай.

Тонгти ер нафасин тўймай ичаман,  
Ўттиз ёшли жувон шайдо дилидай  
Хаёл еттан ерни кезиб, кечаман.

Тонг отмоқда, шошил,  
Ахтарма кавшинг.  
Дафтaring топмасанг,  
Дилинг очиб бор:  
Тонг — сенинг шодликка тиқмачоқ, кашфинг,  
Яна бир набира — иссиқ кафтга ол!

1979

## *Салом, тансиқ баҳор!*

### I

Яна кўк тубида сайрайди қушлар,  
Яна ерда кўҳна ям-яшил кўрпа.  
Яна тандан кетди мудрашу тушлар,  
Яна ёшдай дилда ўйлар минг турфа.

Гар ибора қадим, қофия сийқа,  
Аждод ўлмаслигин ҳақиқати бу.  
Баҳор дединг — бирдан олам антиқа  
Ва сенда энг ёлқин, тирик бир туйгу.

Ёшингни, дардингни, изтиробингни  
Бир силкиниш билан отасан йироқ,  
Хаёлинг етмаган, умид тутмаган  
Энг йироқ уфқлар келар яқинроқ.

Ва сен яна қалби оташга түлиқ,  
Төғни талқон қылгич қудрат танингда —  
Мехнатта тушасан, ҳосил ҳам бўлиқ;  
Бу йил етилажак шонда ақалли  
Заррача маҳсулинг бўлиши аник.

## II

Эй, баҳор, тўймагич жоним бор,  
Сен билан туғидди гар эгиз.  
Борлиинг қучмоққа ҳолим бор,  
Ишлайлик йил бўйи иккимиз.

Яралиш — туғилиш удуминг  
Чарчаган қонимга эт пайваңд.  
Йил бўйи яшил сув, кўк нуринг  
Томирда югурсин юз минг чанд.

Йил бўйи ниҳолдай сарғаймас  
Саратон зуғмига берай дош.  
Қаҳратон қаҳридан мунғаймай,  
Қонимда кез, яшил, ёш Қуёш...

1979

# *Кел, баҳор!*

Кел, баҳор, қуриган сахрога  
Илк ёмғир берар гулсимон, кел!  
Айланмай қон дилда сафрога,  
Жонлансин, энг қодир ҳаёт бер!

Тарса-тарс ёрилган чўллардек  
Юрак чок, бутунмас,  
минг бир дарз,  
Томир ҳам қатқалоқ йўллардек,  
Қоқилса, чап бериб яшаш фарз.

Кел, баҳор, инқилоб сингари  
Итқит қиши қобигин жонлардан.  
Қўйма у дарзларни сингани,  
Пайванда энг жасур ранглардан.

Сарғаймас баҳордек диёрим  
Қадамин ларзасин илғай мен.  
Яшартиб бу кўхна дунёни,  
Довруғлар согланин билай мен.

Ҳеч баҳор, тупроқда уйрониш  
Ўтдими қалбимнинг ёнидан?  
Баҳорда туғилдим!  
Унга эш  
Яшашнинг қонуни қонимда.

Қулочим етмайин қучищдан  
Ўч, завқ-ла қўшиқлар юргум,  
Иккимиз басма-бас юрищдан  
Ҳар сафар янгидан туғилгум.

Ҳар гал сен янги,  
Мен навқирон,  
Фарзандлар кутар,  
Мен этсам тарк.  
Баҳорни тарк этса бор инсон,  
Жаҳон ҳам бўлмасми жувонмарг?..

Кел, баҳор!

1981

# *Иккى шеңб*

Қайсан Қулиевға

## **Күнок**

Төгликлар ўлкасин бургут сиёқли  
Сахий, ўктами,  
Бугун күшни бўлиб қолди йироқли  
Қардош там-тами.

Қаршимда қўш бошин қорларга ўраб,  
Чақнаб, чорлар тоғ,  
Кўйини юксакка занжирдай улаб,  
Йўл кетган узок.

Дам олиш фаслини кутдим, етишдим,  
Топдим танҳолик.  
Уйқу, жимлик майин шимириб ичдим,  
Бекиёс тотлик.

Жимлигу ҳордиқдан толдим!  
Бир парвоз  
Истайман шу тоб,  
Интилса дил етар, чақирса овоз,  
Эй, дўст, мени топ!

Кездир: шалолалар шовқини қучсин,  
Тортай сезгирик.  
Хайратдан кўз ёшим учқундай учсин,  
Атроф сеҳрлик.

Сен бошли қир, қоя, даралар ўтгач,  
Тоғлиқ, кўйинига.  
Осилаи ипакдай ҳимралган ўркач —  
Булут бўйнига.

Чўққидан юксакда учган қушларга  
Кучлидир суқим.

Мен қүшдай ўқтамман: у муз түшларга  
Күнишим муқим.

Гарчанд чүккى қорли — яқин қуёшга  
Бор зди ахдинг.  
Малика атадинг күтариб бошга,  
Кур энди тахтинг.

Ердан ахтарғанлар чүккідан топсин,  
Юзим ювсин сел.  
Совқотсам булутлар пар күрпа ёпсин,  
Алласин ел.

Кундуз санчсин қуёш минг бор бигизин,  
Бўлай ўт нафас.  
Элимнинг ҳар гулрў, парирў қизи  
Боқсин серҳавас.

Чўкки кафтидаги шу тахтда туриб,  
Шам бўлиб ёнай.  
Бутун жаҳон элин тинчликда кўриб,  
Беҳадик қонай.

Элдошинг:  
«Бу ёниқ шам қайдан ўзи»  
деб қилса сўрок.  
Де:  
Яқин қардошнинг бир она қизи,  
Вафоли қўноқ.

### Бу кунларда уйда эмасман

Бу кунларда уйда эмасман,  
Яна мени тарк этди юрак.  
Юрак топган ҳайратдан мастман,  
Ҳайрат менга ёшлиқдек керак.

Қайдамиз, дил?  
Бу кимнинг эли,  
Бунча танти, эрка қуёши!  
Тилимизга ўхшайди тили,  
Куйдор экан сувидан тоши.

Шүх жилғаси тошотар ўйнаб,  
Үйноқлайди тойдай ҳар түлқин,  
Қоялари офтобдан яйраб,  
Томчи сочар мисоли учқун.

Илиқ нигоҳ оқбош тоғлари,  
Күэларингни күйдирса ҳам муз,  
Ёмғирига баҳор чоғлари  
Илк севгига туттан каби юз —

Қызлар жала билан ўйнайди,  
Йигитларни нигоҳ-ла кесиб.  
Севса на жон, молни ўйлади,  
Кетса мумкин ҳар недан кечиб.

Ҳар ким сени чорлайди уйга,  
Мехрин қўшиб тутар нону май.  
Сен кирган уй айланар тўйга,  
Қолсанг мумкин кўнгил узолмай.

Саф-саф ғозлар юргани мисол  
Қызлар ўйчан, рақси сеҳргар.  
Титрар тогу даралар хушҳол,  
Йигитлари жўр бўлса агар.

Гар тингласанг она алласин,  
Ошиқлардан достон узун кун,  
Ерин, элин битмас ярасин  
Боисини англайсан бутун.

Ва ногаҳон сен ҳам танингда  
Жароҳатин, бахтин сезасан —  
Қонли-қонсиз жанглар мардига  
Қалб-ла таъзим қилиб, кезасан.

Недан сўзлар қиличдай кескин,  
Тоғдай метин қаноат қайдан?  
Кексаларин қадди тикилигин,  
Фурур ҳатто янграшин найда.

Эльбруснинг қўш оппоқ боши  
Нақ «Қиз кўкси» — софлик, саховат.  
Бу ҳусндан эл дара, тоши  
Касб этади тенгсиз нафосат.

Тупроғида яшноқ зилоллик,  
Эл бир гўзал иқбол-ла яшар.  
Одатидир яратиш шодлик,  
Ўқтамлик ҳам шондай ярашар.

Мана, нечун уйда эмасман!  
Тоғли дўстлар меҳмони юрак.  
Шароби-ю меҳридан мастман,  
Кайфин олиб кетмоғим керак.

Кетганда ҳам ҳеч унутмасман...

1975—82

## Пони

Мендан бошланади уйда уйғониш,  
Зеро, уйқу нима билмаган жонман,  
Менга жуда мушкул яшашдан қониш,  
Сафардан бир нафас тинмас карвонман.

Тонг сувратин чизмоқ бўламан ҳамон,  
Юрак тўлқинига етмайди ранглар.  
Табиат нақ шу кун туғилгансимон  
Ҳар гал ҳамма ёқда янги жаранглар...

Ажаб!  
Тўп-тўп...  
Бу не мўъжиза, рўё,  
Томирларда сездим баҳорги ирмоқ.  
Ҳаёт ибтидоси каби бу садо  
Наҳот бўлди тандан чарчовни қувмоқ?  
Ўғирилиб қарайман;  
Маъсум мўъжиза:

Бу — менинг набирам!  
Бошлабди қадам.  
Мисли шүх айиқча, полопон, жүжі —  
Овдир-довдир йүлни бошларкан одам.

Лапанглаб одимлар... борлиғи журъат,  
Нақ паға буулутта тушар оёқлар.  
Мұрғак, мұштдай жонда бор ҳаёт, құдрат,  
Тонг рангда шафтоли, момиқ ёноқлар.  
Оғзи, күзлариңай очиқ кенг қулоч,  
Набирам қадамлар!

Ёш дорбозсимон.

Лангардай елпийди икки құлини.  
Аср! Қопқаларинг борлигича оч,  
Бу кекса заминда яна бир Инсон  
Тонг билан бошлабди буюк Йүлини.

Билмайман!

Бу нотинч она жақонда  
Шу тонг йүлга кирди не сон-минг гүдак?  
Кимнингдир илк йүли йүқөлди қонда,  
Ёт, изғиқ, мудхиши ўқ этди жувонмарг?  
Менинг набирам ҳам кекса дунё-ла  
Тиллашмоқни бошлар құшдай ҳижжалаб.  
Гүдак, тонг — ибтидо асл маъно-ла,  
Бизлардан ҳимоя,  
фаросат тала...

1982

\* \* \*

Шеър демак — ўжар дүст қаламнинг изи,  
Шоирни борича этар намоён:  
Не тариқ ҳаётда оттан илдизи,  
Не тариқ қаддини тиклаб турған жон.

Бу шундай бир из-ки — қалб солланиши,  
Гоҳ денгиз долғаси, гоҳи насимдир.  
Гоҳ байрам... Гоҳ ғусса яллиғланиши,  
Дардлардан таваллуд камёб тизимдир...

Гоҳ ғурбат, дағаллик итарған күнжак,  
Гоҳ муштдек юрақда яшаган жаңон.  
Гоҳи узун ўтмиш, сирли келажак,  
Ёшинг ўттан сари ўсувлар армоп.

Истар у: мاشаққат, ҳайратдай күчсин,  
Сақрода ёйилсін сой бўлиб, яйраб.  
Ойдан шуъла эмас, сўйловчи учқун,  
Дардимга малҳами бўлсин мушарраф.

...Ҳамон парча-парча дилни чегалаб,  
Ундан бутун қўшиқ тўқимоқ орзу...  
...Инсонга берилур умр чамалаб,  
Афсус: ҳукмдамас тошу тарозу...

1982

## Йиллар

Кечанг ортта,  
Эртанг олдинга тортар,  
Күшлар барг узгандай умрингдан узиб.  
Фикринг пармаласа ёрилар тошлар,  
Лекин йиллар йўлин бўларми бузиб?

Йўқ, бузиб бўлмайди кетар йўлларни!  
Бекат қуриб ташла, гар қодир эсанг.  
Ким бўлдинг?  
Не қилдинг?  
Тортиқ бўларли  
Борми келурларга арзирлик тухфанг?

Бир кимга бошпана,  
Бир кимга кўприк,  
Ё руҳни юксалтар бирон сўз айтдинг?  
Кўз бўломадингми,  
Бўлдингми киприк,  
Ё бир аймоғингни ерга қаратдинг?..

...Сархисоб чогимас,  
Маслак бир талай.  
Узун умр ато қылган толеим.  
Жаҳонда ўқ товшин ўчганин билмай,  
Дунёдан тинчгина кўз юмади ким?

Ҳамма чегарани суриб нарига  
Битта миңтақада яшар Ер, фазо.  
Сен кўрмаган элу юрт ҳар дардига  
Тинглайсан дилингдан бир акс-садо.

Ерда ҳаёт битта,  
Аммо минг тақдир,  
Барин кўтармоғи вожиб шу бир Ер.  
Вожибdir чарақлаб турмоги офтоб.

Ҳаёт кундан-кунга ширин,  
Лек мушкул,  
Сенинг кўзинг ўткир,  
Замон ҳам шаффоф.  
Билгинг,  
Қилгинг зарур иш салмоғи зил,  
Тортмоққа асаблар берармикан тоб?..

Гуркироқ ўсмамга қиши қор оттанда,  
Севган дафтар бирдан қолганда тутаб,  
Ярашиқ кўйлагим юпқа тортганда,  
Эрка дўст қўққисдан кетганда жўнаб;  
Қалбим,  
Вужудимни қамраб изтироб  
Нотавон ачиниш қучганда тани,  
Билмабман:  
Не экан гулни ардоқлаб —  
Парвона капалак олиб кетгани?!

Билсам:  
Кўп улушин бой бермиш умр:  
Йиллар алдаб, нимлаб олиб кетибди.  
Исёнкор  
Думбул руж ўрнига

Сабр,  
Матонат,  
Ишқ,  
Меңнат сүзин битибди...

1982

## *Онам боғи*

Кечагина борлық эди мовий қор,  
Севгидаин кун тафтидан зриди.  
Эсда:  
Биз ёш, қор баҳордан сервиқор,  
Танимиэза минг бир офтоб бор эди.

Хамма гүзал:  
Ёши ўтган онам ҳам  
Хушбүй эди хиёл сўлиқ гул мисол.  
У билганни пари билмас бир олам,  
Унга келиб ечиларди барча фол.

Нафасидан нафас олиб ўсдик биз:  
Фарзандлару, гулу китоб ҳамроҳи.  
Гулдан жозиб эди бизнинг онамиз,  
Бир жаҳон бахт бағишларди нигоҳи...

Онам боғи орзусимон турфа ранг,  
Лоқайд, бачки безакларга эди ёт.  
Бор мавжудот рақиби-ла қилиб жанг  
Ўстирди боғ, ўғил ва қиз — зурриёд.

Шу эрам боғ замонанинг зайли-ла  
Эл ўттувчи равон йўлга айланди.  
Онам!  
Сизнинг умр ҳаёт майли-ла  
Менинг жисму жаҳонимга жойланди...

Неча аждод кечган боғдан йўл қолди,  
У йўлларда Сизу мендан йўқдир из!

Сизни Мену,  
Мени Оналик одди,  
Аёл зоти кетмас ҳаётдан изсиз...

1982

\* \* \*

Ниятим, айтажак сўз, зорларимга  
Муштдаккина юрак лим-лим тўлибди.  
Сийраклашган киприк ораларига  
Бедорлик соқчиси уя қўйибди.

Бор бўл, шундай тақдир!  
Зийрак бўл, соқчи,  
Даримасин уйқу эгизаги — рафлат.  
Лекин ланжлик деган маккор қароқчи  
Бош сукса сенга ҳам ўқийман лаънат!

1982

## *Булунинг мен бўлаш ҳоким*

Ҳовли тўла баҳор,  
Кўк тўла баҳор,  
Нафис баҳор ҳиссин чулдирап қушилар.  
Ҳали очилмаган гулларда ифор  
Қиши кировин қувиб дилларни хушлар.

Ва биз бир сулола айвонимизда,  
Нур, қувонч, хотира неъматига ром.  
Эвара гувранар қучоғимиизда,  
Ҳордиқ кунимизга багишлаб ором.

Бир чоқ бувим айттан күйин тақрорлаб,  
Мен гүдакка секин айтаман алла.  
Менга мунчоқ күзлар боқади бодраб,  
Үглимини-чи, уйқу қучган бу палла.

Хордими?  
Элитди ё нафис кўклам,  
Илк насим этаклаб сочиб юрган нур...  
Наҳот ором бўлди боламга аллам,  
Чарchoқларин тортиб бахш этди ҳузур.

Қўлидан сирғилган газет, ойнагин,  
Баландроқ токчага қўяй авайлаб.  
Чойи совимасин, ўрай чойнагин,  
Айтай алла ичра аллалар сайлаб.

Ухла, бугунингта мен бўлай ҳоким,  
Кунни тунга улай гар сенга даркор.  
Ва тепангда эзгу тилаклар айттум,  
Шундай ёнгинамда тўйиб ухлаб ол.

Қатор телефонларнинг узайнин симин,  
Йўқлаганга қандай «ўйда йўқ» дегум!  
Ақл билан ўлчаб йилларнинг вазнин  
Элига кифт тутар инсон еткурдим.

Қандай қулай бўлса шундай ётавер,  
Шовқин, овозларни кетга қайтарай.  
Сим-сиёҳ қош, киприк,  
Сочинг оқларин,  
Бармоқлармас, бахтли нигоҳ-ла тараи.  
Хизматинг, бурчларинг,  
хис,

туйғуларинг

Кўламин англашим бағишлар ғурур.  
Елкамга ололмам ақл заррасин,  
Қодирман суюниб тилашга умр!

# *Ұзутим сирғилиб түшди...*

Ё раббий!

Ұзутим сирғилиб түшди,  
Ингичка тортдими, шунча, бармоқлар?  
Қалбимнинг тубида недур увишди,  
Тўлқинсиз қолдими танда ирмоклар?

Зебу зийнатларга ўч бўлмадим ҳеч,  
Зийнат билдим фақат замон, созимни.  
Созни на кундуз, на тунда қўйдим тинч,  
Елласига ортиб қувонч, розимни...

Узук қаламимдан эди яқинроқ,  
Дилим ва бармоқлар сирига маҳрам.  
Ҳузур, изтиробдан тушганда титроқ  
Ўша эди чақнаб, мўлтираган ҳам...

Энди бармоғимни этиб кетди тарқ,  
Бир чоғ тухфа этган қўллар сингари.  
Гарчанд у эмасдир севги кирган арк,  
Кетиши ҳам эмас тўлқин тингани.

Ўрта бармоғимга оламан тақиб,  
Табиатдан устун менда ихтиёр!  
Энди бу бармоқлар не кучдан қалқиб,  
Нозиклашар недан, билмоғим даркор...

1982

# Бу куннини шеғри

Уйдирмага чўзмас қўлларин,  
Аён: шеъриятта тиз чўкар қалам.  
Дил кўзи оқ, кўриб ҳаёт йўлларин,  
Олдинга ундаиди суръатли ҳар дам.

Дам ва кун далага кетган ёйилиб,  
Қайда ишли тупроқ, шу ерда ўзи.  
Ҳар зое нафасга биздан койиниб,  
Дакки, чақириқдай боқади кўзи.

Кун нима, биз ўтли қалб бўлсак агар,  
Меҳнатимиз берган ҳар азиз мева.  
Орттанинг не бўлсин,  
Хижолатми, зар,

Эртага элтувчи содик бир тева.

Хижолат мезондай илашмасин ҳеч,  
Пахтадай нур сочсин ҳар дилга шухрат.  
Машина,  
қўлдами,

тонгми, кундуз-кеч,  
Шу пок, ифтихорни терамиз, албат.

Умид уругини тиккан деҳқон қалб  
Бахтининг донасин қолдирмас ерда.  
Дилимиз ўт олсин, кунлар долу  
зарб.

Ўтсиз пахта битмас,  
дон етмас элда.

Бу куннинг суръати,  
бу куннинг куйи,  
Бизнинг қайнок қўлдан юлиб қанотда.  
Мағрур бошларингиз бўлмасин қуйи,  
Не бор ғалабадан ширин ҳаётда?..

# *Куйлама ҳижронни*

*Гулгина Зокировага*

Куйлама ҳижронни,  
мен куйлаб ўтдим.

Наҳот мен етмаган пардаси қолмиш?  
Аччиқ, узун йўлин мен босиб ўтдим,  
Сенга нега даркор қайта йўл олиш?

Куйлама ҳижронни, такрорлаш нечун?  
Бир фарёд минг дилни этади пора.  
Кўз ёш бўлиб оқди борлиғим бутун:  
На инсон, на тангри тополди чора.

Такрорлама, Гулим,  
сен баҳт эркаси,  
Дилбар овозингга ярашар шодлик.  
Бир баҳтсиз севгининг битмас гирияси  
Қалбингдан ўрлайди, бу не бедодлик!

Куйлама ҳижронни, гарчанд овозинг  
Отаёттан тонгдек нур тўла жаранг.  
Куйласанг нибуфарсимон рухсоринг  
Шомдаги шафақдек заъфар-ғусса ранг.

Нечун бу сержоду, жайрон нигоҳдан  
Рухсоринг куйдириб оқар қайноқ ёш?  
Гулгинам! Ҳижронда, ҳазонли оҳда  
Ҳеч замон жамолин кўрганми қуёш?

Не-не маҳбубларнинг бисотин титиб,  
Кўрдим: кўз ёш згов экан умрга.  
Мендан кейингилар йигламасин деб  
Дардим селобини тўқдим шеърга.

Сен куйла, севгининг восил ҳаётин,  
Тошлар тилга кирсин,  
гул очсин музлар!

Ишқ,

шодлик чулғаган диллар бәётин  
Күйла, лолалардай яшнасип юзлар.  
Күйлама ҳижронни, гүзәл Гулгинам!

1982

## O, ижод

О, ижод, дардгинам,  
Сен менинг оромим рақиби,  
Үйқусиз тұнларим ёриттан нур, чироқ!  
Тандаги зилзилам,  
Мұқадdas танқолик ҳабиби,  
Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман, кет йироқ.

О, менинг умримнинг этови,  
О, қалбим дардига бир малҳам,  
Мен уйқу истайман!  
Бұласан шеър дови,  
Кетмайсан құвсам ҳам,  
Қаламни таштайман,  
Сүндириб мен чироқ,  
Бу ғужғон үйлардан ёрилигач бошимни  
күрпага үрайман.

Үйларим,  
Сиз менинг чулдироқ құшларим,  
Кетингиз, кетингиз!  
Сизде-ку бор қанот!  
Мен ухлай, менга ҳам вожибидир ухламоқ?

Йўқ,  
Юрак бош билан қиласар жанг,  
Үртада қон чопар мисоли ўт — дарё.  
Фикрлар лашкари ҳолимни этар тант!  
Чарчайман!  
Ахир мен гар шоир, дилдироқ бир Аёл!

Ақалли, уйқунинг амрига кирайин!  
Оромнинг қўйнида тин олган  
Аёллар сингари латофат касб этиб турайин!

Йўқ,  
Қонда шу Аёл қудрати  
Денгизнинг долғали тўлқини сингари  
Уйқуни отади бедорлик соҳили тошига  
Ва мени етаклар қоғозим қошига.  
Мен эсам кўзимни очмайин,  
Мадорсиз қўл билан ёқаман чироғим,  
Итқиттан қаламни ахтариб топмайин,  
Сипқориб ётаман илҳомнинг булогин.  
О, ижод олами!  
Тун бўйи шу зайл  
Сен билан гоҳ тотув,  
Гоҳ рақиб,  
Яна мук тушаман назмнинг машқига:  
Ва лекин энг синчков мунаққид —  
Эрта бор.  
Ҳар мисра тушади фикрнинг шафқатсиз дастига:  
Мисрага далалар нафаси шовуллаб кирмаса,  
Инсонлар юраги ловуллаб турмаса,  
На давр,

на меҳнат,  
на шодлик қаламни сурмаса,  
Бир пулдир меҳнату,

дарду шеър,  
тун умри,  
Ўқийман, ўйлаб ҳам турмайин  
Йиртаман парчалаб.

Бахт йўқлаб:  
Агар қалб дардидан таваллуд бўлолсанг,  
Сенга дуч ҳар юрак торини тополсанг —  
Шеър бўлиб эл ичра юраман мен чақноқ,  
Уйқудан кўрк топган аёлдан ўқтамроқ!

О, ижод алами,  
Сен тушдай қоласан тун ичра.  
Мен эсам ижоднинг содика ҳамдами.

Ұзимни сезаман тонгдан ҳам гулчехра.  
Шу асно мен шеърман!

О, ижод, дардгинам!  
Изтироб, оромим,  
Тақдирим,  
Шұхратим,  
Толеим за комим!..

1982

## *Олдиніда оққан сув...*

Олда оққан сувнинг қадри йүқ, дерлар,  
Фұрлиқда ношукур ҳұкми деб юрдим.  
Мана, қанча сувлар оқиб ўтдилар,  
Бирорни сувла зор,  
Бирни сер күрдим.

Наҳр умри не ҳол ўттанин оқиб,  
Соҳилдаги сероб бир сездимикин?  
Қакраб ҳовуч-ҳовуч ичиб, ютоқиб,  
Сероб ўйлайдими ариқ очған ким?

Зеро, у беминнат бир ёнда оқар,  
Эмас узоқдаги ёритмас юлдуз.  
Тинса, бояи нураб, томоғы қакраб,  
Силла қуришига етмайдими күз?

Бир кун баҳри тугаб, тұлса паймона,  
Құлда пақир билан қолганда изғиб,  
Тан ола биларми, ҳеч-са пинқона  
Ҳаётин берган — шу бағридан сизиб...

1982

# *Хүшхоллик*

Не ажаб даврга пайванდ тақдирим,  
 Үзимни сезаман муттасил хүшхол.  
 Сабох елларида ҳамон тик қаддим,  
 Оқшомгы онлардай тиниқдир хаёл.

Ешик,

Баркамоллик —

үзга фаслни

Токи умр-мулким, ола билмам тан,  
 Бағримга олгайман  
 замон фаслини...

Танти, зүкко злга суюкли экан  
 Айтажак сўзимнинг поёни бўлмас!  
 Зеро ҳаёт қилас қўшиқ тақозо,  
 Бугунги инсонлар йилларни билмас,  
 Зеро ерга бўлди ошно фазо!

Ҳаёт қайновидай юрак ураг жўш,  
 Дилга қалам эшки, мен беҳад хүшхол.  
 Шукурким, ўйларда муқимдир жунбиш,  
 Кўзимда кундан-кун тўлишгач иқбол.

1982

## *O, эртам, эни изъал афсонам*

Кўксимда қўзиалиб вулқондай кўчкилар,  
 Нақ метин муз қатлам сукути чок-чоқдан сўкилди,  
 Чақмоқли сония парчалаб, кўздаги уйқулар  
 Шафақда тонг отиб, ол-алвон мўъжиза кўринди.

Бошланған тонг билан шом аро бу жонда пайдар-пай  
Түйғулар ва ўйлар қоришиқ-шиддаткор баҳслари.  
Авжига боз чиқиб, нурсимон қуйилар мунгли най,  
Эришдай юракнинг тиэгинсиз лўлидай рақслари.

Яшинашин қуёшга ўхшатсан кўзларим қамашмас,  
Шуъла-ю, ёғувчи юлдузлар шарросин сезаман  
теграмда,

Дил ҳеч он тойғанмас,  
Имондан адашмас,  
На шодлик,  
На гурбат қуюндай ёприлиб келганда.

Занг босмас ҳайратим яраттан мўъжиза қўшиқми,  
Парт бўлмай юлгани қай узоқ отащдан нишона?  
Фусункор наҳорлар шавқидан бўлиқми,  
Хазонрез кечки куз умрга эш тушиган  
бу гўзал афсона?

Бу гўзал афсона — сен, Эртам!  
Илтижо, ҳеч кетма ва лекин, келмасанг майлига,  
Қалб мўртрок, худа-ю бехуда излардан жуда мўрт  
кўпrigи.

Ташаккур айтаман шу оннинг  
Шу қўққис ҳимматли зайлуга,  
Умримни безаттан тиљочим, чарчамас  
иљомнинг энг зукко кўҳлиги —

О, умид Эртаси!  
Йироқлаб юрсанг ҳар кунларим эркаси, афсона,  
Эҳтиёт илтифот,  
Жон тўла қадаминг жодусин илғайман.  
Муқаддас ва камёб сирларнинг ўтида  
бир яйраб, минг ёна  
Чах-чаҳдан лаззатли бир ёрқин ҳузур-ла  
иљайман.  
Ва такрор англайман,  
Келишинг бир туҳфа!

Дил номли қаъбамда  
Қалбимдан саломат сен содиқ навқирон эътиқод.  
Үйдирма хулёмас,  
Үткинчи хаёлмас, бу кузги сажамда  
Зикр этсам, чидам бер, Ёвузга таслимдан  
этуб тур эҳтиёт!

Чақнадинг, баҳорий тус кирди кузимнинг  
заъфарон рангига,  
Даф этдинг мен кирап йўлларнинг  
кундан-кун торлигинг.  
Чорладинг, жонимни ташладинг тенгсиз куч,  
жасорат жангига,  
Англадим: Лутфийдек куйласам буюк  
дард ва қудрат борлигин!

Сен құцдинг:  
Эртақдай қиши бирдан юмалаб бўлди ёз,  
Ланжликни куидирди серхузур саратон,  
жазира.  
Биламан: севгидан самода чирпирак  
парвозлар қайтмас боз,  
Не десам, бекиёс у ишқали йилларим кўркига  
назира!  
Эмассан жалада кўлларни савалаб безаттан  
бир ҳубоб,  
Инсоннинг ҳеч битмас умиду ишқидан нишона.  
Ҳар тонги — бир варақ, ҳар шоми элага эш  
толедан бир иншо, битта боб,  
Ҳаётнинг ҳеч қачон узилмас риштаси борига  
ишона-ишона —

Битилгич битта шеър!  
Ҳар сатри кўксимда етилиб тирилттан,  
Дарди ҳам қувончи борлигим забт тутган  
жарангли, залварли.  
Ташаккур, яна мен тирикман,  
керакдан-керакман,  
Сабрга бўйсунган фикр-ўй шиддатли,  
бир ширин ғамзали, ғалвали.

Қарайман:

Афсона тұлдириб хазонлар түшалған останам  
Менга деб тунда ҳам шам змас, қүёшни ёқади.  
Гоҳ нари кетади!

Мен — куз!

У — саратон! Лек бугун мастона, мастона  
Махрамдай нигоҳин узолмай, гулхандай

Қалбимга боқади.

У асли, ҳақиқат камоли, абадий ззгулик тангриси,  
Фанимат шу лаҳзам күзи-ла беҳудуд  
Иқболга боқишим — ҳақиқат.

Ҳақиқат — афсона яратар умримнинг ҳар кези,  
Тұнларим юлдузли онига ишончим,

Имоним, Олқишим —  
Ҳақиқат.

Мен сени, эй тансиқ афсона, ҳали күп  
чамандай күкартгум,  
Баҳорнинг рангига янги ранг, соз жаранг  
кашф қилиб этгум бахш.  
«Боши ҳеч оқармас қалам»<sup>1</sup> им учыда  
қуёшга яловдай күтаргум,  
Бу элда кексармас ва чўкмас кўнгиллар  
бахтини — бахтим деб этгум нақш!

1983

## *Шошма ҳали!*

Ярим тунда, бирор турттансимон,  
Бир чўчийман,  
Ўзга келгач уйғонаман.  
Не бу ўзи?  
Дил қандайдир қўпол чангда  
Қисилади,  
Мен ўзимни ҳис қиласман қайноқ жангда.

<sup>1</sup> Сулаймон Рустам сатри.

Сўнгра-сўнгра худди илон чаққансимон,  
Сўнгра, худди бир хум ақраб ичгансимон  
Мен ўзимни ўнгаролмай тўлғонаман.

Зик юмушда ўтган кундуз зиллигими,  
Сирқираттич оғир ўйда тўлғонаман.  
Ўз-ўзим-ла куймалашиб  
Пўртанали юрагимни бошқармоққа уринаман.  
Жиссимдаги беҳоллигу  
Санчиқларни босиб, янчиб,  
Ўтган кундуз энг ярқироқ,  
Хушнуд дамлар  
Ахтармоққа уринаман...

Ва топаман:  
Соф ишладик,  
Қувонч топдик ва кимгадир бўлдик дармон.  
Демак, менда йўқдир армон.  
Мужмал санчик,  
Ҳали бошдан,  
Ҳали чаккам,  
Ҳали кекса кўкрагимнинг  
Ийллар тузи тах-тах  
Минг тах қатларида  
Дарднинг басир,  
Энг оғири,  
Энг сабили: —  
Таранг асаб,  
Жонли асаб зўрга турган ипларида...

Минг оёқ деб аталувчи қурт бўлади,  
Тез юради, ранги совуқ,  
У захлиқда түғилади.  
Гоҳо зик, зич,  
Гоҳо қўрсиз тунларимнинг  
Увадаси йиғиндиси — асабларим  
Шу қуртсимон  
Бошдан-оёқ бирдай қамраб  
Юрагимни тишлай бошлар,  
Бу азобга тоб бермоққа уринаман.  
Уринаман, тўлғонаман.

Миямдаги битта санчик,  
Уста қоққан миҳдай маҳкам.

Ёзаманми, ёнаманми унга не кор?  
Маҳкамлиқда михнинг ўзи —  
Асаб тиги берар озор.

Яна юрак,  
Хорғин юрак — дард созлаган тор совутда  
Қисилади, қийналади...  
Хорғин кўксим,  
Томирларим!  
Наҳот энди ишлаб бўлдик,  
Яшаб бўлдик?  
Шундай бўлса  
Азоб бермай дам ола қол!  
Кўп курашдим,  
Ва шодманки, шунча йиллар ғолибаман,  
Иродамнинг вафосидан миннатдорман...  
Лекин узр,  
Минг бор узр.  
Мен чарчадим.  
Дардларимни торта-торта чин чарчадим!

Бутун умр мисқол-мисқол  
Чўккан дарднинг ўзи ташлаб кетмас-ку ҳеч,  
Метиндан зўр ўжарлиги битмас-ку ҳеч —  
Шундай кибор,  
Шундай беор.  
Шундай ғаддар  
Ўзим билан кетгувчи ҳол.  
Лекин ҳорди мендаги жон,  
Илож бўлса,  
Дардни енгар,  
Умр берар дармон истар!  
Пешонамни ерга қўйиб,  
Сажда қилиб  
Ўтинаман Сендан, Умрим,  
Мени кечир,  
Таҳаммул ҳам,  
Қаноат ҳам тутгали чор!

Хориган жон бир беозор ором истар!  
Ким билади, балки елар  
Йўл-йўлдаги умидимга захрин сочиб,  
Тириклигим жон томирин.  
Қишига кирган ҳаёт борим босиб, янчиб,  
Хузурлангич ўша зўрлик —  
Номи ажал!  
Ета қолса:  
Битта илинж.  
Етсин майли:  
Фақат уйда,  
Ўз элимда.  
Бутун умрим  
Шод, ҳузурим  
Бутун қўрим —  
Шу тақдирим — Она элда.

Лекин, ҳозир шошма, Ёвим!  
Шошма, шошма, яқинлашма!  
Биттандан мўл — битмас ишим,  
Яхиси, сен чекина қол.

1983

## *Кўниил тоғ ўлди, тоғ ўлди*

Жаҳонотин Увайсий ўз тавалудлари-  
нинг 200 ўшилиги тантанасини кўрган-  
ларида шундай барҳаётлик назмини  
айтган бўлур эшилар.

Аё дўстлар, бу не даврон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,  
Асрлик зулм уйи вайрон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.  
Улус обод, ҳама шодон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,  
Ки ҳайрат ҳам ўзи ҳайрон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,  
Бу янглиг бахт-саодатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Билурмен, ҳасрату ғам таҳ-батаҳ, бизнинг ғазалларда,  
Нечунким, эл учун зиндан эди дунё азалларда,  
Ҳақиқат ҳам, адолат ҳам очарди юз масалларда,  
Жафо таҳт йўқ, қаро баҳт йўқ, ҳамма офтоб  
назарларда.

Бу тенглик, бу камолатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Синибдур гумбази зулмат, ҳуррият барқарор охир,  
Тасанно, биз аёл аҳлига шаън-икбол шиор охир,  
Саодат шеваси солмиш кўнгилга шавқ-шарор охир,  
Яловдир шеър, кел эй, хушнуд дилингни эт  
нисор охир.

Бу эҳсондан, бу давлатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Икки юз йил суронидан омон чиққан саботдирман,  
Ватан бир баҳт, менам бир баҳт, икки нурли  
қанотдирман.

Ажаб толе жаҳон ичра тарин бул кун ҳаётдирман,  
Каломим бирла номим парпироқ мангубаётдирман,  
Бу эъзозу бу ҳимматдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Дилимни шамъ қилиб эрдим, бу даврон минг  
чароғ ўлди.  
Ўғил-қиздан жудо эрдим, менга авлод қарор ўлди.  
Ки рўзгорим хароб эрди, элим бошга паноҳ ўлди,  
Не сўз айтдим, қаро ўтмишни фош эттан яроғ ўлди,  
Замон берган бу қудратдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.  
Бу ёнда Нодирабегим, бу ён Маҳзуна лутф этса,  
Назмгўйлик тузар бўлсак, кўнгил торин қувонч  
чертса,

Умидни шеър этиб сочсак, туман дилга бориб етса,  
Неча Гулчехралар озод, кўйингтга жўр бўлиб кетса,  
Бу хил мумтоз шухратдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Увайсий, боқ бугун юртда назм — толе, зако қонун  
Муҳаббатта адо қонун, садоқатга вафо қонун,  
Ки булбул чаҳ-чаҳи янглиғ қўшиқларга садо қонун,  
Ташаккур, қадру ардоққа, сенга умри бақо қонун,  
Ажаб камёб бу қисматдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

# *Демак, баҳор келди...*

Синди қиши тўқиган муз ҳисли қафас,  
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.  
Она нигоҳидай мулойим нафас  
Замину Осмонни бағрига олди,  
Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кекса-ю ёшнинг  
Одим, чехрасида эзгу рўшнолик.  
Дов-дараҳт кияжак зилол либоснинг  
Зилол барин тутиб югурар шодлик.  
Демак, баҳор келди.

Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,  
Эзгу интиқлиқда кўпчибди тошлиар.  
Ел такрор, бетакрор илиқ қўл билан  
Сочмоқда гулларга ишқдан қуёшлар,  
Демак, баҳор келди.

Саховат момоси — тонгнинг кўксидан  
Кўпирриб, ҳайқириб сути тўкилмиш,  
Зарраси сочилган музлар устида  
Шошқалоқ ғунчалар чоки сўкилмиш,  
Демак, баҳор келди.

Ҳамиша неъматта ҳомила тупроқ  
Тўлишган танини солмиш офтобга,  
Декон қулоғига таниш қўнғироқ —  
Жарангдор куртаклар етибди тобга,  
Демак, баҳор келди.

Яна бедор, маъсум тун оғушида  
Одимлайди сирлар,  
ширин шивирлар.

Бетобе шаббода нур ҳовучида  
Юлдуздай сепмакда жоду, сехрлар,  
Демак, баҳор келди.

Келди баҳор!

Кетар ташлаб уйғониши,  
Бутун куррамизга биттә баҳор у!  
Одилми, қотилми — ҳар жонга таниши,  
Мехр маъбудаси наврўз-наҳор бу,  
Ахир, баҳор келди.  
Бу күн йўлларида олов кўп, зор кўп,  
Жаҳонда қанча жон чиқмайди пешвовоз.  
Деҳқон уруғ сочсин,

ўқ сочмасин тўп,  
Қувин эллар қушдай юртта  
қайтсинг боз,  
Ахир, баҳор келди.

Не масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,  
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.  
Давлатлар!

Илтижо,  
фармон,  
исён бу!

Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,  
Баҳор боқий келсин!

Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,  
Бахтлига ишонч у, баҳтсизга толе,  
Абад қонунидири элтмоқ севинчлар,  
Қабоҳат, хунрезлик бўлмасин моне,  
Баҳор боқий келсин!

Ўқ оттан кемалар денизига ботиб,  
Чирисин!  
Тин олсин эллар, оламлар.  
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,  
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!  
Баҳор боқий келсин!

1983

## Лавха

Шом келар узоклардан бўшанганд бор қўйнига,  
Йўл-йўла ичиб шуъла.

Түкилар осилишиб заъфар барглар бўйнига  
Ёз тўқиган ашула.

Үз ҳолига кексарган ҳар дарактдан бир гулхан,  
Тавсиф йүқ мендә рангта.  
Бетховен мусиқаси гүё борлиқни туттан,  
Ер-күк мағтун жарангта.

Алвон қүшиқдай лөв-лов ёнади ниҳол гилос,  
Кузрант чөхрамда акси.  
Токда чайқалса борбон унұттан бир бош ғарасы  
Қалбимда шириң рақси.

Яшил либосда ҳамон чинору аргувонлар —  
Кекса сумбатда бардош.  
Наздимда, урушларда бева қолган жувонлар  
Бардоша унга тенгдош.

Ариқда тиниқ-тиниқ, милдир-милдир оққан сув  
Шеваси дилимга хуш.  
Кекса ялпиз бүйлари уйротса яшил туйғу,  
Менда йиллар фаромуш.

## Күкдә:

бир ёқда қүёш, бир ёқда кезар булат  
Кўксида ухлар түгён.  
Жанубга учган қушлар қолдирған салом бўлиб  
Эшилса ипак мезон —

Латиф, ёрқин түйғулар күйга қоришиб дилда  
Берса баҳорий қувонч,  
Наздимда: бүғотимга қўйиб кетган инига  
Йўл олади қалдирғоч.

Уфқларга сирғилиб кетиб улгурмайин кун  
Дилимда аллам юлиб —  
Кўксидан салқин-салқин тушади  
ер узра тун,  
Ой чиқар дуркун бўлиб...

1983

## *Далада қузи*

Нафис баҳор ўтди,  
Чақноқ ёз ўтди:  
Тупроқ узра қуёш шуғласи.  
Ерга инмас унинг ҳам ўти,  
Ҳориб,  
Чарчаб ётар ўлкам даласи.

Кўзларни,  
Дилларни яйратди кўрки,  
Шоиру рассомга бахш этди илҳом.  
Гўё тушганидай бошидан бўрки,  
На чаман,  
На полиз,  
На пахтазор — ном...

Кўзлардан,  
Диллардан нарида унут,  
Фақат ўз танида боради юмуш.  
Онадай сахий-ю, бир тамаъсиз юрт  
Ҳосилини тўкиб, ётар бежунбиш.

Худди кексалар ҳам  
Шу тупроқсимон,

Юзларини кесган саноқсиз ажин,  
Шамолсиз иқлимда ёттан нақ уммон,  
Аммо на фикр, ўй тин олади жим...

1983

\* \* \*

Она-Ер устида байрам,  
Диллардан юксалар осмонга қуёш,  
Байрамларни сезар бағридаги ҳам,  
Уларнинг умрига қўшилмайди ёш.

Ўн саккиз ёшли қиз лабидай нафис  
Гул қўйдим.  
Мен ёндим,  
Гулларим сўлди.  
Баҳорим!  
Кузлигим наҳот этдинг ҳис,  
Наҳот қирқ йил ёнган етим ўт сўнди?

1983

## *Бинафша*

Қаҳратонда ерга тўшалгандა қор,  
Менинг кўнглим тусаб қолар бинафша.  
Дилим таг-тагидан эрка бир виқор,  
Ўтар чирмовиқдай хушбўй бир нашъя

Энг хушрўй, энг кўркам гулларнинг атрин  
На бўй, на ҳуснига этломам қиёс,  
Бекёёсдир хушни элиттан баҳри,  
Тун ёстиқда сўлган бинафшага хос.

Шу ҳузурни қўмсаб, қутурган қишида  
Думбул баҳорларни нигоҳим излар...  
Год-тоҳ бугунимиз эмас,

ўтмишдан

Иssiқ нафасларни излаймиз бизлар.

Хаёл чаманида бўй чўзиб ўтлар,  
Чўлда ел ва нурда лолалар балқар.  
Кўклам шарпасидан синиб сукутлар,  
Тарновдан ариқдан сув бўлиб оқар.

Ниҳоят, маъсумам — жажжи бинафша  
Сафсарранг гулханин сочар ийманиб,  
Ўнгир, ариқ бўйин тутади нашъя,  
У буюк борлиққа боқар жилмайиб.

«Салом!» — дейман хаёл бинафшасига, —  
Сенсиз кўнгил боғим қоларди ғариб!  
...Ҳеч маст бўлганмисиз соф нашъасига,  
Бошин хиёл эгиб турса жилмайиб?..

1983

## *Пўй оқшомидаги ўйлаф...*

Лола боғимиизда эди бир ғунча,  
Яшиаб кетди бирдан, нақ оппоқ чечак,  
Ўзимиз эркалаб, севиб тўйгунча,  
Муҳаббат азми-ла бўлди келинчак.

Хотирда:

дунёга келган илк тонгда  
Кулогига айтдик Навоийдан шеър.  
Ким билибди унда:

балоғат онда  
Буюк севги сўзин айтар Алишер.

Ва шу мард кўнглимиз эрка қушини  
Ўтли қўш қанотда кетади олиб.  
Икки сулоланинг қалбу ҳушини  
Махлиё, баҳтиёр тўлқинга солиб.

Ҳай қиз, биз беролган энг қимматли сеп —  
Меҳр қонингдами, дилдами вафо?

Тақдирлар бирлашди күркам толе деб,  
Толе берар шодлик бўлмасин адо.

Гул бўлсин сен борар янги ошиён,  
Кириб бор меҳрингдан пойандоз тўшаб,  
Катталарага вожиб эъзозу эҳсон,  
Яйратсанг суюкли фарзандга ўхшаб —

Ўзинг ҳам яйрайсан,  
яшаарармиз биз,  
Орзу очаверсин тўрт фасл чечак.  
Муборак таҳтингиз, боқий баҳтингиз,  
Суюкли куёву ширин келинчак...

1983

\* \* \*

Мен денгизнинг лабида турдим,  
Денгиз бўлиб чайқалди юрак,  
Мен денгизнинг лабида турдим,  
Унут ўзим, унут теварак.

Куёш сочиб қизил чечагин,  
Ёниб ётар тўлқинлар лов-лов...  
Лекин йигитанини шафак, этагин  
Назаримда, кўрмади бирор...

Ҳалигина ипакдай ҳим-ҳим  
Алвон тўлқин эшилган эди...  
Хижрон азми — гулгун кўйлагим  
Худди шундай ешилган эди...

Олов тўлқин туннинг ичида,  
Қолиб маъюс чайқалар денгиз...  
Мусибатнинг занг илгичида  
Гулгун кўйлак осиғлиқ ҳануз...

1985

# *Икфорға вакт етди*

Ижод дengизимнинг маъсуд жўшқинин  
Кўмсаб, дил бисотин очаётирман.

Олдда бекатларнинг туйиб  
йўқлигин,

Нотугал машқларим сочаётирман.

Ўйласам, ҳаётта ўзни бағишлиб,  
Бурчлар савалабди мисоли жала.  
Маҳрам қаламимни тишимда тишлаб,  
Яшабман, ишларим гоҳ бут,  
гоҳ чала!

Гоҳи хит қаламим бўлмас, ўткирлаб.  
Столимда қофоз ётар заъфарон...  
Шу туйғу савалаб, кўксимни тирнаб,  
Гоҳи шом, гоҳ саҳар ўйларим  
гирён.

Хордиқ билмас толган дилни парчалаб  
Ҳислар мендан кутар оташдай сўзлар.  
Қалбимнинг тубида қолдими яхлаб,  
Мен кўр бахш этмаган номсиз юлдузлар...

Қанча таваллолар қилмай тақдирдан,  
Сочилган умримдан бермас бир йилин.  
Лек афсус, надомат аччиқ заҳридан  
Кашф этиб бўлмайди рўшнолик илмин.

Силқиб-силқиб қанча сув бермасин, ер,  
Кудуқ ҳеч жаҳонда тўлиб тошарми?  
Қалбим,

тафаккурим синчковлаб қазир —  
Қаламимни қайноқ қўлим тутарми?

Мулки лак-лак дилни этмакман аён,  
Биласиз, яшадим риёдан олис.  
Шеърият кечирсин, кечирсин шеърхон,  
Замона зуғмидан бўлмадим холис.

Гоҳ товшим етмаса санаманг сукут,  
Шоят тарк этмаса дийдаларни нур,  
Шеърият санъати бўлмайди унут.  
Божлиман элиму, юртга бир умр.

Завқим, ҳайда мендан узлатни йироқ,  
Емирилди гумроҳлик йиллар мақоли.  
Очунда, ҳар дилда парпирар чироқ,  
Истиқдол нуридан ҳаёт сафоли...

Ажинлар из соглан кенг пешонамни  
Истиқбол ҳаётбахш қўли силасин,  
Қатағон йиллари ютган жигарлар  
Дорини тортмоққа тоқат тиласин!

Йиллар,  
Нодир онлар,  
Севги,  
Хижроним  
Дилимни замзамлаб кетмаган учиб...  
Бор бўлса бешми, ўн муҳлис шеърхоним,  
Ёзмоқ — баҳт қаламим учини ўпиб.

1994

## Бу оқшом...

Бу оқшом пориллар дил нурингизда,  
Дийдор баҳти насиб яна Сиз билан.  
Турибман, азиزلар, ҳузурингизда  
Ҳамон ўтлиғ кўнгил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим — шеър.  
Сочимда, чехрамда йиллардан нишон,  
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,  
Орзуларим карвон, сарбоним — ишонч.

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним  
Азиз ёди аро шикаста, бутман  
Ишқим — алангадир, қордир ҳижроним  
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорагич —  
Мунисим Ҳулкарим, алпим Омоним  
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ  
Ҳар бири жонига пайванҷдир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд  
Ҳазрат устозларим — теран илдизлар,  
Мен ундан жон олиб кўкарган дараҳт,  
Меваси — қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим  
Ажоддларим менга ифтихор, фурур  
Шу мавжлардан томган нуқра умидим  
Шоири қизларим бахш эттан сурур.

Бу назм боғига киролмас ҳазон,  
Бизни маҳф этолмас завол лашкари,  
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қаҷон,  
Бу боғлар — бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,  
Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,  
Емира олмайди ўткинчи тақдир,  
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур  
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.  
Тонгларингиз куласин дориломан, ҳур,  
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.

1995



*Дафтарларда  
қолған  
лахзалағ*

## *Көңіл мени...*

Ниҳолгина құлда думбулгина соз,  
Ишқ кошонаси билдим кирганим уйни,  
Құшиғим пардаси ҳозирча саёз,  
Севги баҳти босиб кетганди күйни.

Серқудрат, сержаранг күчта топиниб,  
Мен куйлай бошладим оташин ишқдан,  
Мастлиқдан қолардим ожиз, талпиниб  
Хиснинг дурларини ипга тизищдан.

Туйғумни учмоққа қанот деб билдим,  
Пойинтта шеърларим ташладим дилдек...  
Ҳижроннинг, фарёднинг дудларин тўқдим,  
Юрагим сўкилди бўлак ва бўлак.

Йиглаб келиб, йиглаб кетар одамзод,  
Либосимдай қора шеърларни ёздим,  
Шак келтирганим билмай, бир девонавор,  
Оз бўлса ақлдан ва диндан оздим...

Бир муштдек юракка бўлаверди жо  
Ҳам севги, ҳам ҳижрон, сабру ирода.  
Йиллар ўтган сари заҳри зиёда  
Унугланлар-чун ҳам бўлдим мен фидо.

Ўша кошонамиз қучоқларидан  
Ҳамма полапонлар бошлади парвоз.  
Баланд учиб, осмон қирғоқларидан  
Жаҳон бўйлаб кетди ҳар бирида соз.

Ўзни сенга бериб яшадим узок,  
Номинта муносиб фарзандлар ўсди.  
Мента шамолни ҳам кўрмайин раво,  
Ўшалар ажаллар йўлини тўсди.

Мүк тушиб тилемиз саждагоҳига  
Ҳар бир калимага изладим сайқал,  
Шунча йиллар қалам дәхқони бўлиб  
Кечир, қўёлмадим шеъримдан ҳайкал.

## *Пуни иулханлаф...*

Биз кундуз ошиғи эканмиз асли,  
Тунни севамиз деб ёзамиз қўшиқ.  
Тоғлар этагида бўлдим ёз фасли,  
Ҳар салқин парчаси минг сирга тўлиқ.

Мен сиру сехрни билмас ожиза,  
Жодутар домига тушгандай бўлдим.  
Тоғлиқнинг чақнаган юлдузи ора  
Ёниқман деган мен, бир йўла сўндим...

Тўлин ой самонинг қулуни мисол  
Саллона-саллона булат-ла ўйнар,  
Этакда чўпонлар қургани гулхан  
Тиллари еллар-ла чирмашиб ўрлар.

Елнинг майин куйин қолдимми илғаб.  
Тошларнинг бағрида туғилар чашма...  
... Қалбимни инжитиб дард, орзу йирлаб,  
Ажиб оғриқ ҳислар қилди карашма...

## *Метрика*

### 1

Оталарин азиз мулклари титиб,  
Икки метрикани топдим... Ва лекин...  
Мана, ярим аср умрим ўтиб  
Етук фарзандларга онамен букун.

Атай ахтармадим буни бирон кун,  
Зеро ҳар сахфаси они эсимда  
Жисмимдан узгунча сезмаганларим.  
Қалб эшидай кезиб юрди жисмимда.

Бўйи билан бўйим,  
Хуснила ҳусн  
Касб этиб юраман оламим ичра.  
Ифтихордан кўксим кўпчиган ҳар кун  
Мени азобла эзиз ташлар хотира.  
Дерди: «Қизим сиздай бўлсин суюкли.  
Ўғлим бўлсин мендай хуш толеъга ёр!»..

2

*Қизимга...*

Эсимда... Ҳаммаси эсим, сезгимда,  
Инсон туғилишин севинчи, дарди...  
Ўзим тўнганда ҳам бўлдинг сезгимда,  
Дардлар унутилди... гўё йўл гарди.

Ўсдинг ёзда яйраб, лекин қиши ҳоврин  
Мехрим ўтларида синдирсан дедим.  
Баҳор гўзалигин, куз сахийлигин,  
Қор поклигин сенга сингдирсан дедим.

Шундай... тандан уздим, юлмадим дилдан,  
Аввал эргаштирдим, сўнг ўтдим ортга.  
Ортдан кўрмоқ осон баҳтлими чиндан,  
Лойикми мен эккан ниҳол ҳаётга...



# *Кенгашда, сұзлағдан зерткікканды...*

## **1) Қалам**

Құлымга келади ҳар рангли қалам,  
Бири тун рангидай, бири шодлықдай,  
У соқов! Агар мен құлға олмасам,  
Дил тегса сайрайди тирик борлықдай.

Лекин инсон тили, инсон дилига  
Тилмоч йўқ бундайин содиқ, ва мунис.  
У зилол ўрмонлар күйдор елига  
Фарзанд бўлганида кўйни қиласар ҳис...

Майли, олсин бир дам қалбим дардини,  
Бир дам осойишта мен ҳам олай тин.  
Ахир у тақдирнинг қамчи зарбини  
Савол бермасданоқ англаиди сокин....

\* \* \*

*Хурматли Олим Хўжаевга*

## **2) Садоқат ҳақида ёзинг дейсиз...**

Сиз чинор ҳақида ўй сурғанмисиз,  
Қуюқ соясида турганда?  
Ниҳол жамолига лол турғанмисиз,  
Ёшлиқ Сизни олиб юрганда?

Йўқ!  
Ёшлиқ ўзи ўт!  
Изламас соя  
Тўлқин,  
ўтқин,  
вулқон унга ёр,  
Бошни айлантирган севги кифоя.  
Ҳаётда афзалроқ ўзга йўқ викор.

Лекин чинор ҳам нақ Сиздай кўркини  
Неча ёзиб, неча тўқади.  
Зилол баргларини, қийғоч гулини  
Ўзи очиб, ўзи чўқади.

Ҳаммадан узоқда ўтар бор умр,  
Олиб ўтар уни қаноат.  
Қанча кураш, қанча изтироб,  
хузур,  
Бугун чинордаги салобат.

Мана энди кўкни туттудай кўркам  
Соясида топасиз роҳат.  
Қанча маҳрумликлар, танҳолик, алам,  
Ютгани бир умр, номи Садоқат.

### 3) Азиз устозим Faфур Гуломнинг муҳтарама рафиқалари Муҳаррам опамларга

Ёш эканман, баҳтдан чақнаб, ярақлаб,  
Муҳаббат, меҳрнинг баҳрида чўмдик.  
Шеър ёздик, шеър бўлдик, илҳомга ўхшаб  
Қалбларида яшаб ҳуснга тўлдик.

Ҳижрон! Ҳижронидан йигладик, куйдик,  
Енгдик, чунки бизда баҳт улуғ эди.  
Оталарга лойиқ ҳайкаллар қўйдик,  
Лойиқ авлодларда яшашар энди.

Биз-чи, қўмсай, қўмсай шеър, меҳр, бағрин,  
Ҳамма аламлардан чиқолдик омон.  
Умримиз фаслида куз, қиши ҳам яқин,  
Дилда ўша баҳор яшнайди ҳамон.

Яшаймиз шу ноёб тақдирдан мағур,  
Ҳаёт деб аталмиш мушкул наҳрда.  
Китоблар баҳш этар кўзимиизга нур,  
Номларин тақрорлаб оппоқ саҳарда...

# Лаҳзалаф

\* \* \*

Оқшом эди, бир оғуш оқшом,  
Ҳам дилдираб, ҳам сирқирап дил.  
Кўзлар лиқ мунг, шодлик тўла жом,  
Сипқориш ҳам жоиз, тўкмоқ ҳам мушкул.

Ҳар юракда турфа ранг нидо,  
Ҳар бир сўзнинг ўз зэгу сири...  
Шунча кучли, мағрурлар ҳам гоҳ,  
Бўлиб қолар онлар асири...

Сипқорилмас жом кўп ҳаётда,  
Энг эзгуси кўзларда яшар.  
Тўкилсайди у ҳамма зотда,  
Дув сўқилиб кетарди башар...

\* \* \*

Ҳамма қонунларнинг устидан чизиб,  
Менга қайта умр этсалар инъом,  
Ахтариб топардим ҳар босган изим.  
Бекор ўтганига бахш этардим жон —  
Ҳар бирига тутар эдим бир шеърим.

\* \* \*

Мудом кайфиятта тобеъдир инсон,  
Хастасан, таъбингга киради тундлик.  
Гўё ишонч синиб, зарб ейди имон,  
Умрингнинг ўзи ҳам қолди бир кунлик...

\* \* \*

Тунги сукут тарқалиб,  
Тонг товушга тўлиб отади,  
Шаббодага япрогин артиб  
Дараҳт кунга қулоч очади.

Кекса она табиат турар,  
Таржимонсиз киради ружга.  
Ҳар бир жонга үйрониш берар,  
Мадад бўлар ҳатто мажруҳга...

\* \* \*

Мени дард енгдими, ё битдими куч,  
Вужуд сўкилгандаи чок-чоқдан гўё,  
Тинглайман, ўқийман, лекин дил бўм-бўш,  
Куп-кундуз кўрганим ўнгимми, рўё?

Қайда парпираиди ғайрат, шижоат,  
Жўшқин ҳаётта жўр бир жуфт қанотим?  
Ирода, кўзинг оч,

берма ижозат,  
Ястаниб ўтмасин қолмиш ҳаётим...

Қуёшни,  
яшашни,

зилзилани ҳам  
Севиб, қўрқиб ентиб яшагум келар,  
Ахтар ердан, кўқдан илҳомни илдам,  
Балки мен кирмаган йўлларда елар?

Инсон юрагини топишга қодир  
Ақлим, кўзим толди бир соз шеърсиз...  
... Умримда юз берсин мўъжиза содир,  
Шеър бер,

куч бер менга,  
қолмай шодликсиз...

## *Илтижо*

Дард саҳросин ўнгу сўлига  
Имдод кутиб сарбондир нигоҳ.  
Бугун бунда парвона бўлган  
Эмиш мумтоз ҳазрати жарроҳ.

Тангри берган чипқонни ёрмоқ  
Бандасига эмасдир раво.  
Кўрасида бурч экан пишмок,  
Хўп қоврилиб бўлганман адо.

Не-не наштарларга чиðам берганман,  
Гоҳо зако тифи ҳам ларза.  
Бўронида хўб совриланман,  
Ўзим ўлиб, ўзим тутганман аза.

Ҳажр чипқонининг кўзин очмоққа  
Вожиб олмоқ тангридан ризо,  
Ўзи ярлақаса тонгла ўёқда  
Нур бўлиб ёғармиш ҳар ноҳақ жазо.

Бегуноҳ гуноҳга ботганлар озми,  
Тақдири жафога солган қийноқлар.  
Сафоси, жафоси, вафоси билан  
Зиндонга ташланган қалби қайноклар.

Оғриқ кўкракларда қуриганда сут  
Тирик беваларнинг етим фарзанди  
Эмдилар сут эмас, заҳарни қулт-қулт,  
Қатағон йилларнинг дардию-зардин.

Тарихдан қадрли, боқий туйғулар,  
Маҳбуслар танида қолиб кеттан куч,  
Ҳали ҳамон кезар, билмай уйқулар  
Курбонлар руҳида уйғоқ қолган ўч.

Мен ҳақ меҳробининг пойига чўкиб,  
Тўкиб солдим таваллоларим.  
Бир кун йиғлаб қолар ҳаммадан ҳам кўп  
Етимликка увол шўрлик шеърларим...

Иzlарига қиласман таъзим,  
Қайтаринглар келган йўлига...  
... Бу ёғига топарман тўзим,  
Берманг мени жарроҳ қўлига.

1995

# *Хайр энди...*

1

Хайр энди, видога чоғ етди муддат,  
 Наздимда қолмади олдинда йўллар.  
 Қолгани яшиндек шошқин, тез суръат,  
 Муаллақ қотади узатиқ қўллар...

Орзулар бўлмасин офтобдай ёрқин,  
 Гулбаргдан чиралган каби узилур.  
 Яшаш қанча ширин бўлмасин, лекин  
 Юмулиш истамай қўзлар сузилур.

На севги, на нафрат, на қувонч, азоб...  
 Не дод, кекса ажал абад огоҳда.  
 Юкли тевасимон тонгла чорроҳда  
 Гангид қолсам, эгам,  
 садқа эт нажот...

2

Хайр энди, табиат, тўрт дунё ҳусн,  
 Қуллуқ, узок йиллар яшадик иноқ.  
 Қишингда оқ кўркинг сеҳрлаб ҳиссим,  
 Саратонинг туйфум ёқди қайноқроқ...

Сенинг ўзинг танҳо мумтоз бир китоб.  
 Расо ва норасо дарсинг ўқидим.  
 Бу тун борлиғим-ла қучдиму боб-боб,  
 Оғриқдан таваллуд шеърлар тўқидим...

Бандаман, эй тангрим, кашфи табиат,  
 Ахир бир кун сўнар кўзларимда нур.  
 Калимага заиф қолганда қудрат,  
 Сенга сўнгги саждам — умрим тўкилур...



# Достопиңлар

# *Мушоиға*

## 1

Гўзал тупроқ узра қуйилади оқшом,  
Кундуз олар дам,  
Жўшқин мушоира этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!

Бунда узокдаги дўст бўлар яқин,  
Санъат, маҳоратнинг байрами бунда.  
Қофия, сўз, мисра баҳслари қизгин,  
Юраклар даврага киради бунда.

Қай дил чамани бой, жозиб нафаси,  
Кимнинг фикри ўткир, теран, бокира?  
Бу гурунг — шоирлар мусобақаси —  
Шарқ шеърий чамани, бу мушоира.

Ҳинд тупроғи узра қуйилиб оқшом,  
Кундуз олгач дам,  
Жўшқин мушоира этади давом,  
Дўстлар бўлиб жам.

Юраклар жўр экан, овоз ҳамоҳанг,  
Зарра эҳтиёж йўқ муҳташам залга.  
Бу шеър борида гўзал, ранг-баранг  
Кўшиқ солиб келган ҳар шоир дилга.

Нил қудратин жўшиб қўйлар бир шоир,  
Ўзгаси Ганг мисол қилас замзама.  
Фақат манго нусха ажойиб чодир  
Бу гўзал даврага ажиб бошпана.

Бенгал күрфазидай күк эди оқшом,  
Атрофда табиат оларди нафас.  
Ранг-баранг чироқлар шуъласи бесон —  
Осмон күзларида этар эди акс.

Салқин соҳиллардан эсган шаббода  
Гоҳ олиб келарди гуллар бўйини.  
Гоҳ ҳиндуда қиз куйин, гоҳ яқин боғда —  
Сайраган анвои қушлар куйини.

## 2

Лекин ҳоким эди даврда илҳом  
Ва жасур қалам.  
Жўшқин мушоирига этарди давом,  
Дўстлар бўлиб жам.

Ўзбек супасидай саҳнада гилам  
Чироқда ёнарди гўё камалак.  
Сеҳру муҳаббатин кўрарди баҳам  
Ҳақиқат ва нурга интилган юрак.

Саҳнага чиқарди сипо ва вазмин  
Чинор ҳам, ниҳол ҳам шеър чаманидан.  
Кекса-ю ёш отаю фарзанддай яқин  
Ёнма-ён дўстликнинг бу байрамида!

Шарқнинг ҳам бузилмас одатлари бор.  
Ҳиндлар удумига қиласиз амал.  
Чордана қурамиз меҳмон ва мезбон  
Камалакранг гилам узра бемалол.

Пойгакда ечилган хил-хил пойафзал,  
Менинг назаримда ўзи бир дунё.  
Ҳар бири ўзида меҳнат ва гўзал  
Эли тупроғини келтирган гўё.

Ажиб Ҳиндистоннинг моҳир, миришкор  
Косибин санъатин қилиб намойиш —  
Ҳиндлар сандаллари тизилган қатор.  
(Сандал дараҳтидан ясалган эмиш).

Жуда соз! Албатта кийиб бирини  
Сафарга дўстлар-ла мен ҳам чиқаман.  
Ҳар қўлга тутқазиб халқим меҳрини,  
Буюк Ҳиндистонни яёв кезаман!

Хитойнинг бежирим, Боғоддинг пухта  
Оёқ кийимлари туар ёнма-ён.  
Қарайман, Цейлон бор ва бошқа  
жуфтда  
Эрон косибининг санъати аён.

Мўгулча этиклар Панҷоб кашфига  
Эртак сўзлагандай эгилиб тураг...  
Кўзлар қувонади инсон ишига,  
Шод этар тупроғу, меҳнат ва ҳунар.

### 3

Сўнгра теваракка сездирмай секин  
Мен ҳам туфлимга ташладим кўзим.  
Ёмон эмас, Аҳмад, моҳир, камтарин  
Ватандош, ишингга олқиш ўқидим.

Биламан, сенинг ҳам бунда дўстинг бор,  
Балки Бомбейда у, балки Кашмирда.  
Қаерда бўлмасин худди сен мисол  
Яшайди даврада янграган шеърда!

Чодир ичи тавжум, кўзлар мунтазир,  
Микрофон олдида давр соҳиби:  
Кумушдай сочидা жилваланаар нур,  
Кўзида ёшликнинг сўнмас ёлқини.

Неларни кўрмади бу кўзлар? Юртда  
Кўз ёши дарёдай оққанин эслар.  
Ирода ва умиқ тобланиб ўтда,  
Қари ҳақсизликни ёққанин эслар.

Энди Ҳиндистони устида офтоб,  
Шунинг-чун ёш, дадил, мунаvvар боқар.

Бизни шеър баҳсига қилади хитоб,  
Қўшиқ юраклардан дарёдай оқар.

Гўзал таржимондир зангори оқшом,  
Ҳар юрак ҳамдам.  
Бизнинг мушоира этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!

Мана, мусиқадай, севгидаи майин  
Даврага киради Панжоб булбули.  
Нафис сатрлари ёниқ ўтдайин,  
Жасур жаранглайди оналик дили.

Шеър ўқийди Непал, Вьетнам, Хитой,  
Рус, тохик ўқийди шеърини сарбаст.  
Қора алангладай соқолли сингхлар,  
Қордай оқ либосли бенгаллар, ҳиндлар.  
Завқидан тебраниб нақ тўлқинли сой,  
Тингларди ҳаяжон оғушида масти.  
Қўшиқ-чи?

Гоҳ кураш,  
гоҳ қиз севгиси.

4

Гоҳ кўқдан нон кутиб кўр бўлган нигоҳ,  
Гоҳ гўдак кулгуси, гоҳ банан иси,  
Сурмали кўзларнинг нози бўлиб гоҳ,  
Гоҳ бўғиқ ҳақиқат дод, ҳайқириғи,  
Гоҳи юлдуз каби йироқ, ёрқин баҳт.

Қулликка санчилган ғазабнинг тифи,  
Гоҳ эрк тантанаси берган адолат —  
Осиё, Африка картаси бўлиб,  
Ҳаёт аламига, баҳтига тўлиб,  
Кириб келар эди дилдан дилларга.  
Еллар мисраларни диллардан юлиб —  
Миллион йўллар билан бутун элларга  
Кетарди гўё бир самимий сайёҳ,  
Ёлқин қанотида дўстлик ва меҳр.

Гўё шарқликларнинг бахтига гувоҳ,  
Фарбни чорлар эди даврага шеър.

Эй латиф, фусункор ҳинд оқшомлари,  
Не сеҳр бор эди зангор қўйнингда?  
Тингловчи ва шоир ҳаяжонлари  
Бу улкан қалб бўлиб тепар тўлқинда.

Янги куй, янги ўй олиб шоирлар,  
Дарага келарди, келарди ҳамон.  
Дилларни пайвандалар эди сатрлар  
Дўстлик, қардошликтининг кўпригисимон.

Ёру биродарнинг меҳрига сероб.  
Юракдай даврамиз борар кенгайиб,  
Жафокаш қонига солиб офтоб,  
Кўзида қалбнинг оқлиги ёниб —  
Африка фарзанди ўқийди шеър.  
Ирмоқдай қуйилар тинчлик сўзлари.  
Ором оғушига кирган бўлар ер,  
Ёрқинроқ чақнайди кўк юлдузлари.

Сен эрмак эмассан, сен нон, сен ором,  
Орзу покиза.  
Сен Ҳаёт! Ҳаётни куйла сен мудом,  
Эй, мушоира!

Сен чорла, овозинг эшитсин жаҳон!  
Шеърнинг уриб турган юраги бўлиб,  
Ҳаётнинг энг ажиб куйига тўлиб.

5

Даврамизга кирсин ишчи ва дехқон,  
Ҳаёт санъаткори энг оддий инсон.

Балки у шеър ёзиб, ўқимаган ҳам,  
Ижоднинг лаззатли дарди бегона.  
Кураши — қалбида қайнаган илҳом,  
Китоби — эркка ишқ, орзу ва роя.

Майли, ўрин олсин, бу шонли сафдан,  
Шоирлар куйига бўлсин ҳамовоз.  
Меҳнат-ла яраттан саодат, баҳтдан  
Нақл эттан мисралар кенг қилсин парвоз.

Ҳаёт гўзаллиги шеъриятининг  
Ёниқ нафасига тўлсин бу жаҳон.  
Хавфдан халос бўлган башариятнинг  
Қўшиғин тўқисин озод, тинч инсон.

Даврамиз меҳрга тўлиқ бир олам,  
Дўйстлар бари жам,  
Буюк мушоира этади давом,  
Келингиз, сиз ҳам!

1958



# *Қүёшли қалам*

## **ХАЁЛ ҚАНОТИДА**

### **1**

Йўл узоқ, йўл яқин, бошсиз, сўнгсиз йўл,  
Бири тор, бири кенг, равон ва сўқмоқ.  
Тинглаб кўр, қаричи минг эртакка мўл,  
Туғилмоқдай фарздир бирини ўтмоқ.

Йўл... Тупроқ чеҳрасин кесган соңсиз йўл,  
Йўл демак борлиғи издир беҳисоб.  
Йўлларсиз коинот — мисоли бир чўл,  
На кураш, на зафар, на ҳақ, на сароб.

Йўл демак, ўтилган бир умр демак,  
Ҳеч бири муқиммас тупроқ сингари.  
Лекин замон ўта борлиғи ҳикмат  
Биз-ла келаётган кимлар йўллари?

Ҳа, шундай йўллар бор тўлиқ изларга,  
Замонлар тўфони кўмишдан ожиз.  
У тирик! Жаҳонни очар бизларга,  
Эзгулик меҳроби қаршисида тиз —

Чўккандай киприк-ла суртиб ҳар чангин,  
Даҳолар олдида бош эгамиз лол.  
Тирик юрагига кирганинг сайин,  
Гўзалроқ, яқинроқ сенга истиқбол.

Биз ҳам йўлда... Қўёш, тупроқ васлидан  
Қизийди орқада, олдимизда йўл.

Гүзал бўлиб кетмиш тупроқ аслидан  
Уруғ сочиб ўтгач меҳнат номли қўл.

Йўл равон, пўлат из сингари текис,  
Икки ёғ навбаҳор буёғига мўл.  
Ортда қанча юкли, юксиз қолган из,  
Олдда борлиғи сир, босилажак йўл.

Нақадар фусункор кўрилажак кўрк!  
Дамлар ҳам одимлар қайноқ кундузга.  
Очиқ деразадан ел билан кўм-кўк  
Осмон отилади машинамизга.

## 2

Бизнинг машинамиз уфқ ва қуёш,  
Елу юракларга киришга шошар,  
Муazzам адига сафарда йўлдош  
Бахтидан қувончим аршидан ошар.

Сафар! Оз кездими адиг ҳаётда,  
Қишлоқлар, шаҳарлар, элларга сафар.  
Мудом шай сайёҳдай — хаёл-қанотда  
Тақдириларга сафар, дилларга сафар.

Юриб олов кафтда ёнган тупроқда  
Адиг дил иситар нурни қидирди.  
Олтин водий кезиб ҳоргач, булоқда  
Сув қолиб, гўзаллик, шодлик симириди.

Ҳар сафардан ортиб-тортиб келганин  
Фақат қаламига этди ҳадя,  
Ҳеч кимса билмади қалам билганин,  
Неча бор севилиб, ёнди хуфия.

Бир дамда неча бор чиқди сафарга,  
Неча эл-ла бирдан қилди у сухбат.  
Минг тоифа урди ўзин асарга,  
Гоҳ уруш, гоҳ яраш, гоҳ бўлиб ғурбат!

Фақат ўзи ззгу бу сирдан огоҳ,  
Ёзишга ўлтиргач қилгани сафар.

Гоҳ аниқ сўз излаб, ранг, жон излаб тоҳ,  
Сафар қила-қила ёзди у асар...

Ҳа, адид сафарда! Учар гиламдай,  
Машина елади равон изида.  
Далалар яшнайди боғи эрамдай,  
Табиатта шайдо адид кўзида.

Бу йирик кўзларнинг теран нигоҳи  
Терган бўёқларнинг жилваси не тус?  
Учқур хаёлларнинг олов қаноти  
Қай аср, қайси давр дамига тўқис,  
Уни фақат адид ўзи қилар ҳис.

Ҳамиша осойиш, салобат сиймо,  
Биламиз, жаҳонни қамрашга қодир.  
Ким билади, шу он — тез оқар дарё  
Каби не хил ва неча тақдир.

### 3

Завққа солиб ўтар нотинч фикридан,  
Асаби савалар не истак дарди?  
Йўл, фақат йўл тутар қалам зикридан,  
Йўл босилган сари — нари кетади.

Ўйлар билан дил ҳам отилажақдай,  
Адид ўлтиради кўксини қучиб.  
Уфқда мўъжиза очилажақдай,  
Машина елади қуш каби учиб.

Мотори гувиллар, гувиллар шамол,  
Кичик даврамизда буюк сукунат.  
Балки янги ҳислар қайнанидан лол  
Адид бол аридек қиласи мөхнат?

Фақат чуст дўпписи остидан тошган  
Кумуш ҳалқалардан оқиб тушар тер.  
Ва унга қўширги кўтариб шошган  
Каби икки ёндан чопиб келар ер.

Ер адиб сингари тинимсиз ишда,  
Бунда чексиз гўза, у ерда буғдой,  
Унда бое, бу ёқда жийда кумушда,  
Бедазор, полизда сабза бир чирой.

Ер барин кўксига қуёшга тутиб,  
Багишилаб ётиби ўзидан камол.  
Ишчи ер дилига қулоғин тутиб,  
Адиб гўё ундан олади мисол.

— Ойбек ишляяпти! — дейди, баҳтиёр  
Хотини адибга қилади имо.  
Тақдир адибига ҳамдам эттан ёр.  
Қаламдай вафодор, илҳомдай зебо.

Виждонидай тоза, ҳаётдай доно,  
Серташибиш умрнинг мунис ҳамдами.  
Лочиндай ўғиллар ва қизга она,  
Ҳорганда тили-ю ишчи қалами.

Эридай заҳматкаш, эридай танти,  
Фан ва шеър, гўзаллик ошиғи олим.  
Кимё илмининг юлдузларидан  
Бири бизнинг азиз Зарифа хоним.

4

Адиб сўзи етган ҳар бир овулда  
Ажабмас, топилса унинг шогирди.  
Иккиси гўзал байт қўш мисрасидай,  
Ишқда, ишда, баҳтда умр кечирди.

Ҳа, адиб ерсимон бетиним ишда,  
Ҳар босилган йўлдан илҳом теради.  
Яна қай куй, ният куртаги нишда,  
Кўзи бўстонми, ё ўтмиш дарди?

Ўтмиш ўз юкидан қадини букиб,  
Ҳамон ўлжа олар биздан дамларни.  
Битмас ғазнасига ғаввосдай чўкиб  
Адиб тинмай терди жавоҳирларни.

Бутун Бухородан қалбини излар,  
Излар минг йилларга кирган хаёлин,  
Ким билар, бу тупроқ нелардан сўзлар,  
Кимлар ечиб берар чигил саволин.

Гарчанд дарслигидаи таниш Бухоро,  
Титди мудроқ, уйғоқ кекса, ёш бобин,  
Зиндонида титраб, минорлар аро  
Кезди ва ахтарди дилга хитобин.

Ҳақу ҳақсизликнинг талашларидан  
Холдан кеттан нордай чўккан қасрлар,  
Кўз ёш тепчиб чиққан шўрхак тошлардан  
Ажгод заковати ўчмай асрлар —

Ўта мўлтирашиб боқар адигба,  
Боқар нураб кеттан арк кўжна давлат.  
Адиг қўл меҳнати, санъати — зебга  
Ҳарблар суюгидан қурилган савлат.

Шуҳрат қолдигига боқади такрор:  
Қор ёнар, ёқут, дур қон жилвасида  
Ҳар ғиштидан тирик боқади меъмор,  
Ҳокимлар-чи, замон оч тевасида —

Ўтмиш карвонининг йўлида унут.  
Саройлар тупроқ ранг уйқуда мударар.  
Адиг юрагига солиб янги ўт  
Қамчи буқолмаган тақдирлар сударар.

## 5

Аркка кўтарила... Қадамлар оғир,  
Оёққа ёпишган ботмон тош гўё.  
Ўтган икки минг йил замонда, ахир  
Қанча ҳоқон, кибор, қанча қул, гадо.

Донг солиб, дод солиб, учиб, судралиб  
Ўтмадими бу тим, бўум-бўш йўлақдан?  
Сийқаланган ғишталар манъум йилтираб  
Ҳароратинг ютар тортиб юрақдан...

Аркка күтариilar гусса каби жим  
Күхна деворлардан уфуради муз.  
Шодлигимиз ютиб қултум-бакултум  
Обхоналар боқар нақ ўйилган кўз.

Обхона, обхона, эй мудҳиш кунжак,  
Балки эзгулик-чун қурган эдилар?  
Узоқлардан келган мусофири жиндак  
Бўлса ҳам ташнасин босар, дедилар.

Бунда сув сақламоқ, ҳаёт сақламоқ  
Демак, боқийликни қилганлар ардоқ.  
Лекин амирликнинг тождори олчоқ  
Бутун эзгуликка солғандай сиртмоқ —

Сени асл бурчинг — ҳаётдан тортиб  
Олди-ю, айландинг қамоқхонага.  
Мангу тавқи лаънат юкини ортиб  
Кириб бўлармиди хур замоната?

Үйлар адид ёниб, кўзи қовжираб,  
Дарра зарбин сезар ўз кифтларида.  
Гўё Айний кўзи боқар жовдираб  
Қабиҳ обхонанинг зах шифтларидан.

Вужуди оғриқда, жони қийналиб,  
Жунжикиб қўлларин суқар қўлтиқقا.  
Йирик, доно кўзлар мунгга айланиб  
Тўкилмаган ёшга тўлади лиққа.

Шу кун қанча кезди, кўрмади қанча,  
Кўзидан кетмади Айний кўзлари.  
«Ҳеч ким бу зинданда ёнмади унча  
Ва ўқдай тешмади ҳеч ким сўзлари.

Ҳаёти, қалами, коми — жасорат,  
Қуллар юрагининг ошкор фарёди.  
Сўнгги исён қони, илк эрк, саодат  
Шодликка ҳамдам-ди улкан ҳаёти» —

Үйлайди. Сүнг сүңгсиз учрашув, баҳслар,  
Чукур хотиралар бари жонланиб,  
Гүё ғолиб Айний ёзиб, шодланиб,  
Сүник Арк устида этарди парвоз.  
Гүё дерди: «Мавзу ётар тахланиб,  
Ёзинг, Ойбек, қанча ёзсангиз ҳам оз!»

Оқшом ҳориб қайтди меҳмонхонага,  
Икки қиз ва йигит кутарди уни.  
Институт залин тирабанд тўлдирган,  
Суюкли куйчига илҳақ ўлтирган  
Сонсиз мухлислар-ла шеърхонлиқда  
Жаранглаб кечага шўнгиди куни.

## ЯРАТИШ ДАРДИ

Бирдан уфқлардан боғларга кириб,  
Йўлни кесиб чиқди осмон ранг дарё.  
Адид хаёлидан далани суриб,  
Ҳис тўлқини инди танига гўё.  
Ва у ўз кўксини қучди маҳкамроқ,  
Учмоқ истагандай қўзғалди хиёл,  
Йўқ! Борлиқ энтикар унга яқинроқ!  
Севинч-ла тамшанди. Ким билсин, хаёл —

Янги қаҳрамон-ла учраштиридими,  
Ё сув парисига қилди рўбару?  
Ё қуёш билан кўл ушлаштиридими,  
Ё тоглардан тушди олдига оҳу?

Кенг ягрин, мош-гурунч қўнгироқ сочда  
Сездим ёйилганин янги ҳаяжон.  
Адид рафиқаси бу янги мавжда  
Кўрди чоги унга таниш бир жаҳон:

Ойбек ишляяпти! — деди баҳтиёр  
Ва азиз сиймога қилди ишора.  
Қарайман: чиндан ҳам илҳом дарди ёр  
Вужуди ўз қалби сочган зиёда.

Мен ҳар қалимани термоқ бўламан,  
Салмоқли бўёқли, сиёқли бари.  
Камёб шоҳидликдан баҳтга тўламан,  
Онгда туғилишин янги асарнинг.

Водий кесиб чиқсан осмон ранг дарё  
Сомон йўли каби ястанди йўлда.  
Унда қўёш ёнар нақ гўзал рўё,  
Парча-парча олтин ҳар оч тўлқинда.

Яқинлашган сайин қамашади кўз,  
Яқинлашган сайин салқин олар тан.  
Яқинлашган сайин ҳар зарра-юлдуз  
Тўзонин кўтарар бу ойна сатҳдан.

— Зарафшон! — Онани, ё севгисини  
Нохос учрагандай адиг беҳад шод.  
Учқур машинанинг тортмай тизгинин  
Боладай сакрайди тоғдай улкан зот...

Зарафшон! Эй она тупроққа кўкрак,  
Шоҳу гадога тенг кўксини очган,  
Тупроқ тириклиги, инсон тўқлиги,  
Водий гўзаллиги бўлиб зар сочган.

Мен сени қўшиққа солмоғим маҳол,  
Умринг, кучинг, кўркинг, меҳрингни бу он.  
Ўзингдай абадий, гўзал, баркамол  
Куйлаган-ку сени Ҳамид Олимжон!

Ойбек соҳилингда турад чинордай  
Барча улканлигинг завқли нигоҳда.  
Бир сўнгсиз карвонга тизилган нордай,  
Толларинг таъзимда турар қирғонда.

Бу икки қаламининг санъатига лол,  
Ёзганларин қайта-қайта ўқирман.  
Қалбимни қийнаган, эркалаган ҳол,  
Айтмасам бўлмасин мен ҳам тўқирман!

Адиб истаги-ла түхтаймиз. Бирдан  
Ер, қуёш, сув, ҳаво бизни қучади,  
Дарё қўшиғидан, ел шивиридан  
Таңдан йўл ҳордиги тундай кўчади.

Шоир соҳилда тик.  
Кенг кўксин керар,  
Табиатдан яйраб ичади ҳаво,  
Хаёлин забт этар мунис сеҳргар  
Сувдан келаётган фусункор садо.

Шоир соҳилда тик. Дарё нур ичра,  
Баҳор тошмоқ бўлар қирғозларидан.  
Оқиндан тўлдириб қўшоқ ҳовучда  
Тўйиб сув шимирап бармоқларидан —

Тоғлиқдан тушгандай тўкилади сув,  
Ола чалпоқ нурда гавҳардай ёниб,  
Кенг пешана, юзга ёйилар кулгу,  
Гўё илҳом ичди ҳаётдан қониб.

Дарё ўз куйчисин тўлқин қўйнига  
Олиб кетмоқ бўлиб жўшқин оқади.  
Куйчи мафтун тураг сув ўйинига,  
Мағрур акси ундан бизга боқади.

«Ичинг! — дейди менга ўрнини бериб, —  
Ҳар дарё сувининг ўз баҳраси бор!»  
Ҳозир устоз турган соҳилда туриб,  
Гўё имтиҳондан ўтмоғим даркор.

«Ичинг! — дейди. Мен ҳам нам қирғоқ узра,  
Мехробга киргандай аста тушаман.  
Синчков нигоҳидан қимтиниб зўрга  
Қўш ҳовучда шаффоф баҳра ичаман.

«— Яхши, яхши!» — дейди такрор ва такрор,  
Гўё сув ичмадим, гўзал шеър битдим.  
Гўё ўзи каби эзгуликка ёр,  
Гўё шогирдликнинг мактабин ўтдим.

Шодман: Адиб билан бир сув, бир тупрок,  
Бир злга фарзандлик ортдилар фахрим,  
Шодман: кезиб, сезиб сероб ва чанқоқ  
Яратишнинг дарди, баҳтидир маҳрим.

Яна йўл! Орқада қолди Бухоро...  
Наҳот адид билан келмоқда шаҳар?  
Наҳот фикри қалъя, қасрлар аро,  
Низолар, курашлар маънисин чақар?

Ё мағлуб амирнинг олтин қалқони,  
Ўта олчоқ қалбин кўриб турибди?  
Занжир узган қўллар, қурбонлар қони,  
Нақ ўз томирида уриб турибди?..

Кўрдим, кураш, қирғин ва мушкул зафар,  
Мардин, шоҳидларин ахтариб топти,  
Қанча дўстлар уйда куттанды маҳтал,  
Унинг кўзларида оппоқ тонг отди.

Ҳикоя тинглади, музейлар кезди,  
Кирди минг-минг ҳаёт, тақдир йўлига.  
Шаҳар қалбин очиб:  
— Ўқиб ол, — деди,  
Берди ҳеч тушмаган қаламин қўлга.

У тинмай ишлади. Қари-қартангдан  
Толмади неча кун ҳикоя тинглаб.  
Ҳозир чиққан каби ўзи зўр жангдан,  
Юзда йиллар изи — терда бўлди ғарқ.

Нақ кўзим олдида ўша қиёфа:  
Ўкинч, изтиробли, заҳматкаш кўзлар  
Хит эди сўзлолмай, Нигоҳи ёна —  
Ёна менга аччиқ ҳақиқат сўзлар:

— Булар сўзлаб берган ҳар бир ҳикоя,  
Ўзи шундоққина олтиндай китоб.  
Бунда ҳар не тубсиз ва бениҳоя  
Жафо ҳам, даҳо ҳам, орзу, изтироб.

Ақлу заковати жақонни туттан,  
Абу Али Сино, Маҳмуд Торобий  
Ва қанча даҳолар шу ерда ўттан!  
Ҳали очилмаган тарихнинг боби —

Озми бунда? Ахир, нега ёзмаймиз,  
Халқига күтариб чиқмайди қалам?  
Ўтмиш карвонида сочиқ дуримиз.  
Териб, наҳот, дилдан бағишлаб малҳам —

Қайта порлатувчи истеъдодлар кам?  
Жуда кўп, Зухродай ёрқин истеъдод,  
Юртим насри, назми тоза кўкида.  
Ўтажак умрдан тиламай имдод  
Ёзиш керак ёниб ижод ўтида!

Кўрдим: фикрлашдан ёрилгудай бош,  
Унут папиросни улаб чекканин.  
Мовий тутун ичра мунис, кўмақдош  
Хотини дафтарга хатлар чекканин.

Ҳориб, чарчаб, сайрга чиқса Бухоро  
Оқ нурлар тўшади минг-минг чироғдан,  
Гумбазлар, минорлар, қалъалар гўё  
Афсонавий юртдай боқди йироқдан.

Олдида навқирон кучли йигитдай  
Шодлик тирсиллаган бугунги ҳаёт,  
Офтобга маҳдиё карвон булатдай  
Оппоқ юксак уйлар!  
Мисли оқ қанот.

Ёйилган ойнабанд улкан бинолар:  
Янги институт, янги фабрика,  
Янги меҳмонхона, янги кинолар,  
Янги тақдирлilar абадийликка  
Олиб кирган ҳусн, янги жилолар.

Янги баҳт, орзу-ла яшнаб, яшариб  
Яна шуҳрат сочар мағрур Бухоро.  
Янги авлод ўтмиш чангини артиб  
Ҳамон яширин ётган қатламлар аро.

Аждод даҳосини излашдан толмай,  
Суяб, тиклаб, севиб қилади ардоқ...  
Адиб боқар: кўқда юлдуз нақ олмос,  
Ерда — кундузлар ҳам сўнмовчи чироқ.

Ерда... яна қанча томир ёйилиб  
Инсон учун ишлаб уриб турибди.  
Ўзбек юрагининг оташин олиб,  
Ким ҳозир қайларга кириб турибди.

Ўлкамизнинг янги алломалари,  
Бухорода очган ўзбек газимиз,  
Бизга келган хурлик, толе йўллари  
Билан борар дўстта нақ дил сўзимиз...

Кеча ва бугунни бирдайин қучиб,  
Тонгта юрар уйғоқ Бухоро туни,  
Машиналар кўча-кўйларинг ювиб  
Кундузга келиндай узатар уни...

Йўл давом этади. Адиб юзида  
Куёш чеҳрасидан ажиб рўшнолик.  
Ортида ўлтириб йирик кўзида  
Илҳом чақмоғини мумкин кўрмоқлик.

Тарих жароҗати, ҳалқнинг офати  
Йиқиқ салтанатнинг фиштин иргитиб,  
Шаҳид, қурбонларнинг унут қоматин  
Суяб олиб, кутлуғ қонларин артиб,  
Бир роман ёзмоқчи!

Онгда ниш олиб,  
Биз-чун янги асар топмоқда камол.  
Дилга шунча довул, курашни олиб  
Филдай тинч ўлтириш эмасми малол?

Бутун умр шундай, ярим аср шу,  
Яратиш дардидан оддими ҳордиқ?  
Ҳакимлар қўриқлаб, унуди уйку:  
Лекин у тиник ўй, қаламга содиқ.

Шундай салобатда, шу саодатда.  
Шундай камолотда кечирди умр.  
Не ёзди: баҳтданми ё жаҳолатдан,  
Барини ёритди қалбидаги нур.

### НАВОИЙ ЮРАГИ УРИБ ТУРИБДИ

Чўли Малик кўксин кесиб тушган йўл,  
Рўёдан бир янги дунёга чорлар.  
Бугунги фикр, ижод, Меҳнат номли қўл  
Бўлиб нақ кафтида кўтармиш шаҳар.

Навоий шаҳри бу! Мудом ёш, нурли,  
Бемисол, бетахлит шеър даҳосидай  
Ўхашши йўқ бу кўрк эркалаб қўзни,  
Адиг асабини дўл шарросидай.

Савалади минг хил туйгулар, ҳислар,  
Босиб ўтди дунё хотира бирдан.  
Гўё Навоий ҳам одимин тезлаб  
Ҳузурига шошди мезбонлар билан.

Навоий байтма-байт ўтиб беш аср.  
Юрап казо-казо ишчилар аро.  
Ҳар уй дафтарида, ҳар куни минг бир  
Тилда номи такрор оддий фуқаро.

Бу нурли, бу яхлит янги қасрда  
Хоқон ҳам, вазир ҳам, фуқаро ҳам эл,  
Халқи ижод этган янги асрда  
Инсон тақдиридай гуллаб кетди ер.

Шаҳар ёқиб адиг кезди пиёда,  
Икки қўл орқада, одимлар тетик.  
Қуёш, шаббодага мўл ҳар бинода,  
Ёшлик ва баҳт ўзи уй хўжасидек  
Чорлайди шоирнинг серзавқ нигоҳин.

Дейди:

«Замон ёзмиш азим, шаън достон,  
Қадим санъатимиз ўчмас буёғи  
Янги камол, жилва касб этмиш чунон.

Хар биноси бир халқ келинчагидай,  
Бетакрор зеб билан дидинг этар хуш,  
Анов кўкнинг мўъжаз беланчагидай  
Шўх бино болалар боғчаси эмиш!»

Сўзлайди, кўради шоир вақти чор,  
Кенг йўлларга уҳа сонсиз ёш чинор.  
Шаҳар этагида дала, дара, тоғ,  
Оқ ўт билан ёнар чўққисида қор.

Адид атрофига бокару тўймас:  
Ўнгда яшилланиб ўсар ниҳол боғ,  
Чойхона, сувхона, гулхона — хуллас,  
Куёшдан қочганга мазгил ҳамма ёғ.

Кўсак шаклидаги биллур фаввора,  
Ёмирида ўйнар болалар гужрон.  
Қай гигант комбинат, қай фабрикада  
Не неъмат яралур худди бу замон.

Бориб қўролмади. Лекин қудратин,  
Савлатин, давлатин сезиб турибди.  
Қайтарканмиз дейди ўзича секин:  
«Навоий юраги уриб турибди...»

Санъатли, меҳрли, кучли одамлар  
Чўлдан юлиб қурмиш жаннатдай макон  
Ва яшар меҳнатда ва саодатда  
Муносиб ўз улут номига инсон...»

## ДАРӘДАЙ ҮЙФОҚ

Йүл!

Бу тиним билмас сайёх Қаршини,  
Толимаржон ГЭСин зарур күрмөри.  
Ахир буюк мардлик, меңнат-ла даштни  
Хаётта олмоқда шонлик авлоди...

Кездириб, күрсатиб, сүзлаб бердилар,  
«Чарчамасин» дея жонимиз ҳалак.  
Каналлар ўтказиб, шаҳар қурғанлар,  
Ҳар бири унга бир жаҳон очгандак.

Ҳайрат, ҳаяжонлар қалбини қучиб  
Тинглайди, кўзида илҳом ёниши.  
Қучгандай истиқбол режадан кўчиб,  
Тезлашар қон, онгда адид юмуши.

— Домла, эди бизда сизнинг ихтиёр! —  
Дейди мезбон. —

Иш бас, оласиз ором.  
Бир ерга борамиз!  
«Яна ҳойнаҳой  
Серҳашам хонада минг турли таом...»

Мезмон соҳибимиз сезгир, аллома,  
Даштни ўзлаштириш ишларига бош:  
— Ҳар ГЭСнинг тарихи ўзи жангнома,  
Қураётир қардош ҳалқлар елкадош.

Сиздай мавлонолар қаламга олиб,  
Бу куннинг нафасин қолдирса мерос,  
Тенгсиз бу мардликни қонларга солиб  
Ёшларда аждодга оширса ихлос.

Сергап бўлиб кетдим, узр! Марҳамат,  
Машинага чиқинг, узоқмас манзил...  
Ё раб,

Кенглик билан тиллашиш одат  
Булар «узоқмас»и қаерда ахир?

Обдан мўл йўл босиб қўш машинамиз,  
Икки қўнғиз каби қўнди дарага.  
Қафасдан чиққандай яйраб кетамиз,  
Гўзаллик ва ором сингиб танага.

Ўзбек тупроғининг бир кафт ям-яшил  
Бепоён кенглиги ипак тўлқинда.  
Денгизда сузувлчи бир қайиқ шакл  
Мазгил тайёrlашган мезбонлар бунда.

Оқ кигиз, серқавиқ гулдор кўрпача,  
Ёстиқда ёнбошлиб чўзиҳди меҳмон.  
Чарчоқ ажин бўлиб ўраган кўзда  
Бепоён, беғубор, безавол осмон.

— Гапиринг, гапиринг! — доно ҳамроҳга  
Юзланиб ҳикоя кутади меҳмон.  
— Домла, мен ҳам мафтун бу оромгоҳга,  
Нутқни директор ўртоққа бериб.

Сиз шарофат мен ҳам бўламан воқиф  
Машҳур совхозлари сир-асроридан!  
Директор ўртоққа бу ҳазил ёқиб  
Табассум-ла бизга боқади зимдан:

— Нутқ бўлса қочмас,  
таом мунтазир,  
Эрталабдан буён йўлда кўзимиз, —  
Синдириб офтобдай иссиқ нон, патир,  
Шопириб-шопириб қуяди қимиз.

Йўл-йўл дастурхонда яхна гўшт,  
асал,  
Қурт, ровоч, хилма-хил узум, бўғирсоқ...  
На йўл ҳордигидан, на дарддан асар,  
Ҳар неъматдан тотар шоир қўнгли чоғ.

Тинглаб, узоқларда қўйлар маърашин,  
Нордон ровоч чайнар юзи буришиб.  
Танлаб нақ қамчидай серсув баррасин  
Хотини ва мени қистайди, «Енг» деб:

— Олинг, енг, бундай зёр даво йўқ табда!  
— Қайси дардга даво? — сўрайман кулиб.  
Кутаман не жавоб бўлар адидан.  
— Қоласиз ўн саккиз ёшли қиз бўлиб.

— Агар ўн саккизга қайтсам, мабодо  
Шу Саксон дарада қолиб кетардим —  
Дедиму, қандайдир келгандаи садо  
Ўзим, нақ ўзимда уйғонди раддим.

Нима, кечирганим, кўрганим, севгим,  
Дардим ва баҳтидан кетаман нари?  
Ғўр, думбул фаслдан бошлайман йўлим,  
Яшайман бутунлай бошқа сингари?

Йўқ, устоз, қайтмайман ўн саккиз ёшга,  
Гарчанд шафақ яқин, шу ёшда қолай.  
Адид жимиб тўнар узоқ қуёшга,  
Қимиздан олган кайф заррача қолмай.

Ноқулай жимликни кўтарар мезбон:  
— Олинглар, мана бу «қора жанжал»дан.  
Шоир яна кайфга қайтсандай шу он  
Дейди:

— Ўзбек халқи шоир азалдан.

Узум — «қора жанжал», юрак — кабутар.  
Саҳро — Толлимаржон, қишлоғи — Водил.  
Ҳаётни хаёл-ла безаб нақ заргар  
Гўзаллик яратиб келар минг-минг йил.

Сиз бўлса шафақдан...  
Қўйинг бу гапни!  
Икки бармоқ билан олиб косани  
Бир варакайга оқ сипқарди қимиз  
Мен нозик қалбига соганим дардни.

Суғуриб олмоқча қолгандан ожиз,  
Дейман:  
— Оқ симоб ранг булатдай силжиб.

Биз томонга келар қўйлар галаси.  
Сой оқар банорас каби эшилиб,  
Унда лов-лов ёнар лола даласи!

Сурувни нигоҳ-ла меҳмон тусмоллар:  
— Қанча қўй совхозда? — Мезбонга боқар.  
Директор сўзлайди.

Рақамлар,

Сонлар,

Қудрат, тўкинлиқнинг наҳрида оқар:  
— Ўзбек қоракўли, биласиз, тилло,  
Жаҳон бозорининг бўрки аталур.

Шоир дейди:

— Ҳа, шу тилло соҳиби  
Бобо чўпон Ватан кўрки аталур.

У чўпонни чорланг, отамлашайлик:  
Келбатига қаранг, қудратли бургут,  
Қанча фидойилик ва хотамтойлик,  
Виқор, ишонч ва баҳт — худди она юрт.

Чўпон икки қўллаб кўришиб, шундок  
Адив қарисига одоб-ла чўқди.  
Суҳбат, қимизхўрлик,  
ширин хушчақчақ

Дамлар ҳамма дилни янгилаб ўтди.

Адив тинглар, сўрар, куларди хушбахт,  
Одам ҳам, тупроқ ҳам ўхшаб баҳшига,  
Унга шивирларди қўшиқ,

табиат

Багишларди тамом янги нашида.

Илҳом бўронида боқарди серзавқ;  
Атроф ўтаёттган кун шуъласида  
Бутун ўзга кўркка кирганди бу вақт:  
Мен тавсиридан ожиз латифалашган ранг.  
Кўкат нафасида бокира жаранг  
Бор эди дара-ю, ел нағмасида.

— Тўхтатинг, — дер менга, — дамлар суръатин,  
Сиз аёл, аёлга нелар тиз чўкмас?  
Ёраб, бу беҳиштдай жойлар суратин  
Үрол Тансиқбоев чизмаса бўлмас! —

Илҳом савалаган тани салқин оғушда,  
Илоҳий чиройдан борлиғида кайф:  
— Кўрмасам кирмасди ақалли тушга,  
Уйку ғафлатида ўтган умр хайф.

— Домла, ўзингизга қилдингиз тухмат.  
Қачон ухладингиз?  
Ўчириб чироқ.  
Бир дам мизғиб олиш наҳотки ғафлат?  
Дейди:  
— Яшаш керак дарёдай уйроқ.

Саксон дара!  
Яна саксон йил севиб,  
Кезсам, билсам она ерни нақ деҳқон,  
Кексалик ва дардни бир ёққа қўйиб,  
Тўйиб-тўйиб ёзсан қолмасди армон...

Завқданми, афсусдан лаблари қуриб  
Ичар кўклам бўйи анқиган қимиз,  
Мезбонлар сийлашар минг таом қўйиб,  
Ҳикоя тинглаймиз, шеър ўқиймиз биз.

Наздимда ҳамманинг танида баҳор,  
Фақат инсонларга мушарраф ҳузур.  
Адиб чехрасида мавж уриб наҳор  
Кўзғалади бирдан, сўрайди уэр:

Зиёфат-чун раҳмат!  
Бу баҳри кабир,  
Яшил тўлқинида сузиб қолайлик.  
Унда эшак йўртиб борар бир кампир,  
Бир нафас тўхтатиб гапга солайлик.

Булар бари билгич! —  
Дейди-да илдам,

Бош яланг, түш яланг тушади йўлга,  
Сув кечётгандай ташлайди қадам  
Шоир ўз қалбига, қўр берар дилга.

Ортидан борамиз, қомати филдай,  
Кўринар кенглиқда яна улғайиб,  
Кампирнинг ёнига бориб, ўғилдай,  
Суҳбат бошлаганди қуюқ сўрашиб.

Кампир тетик, қотма, чайир жуссаси  
Қизил мурсагини илиб турғандай.  
Ёнида тўлмаган баҳор ғунчаси  
Қизча — Ҳурилиқо сеҳрланғандай.

Кўзин узмай турар шоир юзидан,  
«Ким эди бу яқин таниш, бузруквор?»  
Фикрин қийнаганин уқиб кўзидан,  
— Бу Ойбек домла-ку! — дейман сервиқор.

Кўзи офтоб чўккан чуқур чашмадай  
Тиниқ учқун билан ёниб кетади.  
Дўлти лабда кулгу соғ карашмадай  
Энтикиб шодлигин баён этади:

«Кутлуғ қон»,  
«Навоий...  
«Қизлар» достони...  
Хаммасини ёзган домлами чиндан?  
Нигоҳ-ла эркалаб Ҳурилиқони,  
Адиб ўй суради ё ёзар зимдан.

Ҳурилиқо юзи, кулгичларида  
Учқун сочажақдай қайнайди севинч,  
Тим қора, қирқ кокил уч-учларида  
Ача тақиб қўйган кўзмунчоқлар зич.

«Ёмон кўздан асраб» бодраб туришар...  
Ойбек домла завқдан кулади қотиб.  
Қиз нақ ёзилажак қўшиққа ўхшар,  
Келажакка кирап ой тонги отиб.

Улрайиб уфққа оқади офтоб,  
Қайноқ пешонани ялар салқин ер,  
Нигоҳ етганича дара-ку атроф  
Яқинга ўхшамас булар борар ер.

Узр, — деди шоир — биз йўлдан қўйдик,  
Хечқиси йўқ, болам.

Ҳозир қирқим пайт.  
Биз ҳам уй ичи-ла қирқимда эдик.  
Жўнадик, қиласай деб бир қошиқ овқат.

Юринглар, бизга ҳам бўлинглар меҳмон.  
Чўпонча куртова қилиб берамиз. —  
Қизча ҳам илтижо қилади чунон.  
— Раҳмат! Ҳурилиқо, атай келамиз.  
Раҳмат!

Она, энди сиз ишни қўйиб,  
Жужукларга сўзлаб ўлтиринг эртак!  
Кампир кулар тишсиз оғзини юмиб,  
Кўзлари милтиллар сўнувчи чўғдак...

Мана, кетиб борар қамти ёнма-ён,  
Кеча ва эртадай ача, эвара.  
«Кўрсам қандай экан қиз яшар замон,  
Бизнинг кураш, меҳнат берур самара...»

## ОЙБЕК ИШЛАЯПТИ

Афсус, Шахрисабзга етолмади у,  
Пачкамар ҳавзаси кўрмоқ эди фарз.  
На илож?

Эрта май.

Азим пойтахтда  
Тепчиган шодликни кўрмаса бўлмас.

Билар, катта қутли уйи тўрида  
Байрам дастурхони очилмас усиз,  
Ойбек суололасин уч бўғинида  
Шодлик бошланмайди уни тавоғсиз.

Сүнг ишга... нақ дархол тұхтосиз ишга,  
Қалбни ағдар-тұнтар қылди шодлик, дард.  
Мияни пармалар, сиғмайды ичта,  
Айтмоғи,

битмоғи,

үйламоғи шарт.

Дүстлар-ла хўлашағы, кўксидаги кўли.

— Раҳмат, раҳмат! — дейди. —

Хайр, боринглар!..

Азим Тошкентига чорлайди йўли.  
Унга дўстлар тилар хайрли сафар.

Икки қўл орқада, одимлар вазмин,  
Хиёл букчайганда кўринди қадди.  
Балки ёзилажак насрми, назм  
Энг азиз юк бўлиб босиб турғанди?

Адиб учди жуфтин қанотга олиб,  
Қучди оғушига соғ осмон қуёш...  
Мен бирдан жунжиқдим ҳувиллаб қолиб,  
Кўзгамас, ҳалқумга қалқиб келди ёш.  
Ёш!

Нега қалқди?

Нени сезди дил?

Қай машъумлик ялаб ўтди шодлигим?  
Нега баҳор тўла қалбим кетди зил.  
Кўрдимми олдинда йўлин озлигин?

На чарчаши билди.

На дарддан зорни,  
Шунча йўлни ўтди завқда, меҳнатда  
Бутун эрта учун бағишилаб жонни,  
Яна солиб дилга неча замонни,  
Юқ, иш ортди, кирап ҳар бир муддатта.

Йўқ, йўқ, умрин ярми олдинда ҳали,  
Арслон келбатида қудрат ва илҳом.  
Дилдираган жонда қанча асари  
Етилмоқда — бизга қиласи инъом.

Дарду кексаликни бир ёқقا қўйиб,  
Тўйиб-тўйиб меҳнат қилмоқчи ҳали,  
Ҳамма кечинмани қайтадан туйиб.  
Қаламга шивирлаб бермоқчи ҳали.

Ахир тинмай кезиб, севиб улгурди...  
Афсус!.. Улгурмади қофозга тўкиб.  
Тўкилмоқча тайёр юрагин дури  
Наҳот қолаверди тубига чўкиб?

Йиқилди яна бир чўнг улкан чинор,  
Адаб, маърифатнинг ёрқин қасрида.  
Ҳали Faфур Fuлом, Шайхзода, Қаҳҳор  
Доғида дилимиз йиғлашда-ку зор.  
Наҳот етим қолдик яна ўлим қасрида?

Ажал ҳасад каби болтасин урди,  
Ҳаёт, хаёл қурган йўлини тўсиб,  
Ношуд заиф бизлар термилиб турдик,  
Кўзимизда машъал бораркан сўниб.

Тибнинг казо-казо кекса-ю ёши,  
Жонига жонларин қилдилар пайванд,  
Ўлим-ўлим экан, бераҳм тоши  
Энг айёр жаллоддай унсиз берди панд.

У ҳатто ажал-ла қилмади талаш,  
Аршидан қулади учқур илҳоми,  
Гарчанд ҳаққи эди яшаш ва яшаш,  
Гарчанд қалбда тифиз умиди, коми.

Ҳеч қачон, ҳеч нарса талашмади у.  
Ҳаёт неъматидан беҳад бахтиёр,  
Қалб ундан йўлдан адашмади у,  
Бир дилни ранжитиб бермади озор.

Беозор йиқилди, кирди сукутга,  
Мия, юрак, қонда абадий уйқу.  
Қандай сиғди экан совуқ тобутга  
Шунча теран, қайноқ хаёл ва туйфу?

Ётибди, яшариб, яна улгайиб,  
Беҳад азиз неча соатли меҳмон.  
Эвоҳ! Қалбдан узиб, куийб, ўртаниб  
Нечун топширилар тупроққа инсон?

Ўлим вужудига солган музлардан  
Кулгандай ҳаётта демай алвидо,  
Катта меҳнатдан сўнг бир дам мизғиган  
Сингари безавол тинч эди сиймо.

Ёзилажак роман, айтилажак сўз  
Жаранглаб боқарди доно манглайдан.  
Фикр тигизлиқдан таранглаштан юз  
Сўзловчи сукутни олди қайларда?..

Гўё давом этар, йўлда серпарвоз,  
Ёрқинроқ порлайди тасвиirlарда ранг.  
Гўё ҳамма ёқдан беради овоз  
Ҳар китоб, ҳар мисра, ҳар сўз бир жаранг.

Давом этар йўлда адид ҳаёти.  
Йўл... йўл мўл, дарёдан кеттан ирмоқдай  
Ўғилларда, қизда пўлат қаноти,  
«Бобожон»и дилин тутиб маёқдай  
Неваралар бошлар шу йўлдан йўлни.

Буюк бу уйқуни этаркан ардоқ,  
«Ойбек ишляяпти!» дейди насллар...  
Ўз кўркини кўриб тасвиirlарида  
«Ойбек ишляяпти!» дейди асрлар...

1970



# *Шағнини үзи Она бұлған ҳамиша*

*Бир олимимизнинг маърузаларини тинглаб*

Мен Сизга, ўқувчим,  
На айтиб,  
    На-да күрсатиб  
Улгура олмадим Юртимни.  
Асрлар гардини қалбим-ла сидириб  
Узриму,

    Ўзлигим, кўркимни,  
Қадимнинг чақнатиб ўтини  
Бу куннинг нурига тутмадим.  
Бу умр абадий, дердиму  
Қонимга пайвандлаб,  
Яшаш боқий мулким, дея шошмадим,  
Ёшликнинг журъати жўшқинин,  
Абадий дедиму тошмадим...

Мана, ёш охирлаб кетаркан,  
Неча не манзилга ён бериб ўтаркан,  
Улгурмас бурчларим қийнайди,  
Қолдиги қалб чўғим етаркан,  
Ёзмасам армоним битмайди.

Одамзот... яралиш...  
Коинот битта-ю,  
Ер узра  
    тузумлар,

    такдирлар бир эмас.  
Тафаккур қудуғин қазимоқ  
Энг жозиб нияту  
Табиат ва тарих  
Ўзини ёзишдан,  
    камолатдан тинмас!  
Ўқувчим!  
Насллар, асли-ла фурурли бекадай

Мен сизни етаклаб юрмадим уйма-уй,  
Қай замон, қай дилдан гавҳардай  
Тўкилиб яшаган латиф куй?

Гоҳ, шодлик,

Гоҳ алам

Торларин чертганда эл қалбин,  
Қаламни танимай қўшиқ,

Ё зртақдан яралган бир бўстон;

Наслимиз,

удуму

қадрни эслатиб,

Курашиб ва енгиб яшаща бу достон!

Ўқувчим!

Сизни мен зртақда,

Ё тушда бўлгандай

Илм-Урфон конига етаклаб кетайин,  
Тафаккур,

зежним-ла фикр этиб,

Қадамим еттанча

Ҳар бири бир ганжа қатламга элтайин...

Ҳали мен Сиз билан бормадим

Афросиёбга,

Боболар даҳосин қилиб намойиш,

Минг ўлим,

Минг зулм,

Минг тиғли қиличдан

Омон олиб чиққан халқим жавҳарин

Меҳр, ифтихор-ла бериб оройиш

Сизга ярақлатиб кўрсатолмадим...

Бу тупроқ уйимиз,

Бу дарё нонимиз,

Бу офтоб жонимиз,

Ва лекин бу қаср,

Бу сарой фахримиз!

Лекин Самарқандни ер юзин Сайқали

этолган

Меъморга қилмадик сиз билан биз таъзим!

Нетай, тарих узок,  
Қатлари күпрок,  
Аждодлар қалбига кира олмадим...  
Асрлар чанглари ён бериб ўттан  
Ноёб дил дурларин  
Тера олмадим.

Кира олмадим...  
Қачон шоирлар халқнинг  
Закий қалбин тўкис этолмиш изҳор!..  
Фуруримга шоҳид;  
Жаҳон назарин  
Қамаштирган Хива,  
Бухоролар бор!  
Дуч келса адоват — янчиб беаёв!  
Заковат, адолат  
Иймон, диёнат  
Қудратин ўзига муқаддас ялов —  
Билган Соҳибқирон Темур.  
Саркардалар бор!

Жилд-жилд жавоҳирин диллардан тўкиб,  
Ўтиб кеттаниларнинг  
Руҳига таъзим!  
Аммо, шу чоғ жону жаҳдимда чўжиб,  
Бир хижолат ётар инжитиб бағрим:  
Хижолатни ювар фақат адолат!  
« — Айтсам тилим куяр,  
Айтмасам дилим» —  
Бу сўз — на ўч,  
на гийбат!  
Йитмас ҳақиқат!  
Сенга айтай ирфон сарвари Элим!  
Биз қул бўлмаганмиз,  
Муҳтарам олим!  
Таҳқирларга кўмманг тарихимизни!  
Узр,  
буғун дард-ла тинглаб ҳар сўзингизни  
Сафроққа айланди томиримда қон.  
Йиллар қат, қаърига фикрингиз қаданг,  
Топасиз ўтларда ёнмагич достон!

Шукур,

Шарқ шеърияти хазонсиз чаман,  
Турфа гуллар яшнар атри гуркираб,  
Назм бисотини дил-ла очаман,  
Ардоғу ҳайратдан бармоқдар титраб.  
Үқийман, дийдамда севинч ёшларим,  
Тубсиз хазинага кетаман шўнгигиб,  
Ва пок гўзаллиқдан қолиб ҳайратда  
Мен ўтган йилларим ҳечдай кўриниб,  
Виждоним сезаман дардли роҳатда!

Сиз дейсиз:

«Биз қуллар бўлганмиз,  
Кул авлодимиз,  
Ҳайвоңдек сотганлар,  
Олганлар молдек!»  
Бир нафас сайр этинг ўтмишга, олим!  
О, юртдош,  
Ёппаси қул,  
Мутеъ бўлсан,  
Тах-так китобларни ёзиб кетган ким?  
Илм қаъбасига эътиқод билан,  
Икир-чикирлардан кирайлик холис:  
Фикр-тафаккурнинг тиғини чархлаб  
Орқангиздан борай қадимга олис!

Ҳазрат Навоийдан сўранг сиз узр,  
Дилингизни поклаб боғига киринг.  
Даҳо, бир бўтам, деб қилса иноят  
Бошингизни эгиб имдода туринг!

Бобурнинг закоси Шарқдан йўл олиб  
Фарблилар қалбини иситмадими?  
Улугбек юлдузга сўнмас ўт солиб,  
Жаҳоннинг ҳайратин забт этмадими?

Буларни биласиз,  
Фурур тан олса,  
Ҳали ўй, қалбингиз етмаган жой кўп!  
Бухоро,  
Самарқанд ақлингиз олса,  
Хофизга қолмайсиз бунча лол бўлиб!

Мен унга қилмайман зарра бўлсин ғаш,  
Зеро, шаҳарларим кўчмагич қаср,  
Шерознинг дилпараст,

Туркнинг париваш  
Қизларини юртим мафтуни сеҳр —  
Этиб олганидан халқимиз гўзал!

Кўёшимиз таҳқир дорин кўйдирган,  
Кулликмас,

Заковат эш бўлиб азал,  
Санъати ўлмасга ҳайкал қўйдирган!

Сизни Зебунисо дардидаң воқиф,  
Нодирабегимга этай ошно!  
Сиз номи шеър,

Шеъри қалбидаң оқиб  
Чиккан пок диллардан ўқинг чин вафо!  
Ўзбек — ўзига бек!

деган унвонни  
Яраттанинг ўзи қилган-ку ато!  
Шаккоклик бўлмасми, бу суюк номни  
Қуллар деб таҳқирлаш!

Хатодур, хато!  
Бошга тож,

дийдалар узра нур билиб,  
Дилда ардоғлаймиз меҳр-ғурурни,  
Тарих шоҳид:  
Неча замон,

асрлар,  
Не кўзлардан асраб

Қолдик сурурни...  
Сиз «авом»,

«мутеъ»,  
«қул» деган сўзларнинг  
Илдизига уринг виждандан теша.  
Билинг:

Комил,  
Фозил  
Башар юлдузларига  
Шарқнинг ўзи ОНА бўлган ҳамиша!

# *Хотиғам синиқлари*

Хұррият, келдингми — наҳотки келдинг,  
Пинҳона соғиңдим, пинҳона күтдим.  
Ёмғирга бағрини туттан саҳродек —  
Сенинг насимингта қалбимни тутдим.

Мана, қалб — баҳту дард тұла деңгизим,  
Мавжлари шұхратим, ҳижрон, ўқинчим.  
Құрқұв қалхатлари тегиб синдирган —  
Ёдим синиқлари остда — чүкінди.

Ёдим синиқлари, қалқ, овоз берай,  
Қалқди, юрагим, чида, бер бардош.  
Қарагин титроқда — ҳаммаси жонли,  
Қара, ҳаммасининг юзи қонталаш...

Бу онам — тангрининг баҳтли оница  
Айри ихлос билан яраттани чин.  
Қароғида меҳр шағыллари ёниқ —  
Гуллаган ўриқдай ораста отин.

Кун тойиб, шуғылалар күчгач уфқа,  
Сайроқи құшларнинг тинганда базми,  
Онам дилимизни чорлаб құшиққа,  
Ним-ним сочар зәді мұмтозлар назмин.

Сұғи Оллоёрми, девона Машраб  
Баёзларин ўпид құлға оларди.  
Юмушми, ўйинми — барини ташлаб,  
Сеҳрли оламга кириб борардик.

Рангу оқанғларни жонга қуйғанда,  
Шуғылага тұларди бутун коинот.  
Үзимни сеҳрға асир туйғанда,  
Юракда ёзарди құшиқ үт қанот.

Яңғамга эш бўлиб тиқдим палагим,  
Қоғоздан сир туттан сатримни тепчиб,

Гулларди палақда ширин тилагим —  
Кўзимдан ёшликнинг нурларин ичиб.

Ховлимиз зийнати жамбил, райҳондай,  
Отам таъбирича эдим бойчечак.  
Ҳали биз сезмаган қора қиши аро  
Наҳот, жонланмокда ишқ отлиғ чечак...

Ва ҳадемай сездик бу қаҳрамонни,  
Тигдай тилларида ялай бошлади.  
Қадами еттанда ҳар хонадоннинг —  
Кувончи бужмайиб, сўлий бошлади...

... Ака, кўзингизда оташ бор эди,  
Ака, жонингизда қуёш бор эди,  
Султонликка лойиқ келбат, лаёқат,  
Сардорники янглиғ бардош бор эди.

Сизни-да қора тун олдилармикин,  
Қўлингизга киshan солдилармикин,  
Юкиниш, ялинчмас — ғуурни кўриб,  
Ваҳший ғазабларда ёндилармикин?!

Ака, жоним акам — жондошим акам,  
Олтмиш йил изимга қайтиб йиглайнин,  
Бўғзимда тош бўлган йўқловларимни  
«Оҳ»ларим эритар — айтиб йиглайнин.

Сингилни «мехрдан бино» дейдилар,  
Кўз ёшга етдими меҳримнинг кучи!  
Гуноҳсиз, жонимнинг қотилларига  
Ўқ қилиб отдимми нафратим, ўчим?

... Бунча чидам қайдан — пўлат, оловдан,  
Метиндан яралган жонмиди отам...  
Оташ оғушидан топиб бизга нон,  
Фамга ҳам чидамли бўларкан одам.

Онам қўлларида муштдай тугунчак,  
Тош шаҳарни кезар авахта излаб,

Авакта нечадир, зор она неча,  
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб.

Кекса кўзларида мўлдир ва мўлдир  
Қотган кўз ёшларга боқардим ҳайрон.  
Бу сокин жуссани кемирар не сир,  
Не боис муттасил диллари вайрон...

Куни бўйи кезиб, букчайиб, толиб,  
Кекса бағрин ерга бериб ётарди.  
Биз ночор бир-бирига эзилиб боқиб,  
Сукут денгизига оғир ботардик.

Онам, «сув бошидан лойқа» дердингиз,  
Билмасдик бу гапда ҳақиқат зухур,  
Мұхташам бинода сирли, яширин  
Асл йигитларга қазиларди гўр.

Қолганда азоблар исканжасида,  
Ота, бир кўрмадик кўзингизда ёш.  
Яшаб умидларнинг пок саждасида,  
Ҳатто ёвингизга отмадингиз тош.

Ва фақат дедингиз: «Солдим худога»,  
Бу қирғин дояси худосизлар-ку.  
... Сабр, қаноатдан яралган элим,  
Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ излар-ку!

Норгул ўғилларинг қирилди қушдай  
Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида.  
Сен эса яшардинг мисоли тушда  
Туртиниб ғофиллик туманларида.

Менми? Мен шу қадар ёш эдим ҳали.  
Ёшлик — ғам — бегона бири-бирига.  
Қутулмоққа андуҳ, ботқоқларида  
Осилем мұҳаббат шодликларига.

Менми? Мен ишқ отлиғ бир жағон аро  
Шеър тинглаб, шеър тизиб — шеърларда  
қолдим...

Беҳишистий жаранглар — жонимга оро —  
Ўзимнинг баҳтимда ўзим йўқолдим.

Баҳт қасримга кириб мени топди дард,  
Уруш, ёзда ёқдан қор каби ўлим.  
Ўттизга етмаёқ сочим қор ялаб,  
Кўз ёшим сойига тўкилди гулим.

Онам, доноликда ягона онам,  
Исён кўтаришдан бермабсиз сабоқ,  
Устимга кетма-кет тоғ қулаган дам  
Қолдим яшин урган полопон сиёқ.

Бўлди, бас! Жангдан сўнг ҳорғин саркарда  
Тирик аскарларин тизгандай қатор —  
Мен тирик ҳисларим бир жойга йифдим  
Ва кучли яшашга айладим қарор.

Юртни бўрон бўлиб кездим бош-оёқ,  
Қабристонлар аро қуюндан юрдим,  
Энг кичик гиёҳ ҳам наздимда уйғоқ,  
Фақат эл-элатни сукутда кўрдим.

Тушларимда топиб акам жасадин,  
Отамнинг ёнига қазитдим қабр.  
Ўзим ёнганимда рухлар ёнди деб  
Хокига сув сепиб, тиладим сабр.

Тақдир, тақдир дедим, яшадим узок,  
Тақдир пешонага ёзиқ дейишди.  
Ёзиқни деворга урдим-у бироқ  
Мен синдим, қонимдан гиштлари пиши.

Алам. Ёмон алам кўзинг кўр бўлса,  
Лекин сўқир диллик ундан-да даҳшат.  
Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга  
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат.

«Янги ҳаёт» дебмиз ўша кунларни,  
Беталаб, бенолишиш яшабмиз кўп йил.

Бир ўйлаб кўрмабмиз бу юрт ҳокимин  
Лаби кулиб, нечун ранг-рўйи заҳил?!

Тожи йўқ подшодай сездими ўзин,  
Шуъла ёйилмади букик дилида?  
Қўлида зарра йўқ ихтиёр, изн,  
Биддими йитарди гуур ғурида?!

«Ватанпарвар» дебмиз ўз-ўзимизни,  
Денгизлар қурибди, чирибди балиқ,  
«Инсонсан, бошингни кўтар», демабди,  
Кўнглинг қолганмиди бизлардан, холиқ?

Ўзинг бергандинг-ку, поклик, ҳалоллик,  
Иймону ишончлар — бутун, беиллат,  
Қилолмас эди-ку шайтон даллоллик,  
Илму ҳикматларга ёр эди миллат.

... Эй гумбазигардун, қолдимми ғофил,  
Ишонч, эътиқодлар чиқди пучларга?!  
Суяниб нажотлар куттандик, наҳот,  
Бизга чоҳ қазиган қора кучларга?!

Ким билсин, савоб деб уринишлар ҳам,  
Замона созига ўйинми бари.  
Дейдилар: яраттан энг улуг ҳакам,  
Ҳеч қачон адашмас тарозулари.

Қай бири вазминроқ савобми — гуноҳ,  
Яшадим-ку риё, ҳаромдан нари.  
Куйганман. Бош-оёқ куюқ жисмимнинг —  
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари...

Бу дунёда кўрган азоб, кўз ёшлар  
Савоб посангисин хиёл босарми?  
Гумроҳлик палласин тўлдирса тошлиар,  
Энг баланд дорига мени осарми?

Ёшим кетиб-кетиб, тордай тарангман,  
Капалак шарпаси тегса, узилур

Чидай-чидай юпқа торттан парангман,  
Чүян бўлса ҳам дил — қулфи бузилур.

Лекин яшаяпман, отам ва онам  
Чайир арқоқлардан тўқишиган чори.  
Айтилмаган алам, ёзилмаган шеър,  
Олинмаган қасос — юрак титроғим.

Бошим — портловчи дуд тўлдирилган хум,  
Портлашин кутардим сония сари.  
Сабрлар тўкилди нақ қафтдаги қум —  
Юзим руҳларида қонли излари...

Билмайман, савобми ё кони гуноҳ,  
Зинҳор шаккокликка йўйманг тилагим.  
Жасадим дарёга ташланг, руҳим пок,  
Оби раҳматларда совусин таним...

... Яллиғланиб ётар кекса хотира  
Ичида шу дардлар, тифли синиклар...  
... Ҳолбуки, нур ичра дала-ю дарам,  
Ҳолбуки, боғимда булбул чаҳ-чаҳлар...

Ҳуррият, келдингми, наҳотки келдинг!  
Келар йўлларингда пинҳона толдим.  
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,  
Элим тақдерида абадий қолдинг...

Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб,  
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.  
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,  
Мен оғир булатдек бир ёғиб олдим...

Ҳуррият, келдинг-ей, ал-омон келдинг,  
Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар.  
Вақт етса шу ҳалқда қолар дафтарим,  
Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим...

Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар...

## **МУНДАРИЖА**

<i>Халқымга айтар сүзларим...</i>	5
-----------------------------------	---

### ***Бахтиёр севгини күйларди созим***

Мұҳаббат тонги кулганды . . . . .	8
Сенинг мағтунинг . . . . .	9
Сой кечаси . . . . .	10
Фарзанд . . . . .	10
Олтін куз . . . . .	12
Тун . . . . .	13
Дейдиларки, сени күрганды . . . . .	14
Кечир, қолдым ғафлатда... . . . . .	14
Биз тонгни севган-чун . . . . .	15

### ***Хижрон күнларида***

Бахтиёр севгини күйларди созим... . . . . .	18
Юлдуз . . . . .	18
Бағор кеди сени сүроқлаб... . . . . .	18
Не балога этдинг мубтало . . . . .	21
Күрганмидинг күзларимда ёш? . . . . .	21
Сен қайдасан, юрагим . . . . .	22
Хаёт жилоси . . . . .	23
Үрик гуллаганда . . . . .	24
Софинганда . . . . .	25
Бу ҳаётнинг ҳамма тоза, чиройли дами... . . . . .	26
Хайкал . . . . .	26
Сенсиз . . . . .	28
Келин түші . . . . .	29
Лола . . . . .	30
Иzlайман... . . . . .	31
Үриклар гуллар... . . . . .	32
Тұртликлар... . . . . .	34

## *Сени күйлайман, ҳаёт*

Тингла, булбул . . . . .	36
Үрлим, сира бўлмайди уруш . . . . .	36
Саҳар мен билан... . . . .	38
Нақадар ер жамоли ажиб... . . . .	39
Сени күйлайман, ҳаёт! . . . . .	40
Қоғоздан ёқилган гулханлар... . . . .	41
Офтоб, сен борлиғим! . . . . .	41

## *Йиллар ва ўйлар*

Рашк . . . . .	44
Ўқувчимга . . . . .	45
Тинмай оғрийди бошим . . . . .	46
Мен чизолмаган сурат . . . . .	46
Кимни кутасан . . . . .	47
Океанда . . . . .	48
Қатра . . . . .	49
Қозогистон ўланлари . . . . .	51
Кўкчатор . . . . .	51
Булат ўйини . . . . .	53
Уқпар жигали . . . . .	54
Балхаш оқшоми . . . . .	56
Йўлда . . . . .	57
Дараҳт . . . . .	58
Умр ўтмақда... . . . . .	58
Боғбон . . . . .	59
Ўйлар... . . . . .	60
Эмиш... . . . . .	61
Ўзимга . . . . .	62
Ўғирламанг қаламим бир кун . . . . .	64
Учиб кетди полопон қуши... . . . . .	65
Сориниб . . . . .	65
«Тўрга ташриф!..» . . . . .	66
Гоҳ-гоҳ бир дақиқа тарқ этмас хаёл... . . . . .	67
Орзуга айб йўқ... . . . . .	67
Суқ . . . . .	68
Шалола . . . . .	68
Ўтли томчи . . . . .	69
Марсия . . . . .	70
Қалбим қолган эди бу ерда . . . . .	71

Харорат . . . . .	72
Менинг меҳрибон онагинам . . . . .	74
Менинг тонгим . . . . .	77
Шафак . . . . .	78
Яна бутун баҳорга зорман... . . . . .	79
Мен турилган кун . . . . .	80
Күёш узиб бер . . . . .	82
Аэзиз түйгулар: . . . . .	84
Баҳор . . . . .	84
Невара . . . . .	84
Мажнунтол . . . . .	85
Наздимда . . . . .	86
Боғлар қийғос гулда . . . . .	86
Орзу . . . . .	87
Бағрингдан қўйма... . . . . .	88
Камалак . . . . .	88
Орада саҳифа қолибди бўм-бўш . . . . .	91
Бўрон қучогида . . . . .	93
Мен ўттан умрга... . . . . .	94
Келажак... . . . . .	95
Меҳмонлар келди . . . . .	97
Пушкинга . . . . .	98
Экрандаги юрак . . . . .	100
Юлдузлар алласи . . . . .	101
Мен бўлмасам . . . . .	102
Тун тўла қўшиқقا . . . . .	103
Болакай . . . . .	105
Дўстларим... . . . . .	106
Оташпарастлар . . . . .	106
Қўшиқ . . . . .	108
Янги ерлар... . . . . .	110
Билгим келади... . . . . .	111
Умрим карвони . . . . .	113
На гўзал дамлар бу! . . . . .	114
Ёмир . . . . .	115
Кечир, ёшлиқ... . . . . .	116
Уни қўзғатдилар... . . . . .	117
Онам, сенинг иссиқ азиз жонингни... . . . . .	119
Тухфа . . . . .	119
Ўн саккиз ёшлиқ... . . . . .	120
Мен ўзимни ёмон кўраман... . . . . .	121
Ҳаётдан шоира, ҳайҳот, юмди қўз... . . . . .	122
Гулзор . . . . .	123
Кўнгил... . . . . .	124

Бахтим бор...	124
Менга хасис келди табиат . . . . .	125
Тонгда сүз кудугин тубига чўкиб...	125
Шоир уйида . . . . .	127
Учрашув . . . . .	127
Бир дона папирос...	128
Тунни севмай қўйдим...	129
Салом, тансиқ баҳор!	130
Кел, баҳор! . . . . .	131
Икки шеър . . . . .	133
Қўноқ . . . . .	133
Бу кунларда уйда эмасман . . . . .	134
Тонг . . . . .	136
Шеър демак...	137
Йиллар . . . . .	138
Онам боғи . . . . .	140
Ниятим, айтажак сўз, зорларимга...	141
Бутунингта мен бўлай ҳоким . . . . .	141
Узутим сирғилиб тушди . . . . .	143
Бу куннинг шеъри . . . . .	144
Куйлама ҳижронни . . . . .	145
О, ижод . . . . .	146
Олдингда оққан сув . . . . .	148
Хушдоллик . . . . .	149
О, зартам, энг гўзал афсонам . . . . .	149
Шошма ҳали!	152
Кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди . . . . .	155
Демак, баҳор келди...	157
Лавҳа . . . . .	159
Далада куз . . . . .	160
Она-Ер устида байрам...	161
Бинафша . . . . .	161
Тўй оқшомидаги ўйлар...	162
Мен денгизнинг лабида турдим...	163
Иқрорга вақт етди . . . . .	164
Бу оқшом...	165

### *Дафтарларда қолган лаҳзалар*

Кечир мени...	168
Тунги гулханлар . . . . .	169
Метрика . . . . .	169

Кенташда, сўзлардан зерикканда:	171
Қалам	171
Садоқат ҳақида ёзинг дейсиз...	171
Азиз устозим Faфур Гуломнинг рафиқалари Муҳаррам опамларга	172
Лаҳзалар	173
Илтижо	174
Хайр энди...	176

### *Достонлар*

Мушоира	178
Қуёшли қалам	184
Шарқнинг ўзи Она бўлган ҳамиша	208
Хотирам синиклари	213

## **ЗУЛФИЯ**

**ТОНГ БИЛАН ШОМ АРО**

*Сайланма*

«Шарқ» налийёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2005

Муҳаррир Г. Зокирова  
Бадиий муҳаррир Г. Шоабдураҳимова  
Техник муҳаррир Р. Бабохонова  
Мусажҳидлар: Н. Охунжонова, Ю. Бизаатова

Теришга берилди 8.06.2005. Босишга ружсат этилди 3.10.2005.  
Бичими 84x108<sup>1/22</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табори 11,0. Нашриёт-ҳисоб табори 10,2. Адади 5000 нусха.  
Буортма № 1516. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» налийёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**